

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ
АКАДЕМИЯСИ**

РУСТАМ ЖУМАЕВ

**ДАВЛАТ
ВА
ЖАМИЯТ:
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ЙЎЛИДА**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ
1998**

Жумаев Р.

Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида.— Т.: «Шарқ», 1998.—1446.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.

Мазкур китобда сиёсий фанлар доктори, профессор Рустам Жумаевнинг турти йилларда матбуот саҳифаларида чоп этилган илмий мақолалари ва маъruzалари ўрин олган бўлиб, унда мустақилликка эришганимиздан сўнг Президент Ислом Каримовнинг жамиятни ривожлантиришнинг истиқбол режалари асосида давлат ва жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар — қонунчилик асосларининг пайдо бўлиши, ижтимоий, иқтисодий сиёсий давлат тузилмаларининг шаклланиш жараёнлари, халқаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, мамлакатимизда давлат, жамият ва шахс ўртасидаги демократик муносабатлар, давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг ваколатлари, уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни кўрсатиб ўтилган.

Муаллиф қайси мавзууда ёзмасин, аввало уни чуқур таҳлил қилинган ҳолда, амалий мисоллар асосида ёритиб берган.

ББК 67.99(5У)0

КИРИШ

Истиқтолимизнинг ўтган олти йили ичидаги Ўзбекистон барча синовларга бардош бериб, мураккаб ва машаққатли жараёнларни босиб ўтди. Шунга қарамасдан бугунги кунда бунёдкорлик ва ақл-идрок билан қилинган шиддатли меҳнатнинг самарали натижалари кўзга ташланаётгандиги қуонарлидир. Қисқа муддат ичидаги давлат ва жамият қурилишининг барча жабхаларида амалга оширилган қўйидаги улкан ўзгаришлар, тарихий воқеалар мустақил давлат янги ва шонли тарихининг дастлабки ўн йиллик ривожланиш зарварақларида ўчмас из қолдириши шубҳасизdir:

1. Бой маънавий, маданий, анъанавий қадриятлар жаҳон тараққиёти қадриятларига уйғун ҳамда ҳалқаро ҳамжамият қадриятларига мувофиқ равишда қайта тикланди.

2. Республикада кўпмиллатли жамият барпо қилиш мақсадида фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тутувликни таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни ривожлантириш борасида барча имкониятлар яратилган.

3. Ўзбекистон ҳалқи Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган жамиятни ривожлантиришнинг истиқбол режалари асосида аниқ бир мақсад учун, келажаги буюк бўлган мустаҳкам давлат қуриш учун дадил қадам ташлаб бормоқда.

4. Бугунги кунда тикланиб бораётган қадриятларимиз — маданиятимиз билан жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон маданий тараққиётининг умуминсоний қадриятларига кириб бормоқдамиз.

5. Ўзбекистон ҳалқи сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги ҳаракатларнинг натижаларини ҳамда уларни умумжаҳон демократик нормалари ва қадриятларига мослигини баҳолашга тайёр. Айни пайтда ислоҳотларни амалга оширишдаги тўсиқ ва ғовлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини теран таҳтил қилиш вазифаси ҳалқимиз олдида кўндаланг турибди.

Айрим ҳолларда учраб туралиган кўнгилсизликлар — ислоҳотларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қўйувчи омиллар — орқада қолишлар, етишмовчиликларнинг туб сабабларини аниқлаб, уларни жиддий таҳлил қилиш ҳалқимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

6. Иқтисодни сиёsatдан устун қўйиш тамойили асосида иш кўриш оқибатида иқтисодий муросасозликни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасида сиёсий ва ҳуқуқий тизимнинг муросасозлигига юзма-юз келинди.

Мана олти йилдирки, Ўзбекистон ҳалқи мустақиллик шароитида яшаб, фаолият қўрсатиб келмоқда. Ўтган йиллар сарҳисоби танланган йўлнинг ҳамда жамиятни ислоҳотлаштиришга асосланган тамойилларнинг тўғрилигини тўла-тўқис исботлаб берди. Ҳуқуқий асосда таққосланган ва пухта ўйланган бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида давлат бош ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритмаганда эди, мамлакатда етилиб турган тартибсизликлар ва ҳалқнинг кулфатига айланиб кетиши мумкин бўлган иқтисодий инқизорлар, ўткир сиёсий тўқнашувларнинг олдини олиш фоятда мушкул бўларди. Иқтисодий инқизорларнинг олдини олиш зарурати ўз-ўзидан иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишнинг революцион йўлини танлаш номақбул эканини кўрсатди.

Давлатимиз бошданоқ нафақат иқтисодда, балки сиёsatда ҳам «фалаж қилиб даволащ» йўлини танлашга қарши чиққан эди. Ислоҳотлар ҳалқимизнинг ўзига хос дунёқараши, миллий қадриятлари, анъаналари ва яшаш тарзи алоҳида ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилганли.

Ўзбекистон микроиқтисодий барқарорликка эришиди, миллий валюта — сўм мустаҳкамланди, хусусийлаштириш жараёни ривожланди, мамлакат иқтисодий тузилишида бир талай ижобий ўзгаришлар содир бўлди.

Собиқ СССР инқизорга учраганидан сўнг мамлакатда вужудга келган реал воқеликлар — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёnlар, руҳий-маънавий аҳволга теран баҳо берилиб, уларни аниқ-равшан ҳисобга олган ҳолда янги жамиятни шакллантиришга қадам қўйилди. Барча жабҳадаги ислоҳотлар мамлакатда вужудга келаётган вазиятга қараб, қолаверса аниқ фоя-

ларга эришишнинг реал имкониятларини чукур мулоҳаза қилган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ҳар бир босқичда танланган долзарб масаланинг ечимини топиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Республиkaning ўтмиши ва бугунги ҳаётига холисона баҳо берилди ҳамда кенг миқёсдаги энг оғир масалалар ечимининг маъқул ва бехато йўллари излаб топилди. Худди шу ўринда жамиятнинг янгиланиш йўлидан олға боришида давлатнинг тутган ўрнини чукур таҳлил қилиш учун қуйидагиларни белгилаш зарур бўлади:

- жамиятнинг қарashi юқори даражага кўтарилди;
- фуқаролар яна ҳам кўпроқ озодликка эга бўлдилар, меҳнат фаолиятларининг натижасини юзага чиқариш, намоён этиш учун имкониятлар яратилди, уларда ўз-ўзига бўлган ишонч туйғуси пайдо бўлди;

Ўзбекистон жамиятини дунё маданий тараққиёти даражасида қайта тиклаш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Олти йиллик мустақиллик тажрибасига таянган ҳолда, Ўзбекистон томонидан танланган ислоҳотлаштириш моделининг Республика шарт-шароитларига мос келадиган ягона ва ишончли йўл эканлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Буларнинг барчаси бугунги кунга келиб, бутун дунё ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлиги айниқса қувонарлиdir.

Шу ўринда қуйидаги савол туғилиши табиий. Яъни, улар нималарда акс эттирилмоқда?

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги иқтисодига чет эл инвестициясининг оқиб келаётганлиги Ўзбекистоннинг ислоҳот моделига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганлигини намоён этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўпгина чет эл ишбилармонлари ва тадбиркорлари Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнини кузатиб, эҳтиёткорлик билан ўрганиб борган бўлсалар, бугунги кунга келиб эса беш млрд. долларлик чет эл инвестицияси жалб этилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозим. Агар ишбилармонлар давлат ҳокимиятига, унинг давлат тартибини сақлаб туришга, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлигига, қолаверса демократик ривожланишини таъминлай олишига ишонч билан қарамаганларида, улар бундай давлатга кириб бормасдилар. Бундай ҳажмдаги инвестициянинг жалб этилиши Ўзбекистоннинг

ислоҳот моделига бўлган ишончнинг юксаклигидан да-
лолатдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ислоҳотлаштириш босқи-
чи, янгиланиш жараёнини давом эттирган ҳолда дунё
ҳамжамиятининг тенгхукуқли ҳамда фаол аъзолигига
муваффақ бўлди. Бугунги кунда республика ўз овозига
эга бўлиб, унинг таклиф ва мулоҳазалари дунё ҳам-
жамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекис-
тоннинг Тожикистон ва Афғонистонда бўлиб ўтаётган
тандикларни бартараф этиш борасида киритган так-
лифларининг дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қув-
ватланаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Бундан
ташқари ҳозирги замоннинг энг хавфли низо тарқатув-
чи ўчоқларидан бири бўлган Афғонистонга четдан қу-
рол-яроғ олиб келишни бартараф этиш тўғрисидаги
Ўзбекистон гояси дунё ташкилотлари томонидан қўл-
лаб-қувватланмоқда.

Бизнинг таклифларимиз БМТ Хавфсизлик кенга-
ши, ЕХХТ, Европа парламенти, ИКТга аъзо мамлакат-
лар ташқи ишлар вазирилиги конференциясининг сўнг-
ги даврда қабул қилган қарорларида эътиборга олин-
ганилиги айниқса қувонарлидир.

Учинчидан, дунёдаги кўпгина етакчи давлатлар билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбе-
кистонда 120 дан ортиқ мамлакатлар билан диплома-
тик муносабатлар йўлга қўйилган.

Тўртингидан, Ўзбекистон БМТ ва Европа хавфсиз-
лик ва ҳамкорлик ташкилотларининг тенг ҳуқуқли аъзо-
си сифатида инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон дек-
ларацияси ва ушбу муаммо бўйича бошқа халқаро де-
мократик институтларнинг асосий ҳужжатларини тўла-
лигича қабул қиласи ва қўллаб-қувватлайди.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)
инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги
низомида кўзда тутилган учта асосий ҳужжатга имзо
чекилганлиги тарих саҳифасида ўчмас из қолдирди.

Бугунги кунда республикада инсон ҳуқуқлари бўйи-
ча Миллий марказ тўла ҳуқуқ билан фаолият қўрсат-
моқда. Миллий марказнинг очилиши жамиятни демок-
ратлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.
Ўзбекистон ҳукумати республикамизда инсон ҳуқуқла-
рини ривожлантириш борасида бир қатор муҳим тад-
бирларни амалга оширди. Инсон ҳуқуқлари бўйича
Миллий марказ, Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг
инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Маж-

лис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 21 та халқаро шартномага қўшилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан йўналтирилган чора-тадбирларга мувофиқ равишда БМТ ваколатхонаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари дастури бўйича иш бошлаганлиги Республикамиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу фаолият имкони борича жалб этилган бошқа дипломатик ва халқаро ташкилотларнинг иштироки ва кўмаги остида амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқини таъминлаш йўлида кенг қўламдаги қонуний имкониятларни аниқлаш ва ташкил этишга қаратилган изчил стратегияни барпо этишdir.

Шу билан бир қаторда 1997 йилнинг 5 марта мемлакатимиз Президенти И. Каримовнинг 1996 йил октябридаги Фармонига кўра тузилган инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг очилиш маросимида БМТ нинг тараққиёт дастури гуруҳи ва инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ўртасида «демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқаришни тақомиллаштириш» дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Шунингдек, бу борада ўтказиладиган миңтақалараро талбирларни ташкил қилишда яқинда Тошкент шаҳрида очилган Марказий Осиё қатнашчи давлатлари билан алоқа олиб борадиган ЕХҲЖ бюроси ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1996 йил мобайнида у биргина Тошкент шаҳрида халқаро аҳамиятга эга бўлган жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим муаммолари бўйича учта йирик анжуманни муваффақиятли ўтказганлиги foятда қувонарлидир. Тантанали суратда ўтган анжуманда Европа Иттифоқи давлатлар ва ҳукуматлар вакиллари гувоҳлигида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи орасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишувга имзо чекилди.

Келишилган мазкур шартнома фақат икки томонлама ҳамкорликка интилишнинг асосини яратишдан-гина далолат бермайди. Балки, Ўзбекистон халқларини бирлаштиришда муҳим ўрин туваётган инсон ҳуқуқига, фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқий давлатга ҳурмат билан қараш каби умуминсоний қадрияtlарнинг қайта

тикланиши давлатимизда демократик жамиятнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигини яққол тасдиқлайди.

Шу ўринда Республика мустақиллик йилларидан инсон ҳуқуқи ва манфаатига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бир талай ишлар амалга оширилганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиздир. Лекин ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп.

Бешинчидан, СНГдаги бир қанча давлатлар Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий тизимларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалийлиги ва самарадорлигини эътироф этмоқдалар ва унинг тажрибасини дикқат билан ўрганмоқдалар.

Бугунги кунга келиб, нафақат МДҲ давлатлари, балки шарқий Европа давлатлари ҳам Ўзбекистон тажрибасига қизиқиш билан қараётганлиги фоятда қувонарлиdir. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётiga ўтишда таънилган йўлининг тўғри ва бехато эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Шуни мамнуният билан эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари қаби, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа давлатлар иш фаолиятининг сиёсий-иқтисодий структурасида ҳам эътиборли овозга эга.

Шу ўринда қўйидаги савол туғилиши табиий. Республика ислоҳотлаштириш шахсий моделининг дунё ҳамжамияти томонидан тан олиниши унга қандай манфаат келтириши мумкин эди? Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши – ҳаёт тақозосидир. Чунки яккаҳолда ривожланиш йўлига кирган ҳар қандай давлат инқизорзга юз тутиб, қолоқ давлатлар сафига тушиб қолиши жаҳон тажрибасида исботланган. Доимий ва кучли ҳамкорларга эга бўлиш ҳамда уларнинг икки томонлама ёрдамида давлат ва миллат манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистоннинг ривожланишида катта аҳамият касб этиши шубҳасизлир.

Чет эл инвестицияларини жалб этишда муҳим ўрин туваётган тинчлик ва барқарорлик, тўғри йўналтирилган сиёsat, қонунчилик негизининг мукаммал даражада яратилганлиги, шунингдек давлат томонидан бериладиган кафолат ва имтиёзларсиз Ўзбекистон собиқ СССРдан мерос қолган қолоқ иқтисод билан ҳеч қандай натижага эриша олмасди, дунё бозорида ҳам рақобатлаша олмасди. Ва ниҳоят шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ислоҳот моделининг обруйли халқаро мамлакатлар ва етакчи давлатлар томонидан

тан олиниши — демократияга олиб борадиган, Ўзбекистоннинг жаҳон андозалари даражасига эришиш имкониятини яратадиган ягона ва бехато йўлдир.

Мамнуният билан айтиш жоизки, бугунги кунда Республикализ раҳбариятининг ўз олдида турган мураккаб масалалар ва муаммоларнинг ечимини топишга амалий интилишлари чет элликлар томонидан ҳурмат билан қарши олинмоқда. Улар Ўзбекистон билан ҳисоблашмоқдалар ва барча ҳаракатларига тўғри баҳо бермоқдалар.

Шу билан бирга мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ёш суверен давлат олдида турган вазифалар ҳам талайгина.

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги «Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не сир-синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги — XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?» деган саволлари ҳар бир ўзбекистонликни ўйлантириб, булар ҳақида мулоҳаза юритишга унданб, уларга тўғри баҳо бериш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишининг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш йўлида уларни илмий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ўйлаймизки, давлатимиз ва жамиятимизни демократлаштириш жараёнида юқорида қўйилган саволларга қисман бўлса ҳам жавоб топиш имконини беради.

ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ФУҚАРОЛАР ҮЗИНИ-ҮЗИ БОШҚАРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКОНА ТАЖРИБАСИ

Ҳокимиятнинг янги структурасини шакллантириш ва ривожлантириш

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг асосий устувор режали мақсади қуидагича белгиланди:

- ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни амалга ошириш, фуқароларнинг тинч-тотувлиги, осойишиштагини таъминлаш;
- Ўзбекистон фуқароларини ўз юртидан фаҳрланадиган ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш, уларда миллий ўз-ўзини англаш туйғуларини ривожлантириш;
- қонун устуворлигига эришиш ва ҳуқуқий тартибини мустаҳкамлаш;
- динидан, миллатидан, ирқидан, тилидан, ёшидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- ҳалқнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш;
- хўжаликнинг бозор форматарини ривожлантиришни рағбатлантириш ва ташаббускорликни қўллаб-куватлаш.

Бу мақсадларни фақат барқарор сиёсий тизимнинг босқичма-босқич шаклланиш шароитидагина амалга ошириш мумкин.

Мустақилликнинг биринчи босқичида бажарилган ишлар — Республикада янги Конституциянинг қабул қилиниши, ижро ва суд ҳокимияти ҳамда қонунчиликнинг шаклланиши, демократик институтларнинг ташкил топиши келажакдаги мақсад ва вазифаларимизнинг рӯёбга чиқишида асос бўлиб хизмат қилиши табиийdir.

Мазкур давр миллий давлатчиликнинг пойdevорини шакллантиришга қаратилган foятда машаққатли ва маъбулиятли давр бўлди. Айниқса 1992 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётидаги жуда катта ва муҳим сиёсий воқеа сифатида тан олинди.

Шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу сиёсий ҳужжатда Ўзбекистон ҳалқининг Республикада эркинлик ва ижтимоий адолатнинг ўрнатилиши, мустақиллик ва миллий ҳокимиятчиликнинг ташкил топи-

ши, аждодлардан мерос қолган бой қадриятлар — миллий урф-одатларнинг қайта тиқланиши борасидаги кўп асрлик орзуларини рўёбга чиқаришга барча имкониятлар яратилган.

Асосий Қонунда мустақил демократик давлат қурилишининг восита ва йўлари, фуқаролик жамияти, унинг кўп қиррали ҳақ-хукуқлари ва тинчлик тизими билан ривожланиш йўлини тушуниш, умуминсоний манфаатларнинг партия, синф, миллат ва бошқалардан устунлиги, мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясининг баённомаси ўз аксини топган. Ва ҳозирги кунга келиб, айтиш мумкинки, Конституцияда мустаҳкамланган сиёсий давлат тузуми модели Ўзбекистон фуқароларига ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий турмуш шароитларини эркин танлашларини кафолатлади.

Бу тажрибада қандай намоён бўлади?

Маълумки, янги Ўзбекистон раҳбарияти Конституцияни яратишга киришилган дастлабки кунларданоқ жамиятнинг сиёсий тизимини ҳамда давлат органлари структурасини янгилашда республика ва жойлардаги ҳокимиятларнинг вазифа ва ваколатларини белгилаб чиқиш масъулиятини ўз олдига энг муҳим мақсад қилиб қўйганди. Аммо инсоннинг моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, вазифаси ва ролини, жамиятнинг сиёсий тизимини ва давлат органлари структурасини ислоҳ қилиб бўлмасди. Ахир инсон моҳиятининг фақат тарихий жараён эмаслиги, балки унинг шахсияти ўзига хослиги ва ижодкорлик хусусиятлари ҳақидаги давлат арбоблари томонидан узоқ йиллар давомида тан олинмай келинган қарашларни тубдан ўзгартириш масаласини бирданига ҳал этиш оғир муаммо эди.

Собиқ ССР иттифоқи Конституциясида ишлаб чиқилган низомнинг баённомаси «совет ҳалқи», «умум-ҳалқ мулки» каби дабдабали шиорлар, зўр бериб ўнатилган ахлоқ нормалари, айниқса мавҳум ғоялар, аниқроғи ўринсиз ташвиқотлардан иборат бўлиб, улар ҳеч қандай реал кучга эга эмасди.

Шубҳасиз, бундай жамиятда ундаги мафкуравий тарфигбот ва ташвиқотлардан гангигб қолган тарихий жараён субъектлари мавҳум мақсадлар йўлида бир-бирининг манфаатларини, анъаналари, турмуш тарзи ва бошқаларни писанд қилмаганлиги туфайли собиқ иттифоқ таркибида бўлган бирон бир ҳалқ ҳақиқий ривожлана олмаганидек эркин ривожланиши мумкин эмасди. Булардан хулоса қилиб айтиш лозимки, келажакнинг ри-

вожланиш стратегиясини белгилашда биринчидан инсоннинг моҳиятини, унинг жамиятдаги ўрнини тажриба асосида тушуниш, иккинчидан мазкур тажрибага таянган ҳолда инсонпарвар демократик жамиятни барпо этиш зарурати асос бўлиб хизмат қиласди.

Бу шундай жамиятки, унда инсон ҳуқуқлари Декларациясида қабул қилинган фақатгина энг зарурий ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланибгина қолмай, балки бундай жамиятда ўзини намоён қилиш ва ўзини-ӯзи бошқариш ҳамда ташаббускорлик кўрсатиш борасида ҳам кенг миёсдаги реал шарт-шароитлар яратилган бўлади. Ва агарда Конституциянинг асосий йўналиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, энг аввало жамиятнинг ижтимоий гуруҳлари — шахсларнинг манфаатларини бир жойга тўплаган ҳолда, аниқ шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўз ичига олган бўлади.

Зеро, Ўзбекистондаги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қурилишининг асосий тамойиллари мана шу концептуал база асосида ташкил топган. Янги ташкил топаётган муносабатлар, ҳаракатлар, фикрлар, институтлар давлат бошқаруви ва ҳокимиятининг бўлиниш тизими ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистоннинг айнан мана шу концептуал асосда шакланаётган сиёсий тизимиdir.

Ҳозирги кунда тажрибада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган назарий ва методологик тамойиллар бошқарув органлари орқали мустақилликни мустаҳкамлашнинг пойдеворини яратиш ва уни амалга ошириш сиёсатига йўл очиб беради, мустақил сиёсатни аниқлаштиради ҳамда унинг тўғри ва мақсадга мувофиқ фаолиятини таъминлайди.

Конкрет шахснинг ҳақиқий манфаатларини амалга оширишда Конституция йўналишининг энг асосий роли шундан иборатки, у иқтисод ва сиёсатнинг ҳаракатлантириб турувчи барча тизимлари фаолиятини жадаллаштириш учун кенг кўламдаги имкониятларни яратади, конкрет шахснинг, сиёсий партиялар, жамият ҳаракатлари ва омманинг самарали фаолиятини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилишнинг барча асослари таркиб топгандир.

Хўш, бу нималарда намоён бўлади?

Ҳар қандай сиёсий тизим, ҳокимият унинг мазмуни ва асл моҳиятини чуқур таҳлил қилмасдан, уларни амал-

га ошириш муаммоларини ҳал этмасдан туриб, яшай олмайди.

Ҳокимият бугунги кунда бутун бир халқ ва аниқ шахслар манфаатларинигина амалга ошириш мақсадида таъсир кўрсатиб, унинг асл моҳияти, мақсад ва вазифаларини бузиб кўрсатувчи «ҳокимият ҳокимиятга эга бўлмаган гуруҳлар устидан ҳукмронлик қилади» деган мазмундаги сафсаларни инкор қилгани ҳолда, одат бўлиб қолган турғун тушунчаларни кишилар онгидан сиқиб чиқаришга эришмоқда. Асосий Қонуннинг демократиклиги эса, унинг айнан шундай ҳокимиятни амалга ошириш механизмидан ташкил топганлигидар. Агар мазкур механизмнинг туб моҳиятига янада чуқурроқ ёндошадиган бўлсақ, бу ўринда «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг баҳт-саодати учун» қабилидаги инсон манфаати билан боғлиқ сон-саноқсиз шиорларни ҳисобга олиш керак эмас. Улар аввалги конституцияларда ҳам у ёки бу кўринишда мавжуд бўлган. Лекин уларнинг аксарияти амалга оширилмасдан мавҳум баённомалар тубида қолиб кетганлиги foятда ачинарлидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги Конституцияси тузилаётганда эса, баённомада жаранглаган ифодалар бутунлай ва айтиш мумкинки, моҳиятан ўзгарди, яъни улар фуқаролар фаолиятини бошқаришдан ўз-ўзини ташкил қилишга ўтказилди. Бу ўринда бошқаришнинг фақатгина энг қулай усувлари танланмасдан, балки, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган, миллий ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи тартибга солишининг энг яхши анъаналари ҳам қайтадан тикланди. Биз учун асрлар мероси бўлган бундай анъаналар минглаб кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланила бошлаганлиги айниқса қувонарлидир.

Бугунги кунга келиб, маҳалла қўмиталари ҳамда оқсоқоллар Кенгashi томонидан улкан ишларнинг амалга оширилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Ушбу ўринда ҳокимиятни амалга оширишнинг яна қандай формаларини таклиф қилиш мумкин?

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, сиёсий ва иқтисодий ҳукуқ доирасига эга бўлган шахсларгина фуқаролар жамиятини барпо қилиши мумкин. Бунинг маъносига этиш янги Конституция низоми барча асосларининг яратилишида, мустақилликнинг қўлга киритилишида, қолаверса ҳукуқий демократик давлатни

барпо қилиш йўлида ташланаётган бутунги қадамла-
римизда ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳа, демократик ривожланишнинг минг йиллик
анъаналари синчиклаб ўрганилиб, уларнинг энг ях-
ши жиҳатлари танлаб олингани ҳолда, амалда фойдала-
нилмоқда. Ўзбекистоннинг ривожланишида танланган
йўлнинг яна бир ўзига хос томони шундан иборатки,
амал қилган Конституциядан, аввалги тизимдан мерос
қолган шахсларнинг ўзаро муносабатларидаги ноxуш
одатлардан воз кечилиб, умумисоний қадриятлар янги
мазмун билан бойитилди. Қолаверса, Ўзбекистон раҳба-
рияти шу ўринда ўзбеклар жамиятида доимо мавжуд
бўлган ва «миллатнинг соғлом шарбати»ни ташкил қил-
ган кишилар ўртасидаги соғлом муносабатларга асос-
лангани ҳолда бениҳоя құдрат билан шаклланиб бор-
моқда. Улар айнан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш шак-
лида, миллий анъаналар ва урф-одатлар кўринишида
намоён бўлиб, фуқаролик жамиятида шарқона демокра-
тия унсурларини ўзида акс эттирган ва ҳокимиятнинг
ҳар қандай шаклини қабул қилмайдиган сиёсий тизим-
нинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам, кишилар ўртасидаги ўзаро соғ-
лом муносабатларни юзага чиқариш, эскириб қолган
ва бизнинг жамиятга ёт бўлган муносабатларни эса
истеъмолдан чиқариб ташлаш имкониятларини яратиш
тузилаётган Конституциянинг, шунингдек Республика
ижтимоий ривожланишининг навбатдаги барча бос-
қичларининг асосий мақсадларидан бири бўлиши ке-
рак эди.

Шубҳасиз, келажаги буюк бўлган мустақил давлат-
нинг янги Конституцияси яратилаётган пайтда Республика
раҳбарияти ҳар турдаги уюштирилган демократ-
лар ва фундаменталистлар орқасидан эргашиб учун на
сиёсий ва на аҳлоқий жиҳатдан ҳеч қандай ҳуқуққа эга
эмасди. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, ўзини-ўзи
бошқаришнинг муваффақиятлари айнан кучли давлат
ҳокимиятининг барқарорлигини мустаҳкамлашда мұ-
хим ўрин тутади.

Шу ўринда миллий валютани мұомалага киритиш
ва мустаҳкамлашда Республикамиз раҳбарияти томо-
нидан амалга оширилган ишларни мисол тариқасида
кўриб чиқайлик. Ҳалқаро ҳуқуқ ҳамда аҳлоқий жиҳат-
дан Республикада қўшни ва ҳамкор давлатлар орасида
тузилган шартномадаги бирорта ҳам модда бузилмаган.
Шу билан бир қаторда қўшни давлатлар томонидан

олиб борилаётган кучли ва баъзи ҳолларда эса ноқобил сиёсатнинг мамлакатимизга етказган заарли оқибатларига қарамасдан, Республика раҳбарияти объектив сабабларга кўра фуқароларнинг ҳуқуқини бузишни, ҳалол ишлаб топган мол-мулкини талон-тарож қилишни ўзига эп кўрмади. Аксинча уларни ижтимоий бўхронлар гирдобига тушиб қолишдан сақлашга ҳаракат қилди. Ўзбекистон ҳукумати миллий валютани муомалага киритишда, ҳамда уни мустаҳкамлаш жараёнида ҳам нечоғлиқ қийинчиликларга дуч келмасин, Конституцияга киритилган асосий тамойиллар — Республика ҳалқи манфаати ва истеъмолига қараб, уларнинг яашаш даражасини яхшилашга интилди. Унинг иқтисодий барқарорлик йўлида ишонч билан қадам ташлаб бориши, сўмнинг конвертация қилиниши ва шунга ўхшаш ижобий ўзгаришлар танланган йўлнинг бехато эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзининг мундарижаси, тузилиши ва йўналиши бўйича Ўзбекистон ҳудудида амал қилиб келган олдинги конституциялардан тубдан фарқ қиласди. 1992 йилнинг 8 декабрида бошидан охирги сатрларигача мустақиллик ғоялари билан сугорилган, фуқароларнинг тинч-тотувлиги ва осойишталиги, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган Конституциянинг қабул қилиниши дунё харитасида пайдо бўлган ёш, мустақил давлатнинг ҳаёт фаолиятига улуғвор мазмун баҳш этди.

Конституциянинг шу кунгача амал қилиб келган инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва демократияни ривожлантириш борасидаги дунё ютуқларидан келиб чиққан ҳолда яратилганлиги унинг аҳамияти ва яна бир ўзига хос хусусиятини ифода этади. Фуқароларни жинсига, миллатига, ёшига, ирқи ва динига қараб қарама-қарши қўядиган ноўрин ифода, ноўрин ғоя унинг бирон-бир сатрига тўғридан-тўғри ёки киноя тарзда ҳам киритилмаган. Конституцияда сиёсий ва иқтисодий плюрализм, кўп partiya вийликнинг демократик тамойилларини эркин ёйиш ва ҳимоя қилиш, жамият ҳаракати ва ташкилотларининг шаклланишини кенг миқёсда ошириш масалалари мустаҳкамлаб қўйилган. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Конституцияси қонунчиликнинг бузилиш ҳолларига, тартибсизлик ва зўравонликларга йўл қўймайди, жамиятнинг бўлиниб кетиши, этник ва диний гурӯҳлар тўқнашуви, антидемократик ҳаракатларнинг олдини олади.

Конституциянинг йўналиши демократик барқарорликни ривожланитиришга қаратилган бўлиб, бунинг мөҳият ва мазмуни фуқароларнинг тинч-тотувлиги ва осойишталиги ҳамда ҳақ-хуқуқини кафолатлаш, умуминсоний қадриятларни авайлаб-асраш, алоҳида фуқаролар ва бошқа давлатларнинг ички ҳаётига аралаш-маслик, уларнинг ҳақ-хуқуқи ва шаънига иснод келтирмасликдан иборатdir.

Ўзбекистон Конституцияси Республиkanинг миллий ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши, ушбу мақом ҳамда Республика маҳаллий бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолият кўрсатишини конституцион мустаҳкамлаш (Олий Мажлис, ҳокимликлар, маҳалла қўмитасининг раислари, фуқаролар йиғини раислари), маъмурий-худудий бирликларни номлаш (вилоят, туман ва бошқалар) кабилар бунга мисол бўла олади. Буларнинг ҳаммаси ҳаётнинг демократик ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар ва шарқона хислатларни акс эттириб, ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари тўпланиши имконини йўқотади ва суд ижроия қонунчилик ҳокимияти вазифаларини аниқ чегаралаб беради.

Конституциянинг энг муҳим аҳамияти яна шундан иборатки, у вужудга келаётган бозор муносабатларининг мақсад ва йўналишини аниқлаб беради, хусусий мулкчиликнинг турли шаклларига кенг йўл очиб, уларнинг ривожланишини кафолатлади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аниқ ва равshan моддалари ҳамда сермаъно ва сермазмун низом матнларида яққол кўриниб туради.

Охиригина тўфонли йилларда дунёнинг қиёфаси шиддатли равишда тубдан ўзгариб кетди. Халқнинг озодликка ва баҳт-саодатга, ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши бундай ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилди. 1991 йилнинг 31 августидаги Ўзбекистон халқининг орзу-умидлари рўёбга чиқди — тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий мустақиллигига эришди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси демократик жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлади. Ушбу Асосий Қонун умумхалқ муҳокамасига қўйилгандан сўнг, уларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда юксак савияда, демократия ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу етук ва нуфузли ҳужжатда кўп миллатли

мамлакатимиздаги умумий руҳий ва ҳуқуқий мустаҳкам фазонинг умумий ўй-фикрлари жамланган, ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси — ўзбек миллий давлатчилик анъаналари, ахлоқий, маънавий мезонлари ўз аксини топган. Конституция нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, янгиланаётган жамиятимиз истиқболини аниқ белтилаб берувчи ҳужжат, келажак авлод йўлини ёритиб тургувчи маёқдир. Авваламбор у умуминсоний қадриятлар ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ устуворлигига қаратилган бўлиб, унда сиёсий фикрни чегаралайдиган, синфларни қарама-қарши қўядиган заарли ғоялар ҳамда партия ҳукмронлиги мавжуд эмас. Ҳудди шунингдек, давлат фуқаролар устидан зўравонлик юритмайди, ҳукмронлик қилмайди ҳам. Конституция инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси низомларининг деярли барча тамойилларини ўз ичига олган: инсон ҳаётига, унинг шахси ва эркинлигига дахлдордир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллик ва эркинликка нисбатан умумхалқ интилишидан келиб чиқсан шахсий изланишлар натижасидир. Асосий Қонуннинг яратилишида бизнинг миллий манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиқилган ҳолда, Шарқ ва Фарбнинг ҳамда Шимол ва Жанубнинг турли хил мамлакатларида тўпланган илфор конституциявий ривожланиш тажрибаларидан фойдаланилган. Жаҳон мамлакатларининг конституциявий ривожланиш тажрибаси чукур ўрганилиб, улардаги энг ижобий ҳолатлар Ўзбекистон шароитига мослаб қабул қилинган. Ушбу ўринда конституцион ҳуқуқнинг тажрибавий мезонлари энг муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Янада аниқроғи, чет эл конституцион тажрибаси Конституцияга қўйидаги талаблар орқали киритилди:

Биринчидан, ҳукуматнинг бўлинишини Конституцион тартибга солиш тамойиллари, инсон ҳуқуқи, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига эргашиш, конституциянинг барқарорлиги.

Иккинчидан, Преамбулада (Конституциянинг мундарижасида) бўлим, боб, моддалар бўйича матнни ташкил этиш ҳамда уларни жойлаштириш матни.

Учинчидан, матннинг қисқа ва лўндалиги реал давлат ва ижтимоий ҳаётни мустаҳкамлаб турган ортиқча регламент тартибини белгилашни ташкил қилишга йўл қўймаслик учун, келажакдаги қонунларга ҳавола қилинадиган нормаларни камайтириш вазифасига қаратилганлигидан борат.

Тўртингидан, бир мафкура ҳукмронлигидан бош тортиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини таъминлаш.

Бешинчидан, конституциявий кафолатлар: конституциявий судни ташкил қилиш, Асосий Қонунни ўзgartиришнинг алоҳида тартиби.

Олтинчидан, Конституция Президентнинг ҳукумат ва ижро қилувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги ҳуқуқий ўрнини белгилаб беради.

Мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг аввалги собиқ совет конституцияларидан фарқи шундан иборатки, унда Евромарказий конституциявий тартибга солиш мавжуд эмас. Лекин унда гарб мамлакатларининг демократик Конституциясига хос бўлган фуқаролик жамияти, ҳокимиятнинг бўлиниши, ҳокимиятнинг тугатилиши ва обрў-эътиборига қарши нормаларнинг оқилюна ҳисоби бор. Ва эҳтимол шу ерда (бу борада) умма ва ислом маънавий қадриятларига эътибор, қадр-қиммат, ҳурфикарлилик, тинчлик ва хотиржамликка жавоб берувчи давлатни катта бир оиласдек конституциявий тушуниш ҳам мавжуд. Шуни ишонч билан таъкидлаш жоизки. Ўзбекистон Конституцияси ватаннинг, давлат ва жамиятнинг руҳий ва маданий тараққиётга бўлган эҳтиёжи ҳамда мустаҳкам конституциявий ривожланишнинг дунё тажрибасига эга бўлган ижодий бирлигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «Шахс — жамият — давлат»ни энг асосий қадриятлар сифатида қабул қилган;

Шахс ҳурфикар, мустақил фуқаролик жамиятининг асосий қисмидир. Фуқаролик жамияти эса ўз-ўзини ташкиллаштирган ҳалқ — ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий манбаи ва етакчисидир. Мустақил давлат — шахс ва жамият ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг ҳимоячисидир. Бундан холоса қилиб айтиш мумкинки, Конституция фуқаролар, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасида ўзига хос ижтимоий шартнома вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 128 бобни бирлаштирувчи б бўлимни ўз ичига олади. Конституция муқаддимаси жуда қисқа ва юқори савияда ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон ҳалқи мазкур Конституцияни давлатнинг тенг ҳуқуқли хўжайини сифатида ўз ҳоҳиш-истакларини билдирувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилганлиги эътироф этилган. Конституциянинг биринчи бўлими конституциявий тузумнинг

асосий тамойиллари ҳақидаги ахборотдан иборат. Иккинчи бўлимни эса инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ўзбекона Билл десак хато қилмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, мазкур бўлим шахсий ҳуқуқларнинг умумий ва ҳажмий тизимиридир. Қонуний равишда айтганда эса инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат ҳокимияти тўғрисидаги бўлимни тўлдиради. Ҳуқуқ давлат томонидан инъом қилинмайди, балки фуқароларга ўзларига берилган ҳуқуқлардан ақл-идрок ва масъулият билан фойдаланиш эркинлиги берилади. Учинчи бўлимда ўзига хослик мавжуд бўлиб, дунё Конституциясининг ҳеч қайсисида ҳали бунақаси учратилмаган. Мазкур бўлимнинг асосий мақсади фуқаролик жамиятининг урф-одатларини қайтадан тиклашдан иборат бўлиб, у жамоат бирлашмалари ва уларнинг муносабатларини ҳақиқий ва соғлом ривожланишини таъминлайди ҳамда уларни ҳуқуқий тарзда расмийлаштиради. Тўртинчи бўлим Ўзбекистон Республикасининг давлат ва маъмурий-худудий тузилишига бағишлиланган бўлиб, унга Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисидаги алоҳида боб ҳам киритилган. Бешинчи бўлим жойлардаги ва юқори давлат органлари тузилишини акс эттиради ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили асосида давлат ҳокимиятнинг янги тизимини мустаҳкамлайди. Олтинчи бўлим Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тартибини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши ютуқларга эришишнинг қуйидаги йўналишларини кўрсатиб беради:

1. Фуқаролар тинчлигининг, миллий ва ижтимоийtotувликка боғлиқлиги.
2. Шахс эркинлиги ва танлаш эркинлиги.
3. Ҳамжиҳатлилик ҳамда иқтисодий ўсиш.
4. Давлат, фуқаролар олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон халиқининг сиёсий-ҳуқуқий тарихида катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат — Конституциянинг қабул қилиниш-мамлакатимиз ҳаётидаги қонуний ва зарурий ҳодисадир.

Президентимиз И. Каримов томонидан Олий Мажлиснинг VI сессиясида таъкидлаб ўтилганидек, давлат ва жамият тузумининг тамойиллари, фуқаролар эркинлиги ва ҳуқуқлари, жамият ривожланишининг иқтисодий асоси ва стратегик йўналишлари, барқарорлиги ва ахлоқий қадриятлари, қонунчиликнинг асосий тамойил-

лари ҳамда давлат ҳокимиятини бошқариш суд ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ўзининг Асосий Қонунида конституциявий мустаҳкамланмагунча, бирон бир давлат ҳақиқий мустақил ва демократик бўла олмайди.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқнинг ҳар хил тармоқлари бўйича кодификацион ўзгаришлар самарали олиб борилмоқда. Ушбу ўринда жиноят-процессуал кодексининг қабул қилиниши, давлат ва жамоат институтларини демократлаштириш, иқтисодиётни, маданият, маърифат, илм ва техникани ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлган 140 та қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий актлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш жоиздир. Чет эл мамлакатлари билан иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ ва дипломатик муносабатларни самарали ривожлантириш, Ўзбекистоннинг дунё сиёсий ва иқтисодий савдо-сотиқ тизимига қўшилишини тезлаштириш учун қонуний шарт-шароитлар яратилган.

Демократик ва кўппартиявийлик сайловлари натижасида мамлакатда давлат маҳаллий ҳокимият органларининг энг юқори органи (парламент) — Олий Мажлис вужудга келди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматнинг ижроия ҳокимияти, вазирликлар, қўмитаclar, концернлар, ассоциациялар ва бошқарув органларини шакллантириш учун катта ишлар амалга оширилди. Бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ усусларига асосланган давлатни бошқаришнинг беўхшов (қолок) механизми доимий равишда, босқичма-босқич ислоҳотлаштириб борилди.

Буни аниқроқ кўриб чиқамиз.

Республикамизнинг собиқ иттифоқ таркибидаги етмиш йиллик босиб ўтган йўлини танқидий баҳолайдиган бўлсак, унда иқтисодни ва ишлаб чиқаришни режалаштириш, тақсимлашни жамоа шаклларига ўтказиши, меҳнат ва истеъмол ўлчовини назорат қилиши, жамоатчилик фикри ва тарбиясини сиёсийлаштириш ва мағкуралаштиришга асосланган республиканинг кўп йиллик тарихий давридаги қотиб қолган ақидапараст жамиятни давлат томонидан қурилиш тизими, миллий ва ижтимоий тараққиётга танлаш усули ва ҳаракат қилиши, марказлаштириш ва монополлаштириш механизмининг фалокатли хатолиги натижасида бўлганлигини кўрамиз.

Хайриятки, бугунга келиб, умумхалқ манфаатларини ифодаловчи умумдемократик давлат сифатида ўзи-

ни-ўзи кўз-кўз қилиб келган социалистик давлатнинг барча кирдикорлари фош бўлиб, тоталитар-чиновник (амалдор), маъмурий-буйруқбозлик кўринишлари яқ-қол намоён бўлди.

Совет ҳокимияти сиёсий ва мафкуравий давлатчилик сифатида шарқона тушунча ва шарқона қарашларга мутлақо тўғри келмайдиган ва мутлақо бегона эди.

Ўзбекистонда сиёсий тизимни такомиллаштириш шароитида давлат моделини аввалги мафкуравий-хукуқий кўрсатмалар бўйича шакллантириш ва жорий этиш, шунингдек миллий-ањанавий тизимга мослаштириш мутлақо ярамайди, чунки бундай йўналиш тарихий илдизларга эга эмас. Бу борада эски тизимга ҳам қайтиб бўлмасди. Эски тизимда ҳам ҳокимият поғоналарининг ривожланиш даражаси бўйича партиявий давлат аппарати томонидан ҳукмронлик қилинган ва монополлаштирилган қонунчилик, ижроия, суд органлари ва уларнинг ҳукмронлиги жамият ҳаётидаги барча йўналишларга тарқалиб кетганди.

Айни пайтда республикада давлат қурилиши назарияси ишлаб чиқарилишининг биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилаётганлиги фоятда қувонарлидир. Жорий этилган қонунлар, норматив актлар, ҳокимият ва бошқарув тизимларини қайта шакллантириш бўйича олиб борилаётган амалий қадамлар шуни кўрсатадики, давлат ва бошқарув органларининг босқичма-босқич эволюцион услублари сақланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, улар янги сиёсий тизимни шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай йўналиш давлатнинг ислоҳотчилик роли ҳақидаги гоянинг амалга оширилиши билан биргаликда ижтимоий-сиёсий тузум моделини янги фалсафий мазмун билан бойитиш ва жамиятни ташкил этишнинг конструктив шаклларини танлаш ва қидириш имкониятини яратиб беради. Шу ўринда уддабурон ва ишга яроқли давлат тизимини шакллантириш мазкур янгилик нинг ўзига хос хусусиятларидан бири эканини алоҳида эътироф этиш лозимдир. Аввалда жорий этилган тизим кўп бўғинли ва кўп босқичли тизим сифатида таърифланадики, бу барчага аёндир. Масалан: Республика худудида 28 иттифоқ ва 17 республика иттифоқининг вазирлик ва бошқарувлари мавжуд бўлиб, улар иқтисод ва сиёсат ҳамда тарбияга оид соҳаларни ўзининг таъсир доирасида ушлаб турган. Улар республика мулки ва миллий бойлигининг кўп қисмига эга бўлиб,

улар устидан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўз ҳукмронликларини ўтказганлар. Аслини олганда мазкур орғанлар Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ифодалаган ҳолда, республиканинг маҳаллий тизимини бошқариш вазифалари ва бошқа кўпгина ҳуқуқларидан маҳрум қилганлар.

Давлат қурилишидаги ҳозирги асосий йўналиш бошқарувни демократлаштириш доктринаси мувофиқлигига ишлаб чиқилган бозор муносабатлари тамойиллари ва марказлаштириш ҳамда аксилмарказлаштиришнинг меъёрий жипслашуви асосида олиб борилади. Уларни жорий этиш жамият сиёсий тизимини нафақат тубдан ўзгартиради, балки янги сифатли органларини ташкил қилишга ёрдам беради. Иқтисодий ва хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи кўпгина вазирлик ва бошқармалар — давлат ассоциациялари, коorporация ва концернларга ўзгартирилди. Бу эса уларни бевосита бозор муносабатларига киришларига имконият яратди. Бошқа давлат тизилмалари эса эркин ва мустақил мақомга эга бўлган компанияларга айлантирилди. Учинчи таълим-тарбия ва маданиятта оид фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар кўмита ҳуқуқига эга бўлдилар. Шу билан бирга давлатнинг янги сифатини ташкил этиш учун муқаррар равишда зарур бўлган ташкилий қисмларини шакллантириш эҳтиёжини ҳаётга татбиқ этди. Булар: Мудофаа Вазирлиги, Миллий банк, Солиқ кўмитаси, Давлат Мулкчилик Кўмитаси ва бошқалардан иборат.

Мустақилликнинг кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, амалдор бюрократик аппаратлар фаолиятидаги ўтмишдан сақланиб қолган маъмурий буйруқ-бозлиқ усулининг мавжудлиги, ишлаш услубининг кучсиз ҳимояланганлиги ва етук ҳуқуқий асосга эга эмаслиги, уларнинг жойлардаги маҳаллий бошқарув органларининг ички ишларига тез-тез аралашувининг давом этиши улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ўз хусусиятларини намоён бўлишини секинлаштиради ва бора-бора тўхтатади- ҳам. Кўпгина марказий бошқарув органларининг ўзгартирилиши партиявий монополияга мафкуравий қарамликни у ёки бу даражада йўқотса-да, лекин уларнинг асоратидан бутунлай халос қила олмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ўзаришлар, тозаланишлар давлат аппарати ва бошқа тегишли соҳа ходимларига у ёки бу маънода тегиб ўтди, аммо уларнинг муҳитида давлат умуммиллат манфаатла-

ридан кўра ўз шахсий манфаатларини юқори қўйиш ҳоллари ҳали ҳамон кўзга ташланаётганлиги фоятда ачинарлидир. Бошқариш аппаратидаги тижорат йўналишларининг кучайтирилиши давлат хизматчилари орасида хусусий мулкчилик психологиясини ҳам ўз-ўзидан кучайишига олиб келади, ҳамда коррупция (уюшган жиноятчилик) учун имкониятлар яратади.

Буларнинг ҳаммаси шахсий ва гуруҳий манфаатларни кўзлаб уларга қарши турувчи имкониятлар қонунлари механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги ва аввалгиларининг эса ишга яроқли эмаслигидандир.

Юқоридагилар шундан гувоҳлик берадики, ташкил топаётган давлат қурилиши концепцияси ўта марказлаштирилган режалаштириш қолдиқларини бартараф этади, шунингдек, мустақил ва қарам бўлмаган хўжалик ва тижорат тузилмалари, ўзини-ўзи бошқариш ва демократиянинг давлатга тегишли бўлмаган формаларига тазиик ўтказиш учун бошқариш органларидан фойдаланиш имкониятини истисно қилади.

Ўтиш даврида давлат ташкилотлари шу билан биргаликла давлатга тегишли бўлмаган бошқарув ташкилотларининг шаклларини дастлабки структуравий жиҳатдан уйғунлаштириш ва тизимлаштиришни амалга ошириш, янги билим олишдаги барча эҳтиёжларни ҳисобга олиш, у ёки бу органларга — мустақил бирлашмалар ва ассоциацияларга ҳуқуқий мақом берилишини мақсадга мувофиқлаштириш фоятда муҳимдир.

Давлат қурилиши тизимидағи сезиларли ўзгаришлар ижроия ҳокимияти органларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Президентимиз И. Каримовнинг: «Тарихнинг баъзи бир даврида, айниқса ўтиш даврида миллий давлатчиликнинг ташкил топишида ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимиятининг бўлиши даркордир», деган сўзларидан келиб чиққан вазият жамият сиёсий тизими нинг берилган унсуруни ривожлантиришга анъанавий ёндошувнинг қайтадан кўриб чиқилишида методологик асос бўлиб хизмат қилади. МДҲ таркибидаги баъзи бир давлатларда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар, республика раҳбарияти, демократия ва плюрализм (кўп фикрлилик)даги тартибсизлик ҳокимиятнинг мавқеи, обрў-эътиборини пасайтирибина қолмай, жамият билан давлат орасидаги бир бутунликка зарар етказиши, шунингдек, умумий маданият ва аҳлоқни, уларсиз тараққийлашган ижтимоий ва иқтисодий қонунлар, умуминсоний тамойилларни, шахс ва давлатнинг ўзаро

муносабатларидаги қоидаларни йўқотиши мумкинлиги тўғрисидаги холосаларнинг нақадар ҳақиқат эканлигиги ни тасдиқлади.

Шу билан биргаликда ижроия маданиятини мустаҳкамлаш учун танланган республика курси ҳалқнинг миллий-тариҳий қадриятларига жавоб берибгина қолмай, балки ўтиш даврининг ички эҳтиёжларига ҳам батамом мос келишига яна бир бор иқрор бўлдилар.

Ҳокимлар институтини қайтадан тиклаш ва маҳаллий бошқарув органларини ташкил этиш бўйича ўтказилган тадбирлар кучли ҳокимиятнинг шаклланишидаги асосий қадамлардан бири бўлиб хизмат қилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одамлар, айниқса ўзбеклар тасаввурнида ҳокимлар гўёки «халқ ва мамлакат қалқони» дай тинчлик ва осойишталикни кафолатловчи восита бўлиб кўринган. Асрлар мобайнида ҳоким ва бошқарувчиларга бўлган ҳурмат ва ишонч даражаси ҳалқнинг уларга бўлган муносабатларига мутаносиб бўлиб келган. Ҳаммадан ҳам кучли, ҳақиқатпарвар ҳукмдор «адолат қалқони» бўлиб обрў қозонганд, «аҳолининг гуллаб-яшнашини таъминлаган, уларни ҳимоя қилган». Шунинг учун ҳокимиятнинг тикланиши жамият онгига диктатура ва тоталитаризмга айтамайди, аксинча мамлакатда авваламбор қонунчилик ва ҳуқуқий тартибот, интизомнинг қайтадан ўрнатилишига, фуқаролар онгига қонунга ҳурмат ҳиссининг шаклланишига олиб келади.

Ҳокимият аппаратларининг сони аввал амал қилган ижроия қўмиталарига нисбатан камроқ бўлса-да, уларга нисбатан ҳаракатчанроқдир.

Ҳокимият аппаратлари шаклланиш негизининг профессионал асосда ташкил этилиши бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Давлат қурилиши концепциясида маъмурий ҳудудий жиҳатдан бўлинган пастки бўғинларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини қайтадан кўриб чиқиши, шу билан бирга маҳаллалар, оқсоқоллар Кенгаши ҳамда бошлангич ва ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш шаклларини давлат тузилишининг таркибий қисмига айлантириш ҳозирги кун заруратидир. Айни пайтда республикада мазкур ҳудудий бирликларнинг 10 мингдан кўпроғи ҳисобга олинган бўлиб, улар бутун аҳолининг 86 фоизини ташкил қиласди. Бугунги кунда шаҳар микрорайонлари ва бошқа янги жойларда маҳаллаларнинг шаклланиш жараё-

нининг тугатилганлиги ғоятда қувонарлидир. Бу эса одамларнинг маълум бир жойда биргаликда яшаб, юқори ижтимоий даражага эришувларига йўл очиб беради. Маҳалла тарихий ва замонавий тушунчамизда аниқ кўрсатилган ижтимоий демографик, руҳий-маданий ва ҳудудий аниқлик бўлиб намоён бўлади. Унинг субъектлари қадриятлар, урф-одатлар бирлиги ҳамда ҳуқуқий, ҳўжалик, оиласиий ва бошқа муносабат шаклларига ўзаро боғлиқдир.

Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий кескинликлар зўрайган вақтда маҳалла қўмиталари ҳудудда тартиб-интизом ўрнатиш, ҳўжалик ва майший соҳалардаги ихтилофлар, муаммоларни бартараф этиш каби масалаларда ўзининг давлатчилик моҳиятини намоён қилган. Бугунги кунда давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий режадаги вазифаларини бажариш борасида уларнинг аллақачон пишиб етилганлигини тажриба кўрсатмоқда. Уларга расмий давлат маъкомининг берилганлиги ижроия ҳокимиятини улдабурон, ишга яроқли, кучли бўлиб шаклланишида, ҳалқ ҳокимиятининг ҳақиқий демократик шаклларига ўтишида муҳим ўрин тутади.

Маҳалла қўмиталари инсон руҳияти ҳамда миллий қадриятларимизнинг мустаҳкам асосига таянган ҳолда аҳоли ҳуқуқи манфаатларини, урф-одат, инсон хулқатворини, унинг бошқаларга муносабатини, турли вазиятлардаги хатти-ҳаракатини тартибга солиб туришда бошқа у ёки бу органларга нисбатан кўпроқ аҳамият касб этади. Кичик тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришга ҳисса қўшади, ўзаро ёрдам ва раҳмашафқат жамоатчилик фонdlарини ташкил этиб, ўз ҳудудини керакли инфраструктура ишлаб чиқариш, майший хизмат, маданият ва руҳият, хусусийлаштириш ва ҳўжалик юритиш шаклини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ашёлар билан таъминлайди.

Давлатчилик назариясини ишлаб чиқишида жамоатизими турини танлашга алоҳида ёндошмоқ зарурдир. Зеро, Асосий Қонунда ҳам Ўзбекистоннинг «суверен демократик республика» (I боб, 1-модда) эканлиги алоҳида баён этилган, ундан ташқари «Ҳалқ давлат ҳокимиятининг ягона манбай ҳисобланади» (II-боб, 7-модда) ва «Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади» (III боб, 15-модда) каби конститутциявий нормаларда ҳам янги давлат ташкил топаётган жараёнда унинг моҳиятида ҳеч қандай сиёсий ва мафкуравий

қарашларнинг ва синфий жамият деферентациясининг ва белгиларининг мавжуд эмаслиги яққол кўриниб туриди. Шу вақтнинг ўзида тузум хусусиятларига баҳо берилганда ҳар қандай мафкуравий изнлар чиқариб ташланганлигини ва янги давлат қурилиши назариясининг илгари тарғиб қилинган ва сингдирилган (тиқиширилган) «умумхалқ», «ижтимоий бир хиллик» қабилидаги коммунистик қадриятлар ва идеаллардан ҳоли эканлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, миллий давлатчиликнинг дунёқарааш асослари ва методологик базасини «умумий манфаатлар устуворлиги», «коллектив психология» тўғрисидаги социализмнинг қотиб қолган(догматик) назарияси эмас, балки инсоннинг ҳақиқий(чинакам) ҳукуқтари ва эркинликлари ташкил этади, табиийки, янги тизимда шахс ва давлат орасидаги ўзаро муносабатлар биринчи навбатда илгари сурилади. Чунки давлат қурилишининг ҳар иккала унсури ҳам ўзаро ҳукуқ ва маstryулият билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, давлат ижтимоий боқимандалик вужудга келишини ва ишсизлар сонини кўпайишини тўхтатади, инсон эса ўз муаммоларини шахсий ва потенциал (салоҳияти) имкониятлари ҳисобига ҳал этиш заруриятини англайди. Бунда давлат ишчиларни тирикчилик манбалари ва воситалари билан тўла таъминлаш мажбуриятини олмайди, балки ҳар бир ишчига шундай шароит яратади ва тақдим этади, қайсики ушбу муҳитда шахс ўз эҳтиёжларини қондиришда табиий ўзига хослигини амалга ошириш усусларини топади.

Қонун кишиларнинг миллатидан, партиявийлигидан, ижтимоий келиб чиқиши, диний эътиқодидан қатъи назар ҳукуқий ва ижтимоий тенглигини баҳоловчи ягона ўзгармас восита бўлиб ҳисобланади. Қонун жамиятнинг ривожланишидаги йўлга қўйилган ҳамма ижтимоий муносабатларнинг норма ва тамойилларини аниқлайди ва белгилайди. Республикада қонунчилик ҳокимияти давлат олий вакиллик органи — Олий Мажлис бўлиб ҳисобланади.

Аввалимбор шуни таъкидлаш зарурки, Олий Мажлис жамиятнинг парламентар давлат-сиёсий қурилмасининг янги турини ифодалаб, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги демократик ривожланишда содир бўлаётган сифат ўзгаришларни ўзида акс эттирган. Принципиал аспектда Ўзбекистон тарихида биринчи марта профессионал асосда ҳамда қўппартиявийлик мандат базасида шаклланган ҳокимиятнинг ва-

киллик органига эришилди. Бу эса Ўзбекистон жамиятининг маданий тараққиётига ва ҳуқуқий тузумга бўлган ҳаракатининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасида республика ҳалқи ўзининг сиёсий маданияти ва саводхонлигини, билими ўсганлигини кўрсатди, ижтимоий ва миллий бирлик ва бирбутунлилик, фуқаролар тотувлигига, республиканинг давлат мустақиллигига содиқлигини намоён қилди. Давлат томонидан баён қилинган демократия ғоялари ва кучли ҳокимият, қонун устуворлиги ва шахс эркинлиги ғоялари — қарама-қарши тушунча ва воқеалар бўлмай, балки миллатлар ва элатлар, синфлар ва ижтимоий гурӯҳларни бирлаштирувчи механизмлар бўлиб, улар давлатдаги ахлоқий-руҳий вазият барқарорлигини таъминлади.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар фақатгина мустақилликка эришилгандан сўнг юзага келган ҳуқуқий ва қонунчилик соҳасидаги бўшлиқни тўлдиришга қаратилмаган, балки, уларда фуқаролик жамиятига, тараққийлашган бозорга эволюцион ва босқичма-босқич ўтиш ҳамда кучли ижроия ҳокимиятини ўрнатиш, аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ўз аксини топган.

Олий Мажлиснинг фаолият даражаси ва ишга лаёкатлилигини кўриб чиқилган қонунлар сонининг кетидан қувиш билан эмас, балки қабул қилинган ҳужжатларнинг сифати ва тизимлилиги билан аниқлаш зарур. Бу ерда биринчи навбатда қонунчилик акларининг ишлаб чиқиши услубиёти (методологияси)даги ўзгаришлар кўзда тутилади. Умуммиллий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни кўриб чиқишининг пакет — блок тизимиға ўтиш бугунги кунда катта аҳамият ҳасб этмоқда. Бунда улардаги профессионал сифатнинг юқори даражаси сақланиб қолади. Илгари қабул қилинган қонунларнинг қадриятларига қарамасдан шуни таъкидлаш зарурки, уларда кўпчилигининг ифодаланишида, низомларининг баён қилинишида, икки маъноли(мужмал)ликка йўл қўйилганлиги, моддаларининг мавхумлиги каби нуқсонлар бор эди. Табиийки бундан қонунларни турлича тушуниш, турлича талқин қилиш ва турлича шарҳлаш ҳолатлари келиб чиқади. Ҳозирги кунда қабул қилинган қонунларнинг кўпчилигига қўшимча ва ўзгаришлар, моддаларига янги ифодалар киритилгани бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, Олий

Мажлис ҳузурида яқинда тузилган амалдаги қонун хужжатлари билан ишлаш бўйича мониторинг институтининг кенг фаолият олиб боришига барча имкониятлар яратилди.

Маълумки, Қонун ҳамма таркибий қисмларни ўзида уйғулаштирган бўлса, қачонки у ўзининг ҳуқуқий нормалари, маънавий тамойиллари, умуминсоний қоидаларнинг ҳақиқийлигини исботламасдан ва ишонтирмасдан, балки уни тасдиқласагина тузилиши ва мазмунни жиҳатдан тутгалланган шаклни олади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» ва «Олий Мажлис тўғрисида»ги конституцион Қонунга мувофиқ парламент фақатгина қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади. Бу нимани англатади?

Умуман олганда бунда бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичида жамият аъзолари шахс ва гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосий қоидаларини ишлаб чиқишининг янги механизмларини яратиш тушунилади. Яъни, Республика қонун чиқарувчи органи ушбу босқичда барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини, уларнинг иқтисодий ютуқларини мустаҳкамлаш, жамиятнинг бирбутунлигини сақлаш жараёнларига ишонтирувчи (фақатгина жамоалар фикрини ҳисобга олган ҳолда) қонунлар ишлаб чиқишига ва тасдиқлашга интилади.

Фақатгина ушбу тамойиллардан келиб чиқсан ҳолда давлат бошқарувида ҳалқнинг реал иштироки асосида кейинги йилларда ишлаб чиқилган қонунчилик амалиётида мукаммаллаштиришни давом эттириш мумкин. Бу эса парламентда кўпприк қуриш ёки дейлик ўз районида сув қувури ўтказиш каби маҳаллий характерга эга бўлган лойиҳаларни қўллашнигина эмас, жамиятда қонун устуворлиги, тартиб ва интизом, ҳар бир фуқарони унинг ирқи, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар конституцион ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларини мустаҳкам ўрнатишни англатади.

Ушбу тамойилларни мустаҳкам ўрнатиш ва уларга амал қилиш ҳалқ вакилларининг моҳиятига янгича қарашни талаб этади. Ҳалқ вакилларига фақатгина «ҳалқ делегатлари» сифатида қарашдан воз кечиш зарур. 1774 йилда Эдмунд Берк Британия парламентига сайланганидан сўнг, шундай деб таъкидлаган эдик, сайловчилар уларни мамлакатнинг олий манфаатларига хизмат қилиш учун парламентга сайлайдилар. Бундан келиб чиқиб, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

депутатлари мураккаб вазифани ҳал қиласидар — ўз эътиқодларига таяниб, гуруҳларнинг умумий ҳоҳиш-истакларини ифода этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси олий манбаатлари йўлида фаолият юритадилар. Бирмунча ишга лаёқатли қарорлар ишлаб чиқиш йўлида оқилона муросага келиш ҳар бир депутатнинг дунёқарашини белгилайди. Бу авваламбор уларнинг қонунларни яратишни амалга ошириш вазифаларига тааллуқлидир.

Ўзбекистон мустақиллигига эндиғина олти йил тўлди, бу даврда кўп ишлар амалга оширилди, лекин олдимиизда янада кўпроқ вазифалар ўз ижросини кутиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистонда қонунчилик спектори бугунги кунда деярли чекланмаган. Ҳар бир янги кун қонунчилик меъёри учун асос бўлиши мумкин бўлган муаммони илгари суради. Бундан ташқари, ҳаёт амалдаги қонунларга ҳам ўз тузатишларини киритмоқда. Ҳа, албатта, қонунлар ҳамма учун мажбурий қабул қилинади. Лекин фуқароларнинг эҳтиёжлари, манбаатлари, имкониятлари, айниқса ҳозир, доимий равишда ўзгаради, шунинг учун ҳаттоқи мукаммал ишлаб чиқилган ва «ишланаётган» амалдаги қонунлар билан ҳаёт ўртасида номувофиқлик юзага келиши табиий ҳолдир.

Ушбу номувофиқликни энг юқори даражадан энг кам даражага етказиш учун барча имкониятларни ишга солиш — депутатларнинг мураккаб мажбуриятларидан биридир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларнинг мажбурий кучи мутлақ зарурият чегарасидан чиқмаслиги керак. Қонунларнинг ўзи эса, Ўзбекистон ва унда яшовчи фуқароларнинг ўзгариб бораётган реал манбаатларини ифода этиши, уларнинг реал манбаатларига ва эҳтиёжларига мос келиши зарур.

Республикада кўпгина қонунчилик таклифлари гўёеки бир ижроия ҳокимиятидан тушади, собиқ Олий Кенгаш томонидан эса уларнинг қарорлари мухрланган холос, — деган тасаввурлар унчалик тўғри эмас. Ҳақиқатни ойдинлаштириш учун қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

Биринчидан, айнан собиқ Олий Кенгаш томонидан моҳияти жиҳатидан Ўзбекистон давлат қурилишининг пойдевори бўлган қонунчилик базасини яратиш бораисида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг

ваколат ва мажбуриятларини аниқлаб берувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бозор иқтисодининг ҳуқуқий базасини ташкил этувчи, ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминловчи қонуний актлар катта мажмуасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва бошқа шу кабилар собық Олий Кенгаш томонидан бажарилган ишларнинг ҳаққоний далилидир.

Иккинчидан, Олий Кенгаш нафақат таклиф этилган сиёсий чораларни кўриб чиқди, балки қисман инкор этди ва ўзгартирди, ҳам қолаверса ўзининг муҳим тузатишларйни киритди ва қонунчилик таклифларини ўргага ташлади. Олий Кенгаш мамлакат ташқи ва ички сиёсатини ишлаб чиқишида Олий Мажлиснинг ташаббускорлик ролини қўллаб-қувватлаш, ижроия ва суд ҳокимиияти билан ўзаро муносабатларида унинг фаолигини ошириш учун асос яратди.

Албатта, Олий Кенгаш фаолиятида айрим сусткашлик, ташкилий камчиликлар, журъатсизлик ҳоллари ҳам рўй берди. Илк дақиқаларда Олий Кенгаш аслида қисман бўлса-да ҳалқ номидан гапирса ҳам, лекин (америқаликлар ўз конгресслари тўғрисида зукколик билан айтганларидек) «кўпчилик овозда гапирди».

Кўппартиявийлик асосида сайланган бугунги Олий Мажлис таркиби бирмунча кенг ҳалқ мандатига эга бўлиб, бунинг эвазига кучли бўлишга ҳаққидир. Бу эса Ўзбекистон Олий Мажлиснинг, энг аввало, кучли (лекин куч билан эмас) қонунчилик сиёсатини амалга ошириши кераклигини англалади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш зарурки, кучли қонунчилик сиёсати — қонун устуворлигидан, турлича ижтимоий кучлар, аниқ шахслар эҳтиёжлари ва манфаатларини билишдан келиб чиқадиган изчил сиёсат бўлиб, мазкур ижтимоий кучларга таянади ҳамда у Ўзбекистон ҳалқлари манфаатларини ҳисобга олмаслиги мумкин ҳам эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти мустақил давлатчилик ривожланишида янги босқични бошлаб берди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар иқтисодни тезроқ барқарорлаштирилиши, тадбиркорликнинг эркинлашуви, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга хизмат қиласи.

Олий Мажлис олдидаги нафақат бутунги, балки келажак авлод, қолаверса мамлакат тақдири учун катта

масъулият ётади. Охир-оқибатда уни тушуниб етиш нафақат яқин, балки узоқ келажакда ҳам халқ тақдирига боғлиқ бўлиб қолади.

Бу чинакам тарихий масъулият бўлиб, уни англаган ҳолда қабул қилинган қонунлар яратилаётган хуқукий демократик давлат ва тараққий этган фуқаролик жамияти андозаларига бутунлай таъсир ўтказишга қодир.

Малайзия Дипломатия институтида 1997 йил 17—20 ноябрь кунларида ўтказилган семинарда ўқилган маъруза.

СИЁСИЙ ТИЗИМЛАРНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

(Сиёсий партиялар: ғоялар, баёнотлар, ижтимоий ҳаёт)

Ўзбекистон Республикасида ўтган олти йил давомида янги тузумнинг ишончли ва мустаҳкам пойдеворини яратишда муҳим натижаларга Эришилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи нафақат иқтисодий соҳада очилган кенг имкониятлар билан, балки Ўзбекистон фуқаролари онгидан эскича тафаккур тарзини – эскича психология стереотипларини изчил равишда бартараф этиб бориш билан тарихга кирганлиги қувонарлидир. Лекин маъмурий-буйруқбозлик давридан қолган барча қолдиқлар йўқотилди, дейишга ҳали эрта. Яқин ўтмишдан мерос қолган ва ҳозиргача сақланиб келаётган зарарли иллатлардан бири ҳокимиятни амалга оширишдаги давлат яккаҳокимлигидир. Бунга асосланган сиёсий тузум бугунги кун шароитида жамият ва иқтисод ривожланишининг одимларини таъминлаш ҳолатида эмасди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, ҳар бир давлат учун марказий ва маҳаллий ҳукуматлар ўртасида ҳаётий муҳим муносабатларни тартибга солувчи механизм зарур. Гап демократик сиёсий тизимга эга бўлган давлат тўғрисида кетганда, бундай механизмнинг роли ва моҳияти яна ҳам ошади. Бундай шароитларда у муносабатларни шундай бошқариши керакки, яъни унда марказ ва маҳаллий ҳукуматлар манфаатларининг оптималь бирлиги таъминланishi зарур.

Давлатнинг муайян функцияларини марказлаштириш зарурияти доимо мавжуд. Акс ҳолда қонунчиликнинг ягоналигини таъминлаш, ягона иқтисодий, ижтимоий, илмий-техника сиёсатини ишлаб чиқиш ва

амалга ошириш мумкин эмас. Бироқ марказлаштириш оқилона доирада амалга оширилиши керак. Зеро маъмурий буйруқбозлик тизимида ўта марказлаштириш қандай салбий оқибатларга олиб келганлиги ҳаммамизга маълум.

Жамиятимиз ривожланишининг бугунги шароитида марказлаштириш жараёни эски, анъанавий ёндашув ҳисобига эмас, қайсики ҳукумат юқори поғоналари фаолият доирасига кўпроқ маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар тушган даврда, ҳукумат қўйи поғоналарига тезроқ функциялар ва ваколатлар бериш эвазига амалга оширилиши керак. Бу марказлаштиришнинг кучсизланишини англатмайди, балки ҳокимиятнинг маҳаллий органлари мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёни аксилмарказлаштириш орқали (гўё бир медалнинг иккичи томони кабидай) амалга оширилади.

Ўта марказлаштиришнинг олдини олиш учун сиёсий, иқтисодий ва ҳукуқий кафолатларнинг бирбутун тизимини ўз ичига олган ҳаракат механизми керак.

Сиёсий кафолатларга сиёсий тизимларни либераллаштириш, ҳокимият бўлиниши тамойилларига жиддий риоя қилиш, жамият ҳаётида демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ваколатларини кенгайтириш кабиларни киритишга тўгри келади. Бу кафолатлар ҳокимиятнинг юқори ва қўйи тузилмалари ўргасидаги муносабатлар комплексини бутунлай тубдан ўзгартиришни тақазо этади.

Иқтисодий кафолатлар мулкнинг турлй шаклларини қонуний мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини фаол сингдиришни ўз ичига олади. Бу эса ҳокимият марказий органлари қўйи звено тезкор фаолиятига аралашувидаги имкониятларини аҳамиятли даражада чегаралайди, бўлмаса ушбу ҳолатда маъмурий эмас, балки иқтисодий таъсир усусларини қўллаш афзаллигининг зарурияти туғилади.

Қонун устуворлиги тамойилига риоя қилиш, амалдаги қонунчиликни тезкорлик билан янгилаш ҳамда унда жамият ҳаётини тезкорлика барча соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун ҳокимиятнинг марказий органларига реал зарур бўлган ваколатларнигина мустаҳкамлаш ҳукуқий кафолатлар қаторига киради.

Ҳокимиятнинг марказий органларига берилган ваколатлар давлат сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг ягона-

лигини таъминлаши керак. Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларини иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни асраш ва бошқа соҳалардаги умумдавлат сиёсати доирасидаги маҳаллий муаммоларни самарали ҳал этишга йўналтиришга тўғри келади.

Аксилмарказлаштириш бир марталик характерда бўл-маслиги керак. Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар йўлидан олға силжиш тадбирлари бўйича аксилмарказлаштириш жараёни жамият ривожланишининг аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда давом этиши керак.

Республикада ўтказилаётган сиёсий тизимларни либераллаштириш, радикал иқтисодий ислоҳотлар сиёсий ва иқтисодий тузилмаларнинг қуий бўғини мустақиллиги чегарасини муқим кенгайтириш йўли билан марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари нисбатини мукаммаллаштириш учун қулай шароит яратади. Бунда унинг ишончли ҳимояси механизмини ўйлаб чиқиш зарур. Бундай механизмнинг айрим унсурлари бугунги кунда ҳаракатланмоқда. Худди шунингдек, Ўзбекистон сиёсий тизимнинг мослашув қобилиятини оширишнинг қатъий усули ўлароқ сиёсий тизим яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда босқичма-босқич замонавий андозаларга ўтмоқда. Маҳаллий ҳокимият тузилмалари, ўз-ўзини бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, жамият ва ижодий ўюшмаларнинг мустақиллик даражаси кенгайиб, эркинлик даражаси босқичма-босқич ошиб бормоқда. Уларнинг фаолиятини жонлантириш, умумдемократик ўзгаришлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичидаги энг долзарб вазифаларидан биридир.

Маълумки, якка шахслар фаолияти, уларнинг маълум доирада бирлашувини сиёсатчилар улар эркинлиги фактори сифатида қабул қиласидар. Бу эса ўз ўрнида сиёсий мақом тусини олиб, моҳияттан сиёсий партияларни ташкил қиласиди. Айнан шу сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг ажратмас таркибий қисмига айланади. Аммо шу билан биргаликда сиёсий партиялар маълум ижтимоий гурӯҳлар манфаатларини акс эттириш билан бирга уларнинг ҳокимиятга томон реал ҳаракатини таъминлашда давлат билан ҳамжиҳат бўлиши лозим. Сиёсий партия мухолифат моҳиятидан келиб чиқиб, бир томондан фуқаролар жамияти манфаа-

ти ва сиёсий ҳокимият учун бўлган ҳатти-ҳаракатини чегараланган сферада (доирада) ифода этса, бошқа томондан, уларнинг бир-бирига мувофиқлиги ва ҳамжи-ҳатлигини таъмин этади. Бу эса сиёсий партия тараққиёти ва мустаҳкамлигига манбаи бўлиб хизмат қиласиди. Қолаверса, айнан шу партияниң Республика ижтимоий-сиёсий муҳитидаги алоҳида ички ҳолатини белгилайди. Гап шундаки, партия ҳокимият тузилмаси билан қанчалик яқин бўлса, мавжуд тузилма билан тенглаша боради. Тоталитар жамиятда бундай партияниң давлат тасаррүфига ўтиши ҳисобига амалга оширилган. КПССниң монополистик фаолияти унинг давлат ичидағи яна бир катта давлатга айланишига сабаб бўлиб, аъзолар сонининг кўплигига қарамай, уни ҳалқдан, жамиятдан ажратиб, ўзига ўзини қарши қилиб қўйди.

Фақат сиёсий плюрализм шароитида фаолият кўрсатадиган партиягина фуқаролик жамиятининг ажралмас бўлагига айланиши мумкин.

Лекин сиёсий партиялар сонининг кўпайиши жамиятда беқарорлик, сиёсий мухолифат ва қарама-қаршиликларни кафолотловчи фактор эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Бундай хавф мавжуд, бироқ шу ўринда партиялар сонининг кўплиги жамиятда демократияни таъминловчи мезон бўлиб хизмат қилишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Фуқаролик жамияти мавжуд бўлмаган жойда сиёсий келишувнинг ҳам бўлмаслиги ўз-ўзидан аёндир. Бундай фаолият кўрсатувчи партиялар монополлашувдан келиб чиқсаннатижалар ёки сиёсий ҳаётнинг барча доираларидағи тажрибаларга асосан шаклланиб, тор доирадаги гурӯҳлар ёки шахсий манфаатлар қуролига айланади. Ўзини мухолиф дея эълон қилиб, номаъқул танқид билан шуғулланади ва қисман тарафдорлик — экстремизмга оға боради.

Бундай ҳолатни асосини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатчилик ҳамжиҳатлиги ташкил этувчи ягона сиёсий ва ижтимоий муҳит яратиш билангина барта-раф этиш мумкин. Яъни турли ижтимоий партия ва ҳаракатларнинг қонунийлик шарти расмий ҳокимиятга қарама-қарши туришдан эмас, уни қўллаб-қувватлашдан, кенг омма қатламишининг, турли ижтимоий гурӯҳларнинг ва энг аввало инсоннинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўзида акс эттиришдан иборат.

Фақат инсон манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда иш юритишгина партияниң доимий ва тўлақонли фао-

лиятини таъминлайди. Биз инсон деганда маълум маънода жizzаки йўлбошли, тор доирадаги ижтимоий гуруҳни эмас, фуқаролик жамиятининг «тирик ҳужайралари» бўлган конкрет шахсларни назарда тутмоқдамиз. Фуқароларнинг эзгу эҳтиёж, туб манфаатларини жамлаш, уларни акс эттириш ва муҳофаза қилиш, кейинчалик мазкур манфаатларни давлат манфаатларига қиёслаш жамиятнинг реал ҳолатини белгилайди. Шунингдек, давлат ҳокимияти билан сиёсий партия ва ҳаракатлар орасида кучли ҳамжиҳатликни қарор топтириш жамиятда барқарорликни таъминлаш, турлича ижтимоий гуруҳлар манфаатини акс эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласди.

Энг қулай изчиликни қарор топтириш уларнинг ижтимоий манфаатлари, келишувчанлик ва уйғунлик, ижтимоий барқарорликни таъминласа, улардаги мувозанатнинг бузилиши эса зиддият, беқарорлик, тўқнашувлар ва инқирозларни юзага келтиради.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси учун фавқулодда муҳимдир. Айни пайтда жамиятимиз барқарорлиги негизида аввало кучли давлат аппаратини сақлаб қолишга интилиш мужассам, кўп partiya вийлик тизими аста-секин юзага келмоқда. Шунинг учун турлича ижтимоий кучлар манфаатлари балансини ҳимоя қилиш давлат ҳокимиятининг юқори бўғинларига ортиқча ташвиш келтиради, яъни у иқтисодий ислоҳотлар изчилик билан олға бораётган долзарб бир пайтда куч ва имкониятларимизни чалғитиши шубҳасиздир. Шу сабабли кўп partiya вийлик тизими ўз фаолиятида республика ижтимоий муҳитида радикал (кескин) сиёсий ислоҳотлар қилувчи муҳим бўғинни мужассамлаштириб, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг изчил равишда шаклланиши учун иқтисодий ислоҳотларда ҳам яна бир босқич сифатида намоён бўлди.

Сиёсий тизимнинг ижтимоий фаолияти муҳим қирралари ҳақидаги бу умумий назарий-услубий хulosалар Ўзбекистон Республикасидаги партия ва ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятларида ўз аксини топади.

Собиқ КПСС инқирози пайтида ижтимоий-сиёсий диаграммадаги тифиз фаоллик партиялар ва ҳаракатлар сонининг кўпайишига олиб келди. Биринчидан, жамият ёки ҳеч бўлмагандага аҳолининг катта социал гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг диққат марказига тушишига сабаб бўлди. Масалан: давлат мустақиллигининг амалга оширилиши, ўзбек тилига давлат

мақомининг берилиши ва бошқалар. Иккинчидан, мазкур партия ва ҳаракатлар, уларнинг алоҳида раҳбарлари ўз стратегик йўналиши ва тактикасига эга бўлиши. Аниқ дастурий ҳужжатларнинг йўқлиги, номаъқул қадами, ўзаро муросасизлиги, сўл-экстремистик ва фундаменталистик кучларни қўллаб-кувватлаши натижасида айрим партия ва ҳаракатларга нисбатан республика раҳбарияти томонидан бу хавфнинг олдини олиш чоралири кўрилди. Юқорида қайд этилган сабабларга кўра «Эрк» ва «Бирлик» партиясининг шаклланган мақсад ва вазифалари давлатимиз томонидан амалга оширилган ёки ҳукумат доктринасига номувофиқ бўлса умуман амалга оширилмаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг сиёсий харитасида кўп партиявилик тизими музассамлашаётганлигини кўриш мумкин. Гарчи «Ватан тараққиёти», «Адолат», «Миллий тикланиш» партияларининг аста-секинлик билан ривожланаётганлиги реалтан олиб борилаётган бўлса ҳам, лекин ҳозирча фақат Ўзбекистон ҳалқ демократик партиясинигина кўп сонли партия сафига қўшиш мумкин. (1991 йил 1 ноябрда тузилган. Бугунги кунда 400 мингга яқин аъзоси бор.)

ХДПнинг бундай шаклланишини мувофиқлаштирилган, синалган ташкилий тузилмаси ва функционал ўзига хослиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур партия бошқарув кўнгилмаларига, ўрта ва юқори бўғиндаги аъзоларининг ақлий потенциалига ва ўзининг моддий базасига катта эътибор қаратди.

1991-92 йилларда юз берган аъзоларнинг партиядан бошқа гуруҳларга оқиш ҳолати ҳам унга салбий таъсир кўрсата олмади. Йирик тадбиркорлар, фермерлар, шу билан бирга фаол, меҳнатсевар ёшларнинг катта қисмини изчиллик билан ўз сафига жамлаган ХДП парламент фракциясининг таянч нуқтасига айланди.

Мустаҳкам интизом, моддий ва информацион асоси га эга бўлган мазкур партия узоқни кўзлаган ҳолда асосий шиддатини қуий звеноларга — бошланғич ташкilotларга, хусусан маҳаллалар фаолиятига қаратди. Гарчи партия раҳбарияти томонидан стратегия ва тактика борасида кўплаб ижобий ва баъзан эса ноўрин ҳаракатлар қилинган бўлса-да, ХДП фаолиятидаги фуқароларга кўрсатилаётган ҳар кунги ғамхўрлик уларни ҳамжиҳатликка жалб этди.

Ижтимоий барқарорликни ўрнатиш мақсадида аҳолини аксилсиёсийлаштиришни қўллаб-кувватлаш оқибатида партия маълум маънода аъзоларидан маҳрум бўл-

ди. Күпчиликдаги «мафкурадан холи» деган тушунча партиялар идеологларини аксилмафкуралаштириш на-тижасида жамият ҳаётида юзага келган акс-тәъсир маф-куравий концепцияларини ишлаб чиқишида айрим пар-тияларнинг йўналишларига салбий таъсир кўрсатди. На-тижада умумий, тартибсиз ҳолатлар ва шиорлар устун келди. Бу эса «бутун ҳалқ» манфаатларини акс этти-ришга бўлган интилиш шиори остида маълум маъно-даги оммавийлашишга эришиш, динга ортиқча бери-либ кетиш, партиялар томонидан ноаниқ иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги дастурларнинг қабул қилинишига сабаб бўлди.

Тарафдорларининг ижобий ғоя ва шиорларига эга бўлишига қарамасдан, партия бозор иқтисодиётiga ўтиш босқичида янги ғояларни илгари суро олиш ҳо-латида эмас эди. Шунинг учун уларда маълум маъно-да мутаассиблик ва ноэгилувчанлик хусусиятлари пайдо бўлди.

Мазкур партияларнинг энг жиддий камчилиги фик-римизча, ўз қобиғига ўралашиб қолганлигига эди. Бу дастлабки пайтданоқ алоҳида йўлбошчилари, муҳоли-фати, бир-бирига яқин руҳдаги дастур ва ғоялари бўлган партия ва ҳаракатлар ҳамжиҳатлиги борасида маҳорат йўқлигига намоён бўлди. Ахир биргина ўз-лаштириш билан амалдаги аниқ стратегия ва тактика-ни барпо этиб бўлмайди-ку?! Гарчи партия доимо ҳар қанақанги фундаментализмга қарши чиқса-да, бирор бир ижобий иқтисодий, социал дастур таклиф эта ол-мади.

«Ватан тараққиёти» партияси 1992 йил баҳорида таш-кил топган бўлиб, 34 минг нафардан зиёд аъзолари бор. У съезд, Марказий кенгаш пленуми, вилоят ва туман қўмиталари, сиёсий клублардан иборат ташкилий ту-зилмага эга.

«Ватан тараққиёти» партиясининг ҳозирги аҳволи, аниқроғи қийинчилик билан шаклланा�ётганлиги унинг кучли ва тажрибали йўлбошчига эга эмаслигидан, ва-зифаларни жуда тор доирада ҳал этаётганлигидан дало-лат беради.

Фаолиятининг дастлабки қунлариданоқ ўзини зиё-лилар, тадбиркорлар доирасидаги ёшлар партияси деб эълон қилган бўлса-да, лекин уларнинг манфаатлари-ни бир нуқтага қаратган ҳолда ифодалаб бера олмади ва уларни тўлақонли амалга ошира олмади ҳам. Зиёли-ларнинг бир қисми, шаклланा�ётган тадбиркорлар дои-

раси, зиддиятлардан чарчаганлар, ленинизм шиорларидан ҳафсаласи пир бўлганлар ҳамда ёшлар «Ватан тараққиёти» партиясининг кўрсатмаларига ва унинг муросасоз дастурига хайриҳоҳлик билдирилар.

Бу мазкур партияниң илк оммавийлашуви жараёнида ўз аксини топган.

Кўзланган дастурларниң тўла-тўқис амалга оширилмаслиги ҳамда партия раҳбарларининг ижтимоий ҳаётдаги зарур муаммоларни ҳал этишда ўз иштирокини бетарафлаштириши, айrim масалаларда тутган шаклсиз позицияси натижасида партия аъзоларининг айримлари унинг таркибидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Объектив базага эга бўлган «Ватан тараққиёти» партияси партия раҳбарияти фаолиятини соғломлаштириш, жонлантириш ва давлат тизими билан бир қаторда ХДП, «Адолат» ҳамда бошқа партия ва ҳаракатлар, ташкилотлар билан ҳамжиҳатликни фаоллаштириш борасида тез, қатъий чора-тадбирлар кўллаган шароитдагина республика социал-сиёсий муҳитида ўз моҳиятини мустаҳкамлаб олиши мумкин.

1995 йил 17 февралда Тошкентда «Адолат» социал демократик партиясининг I таъсис съезди бўлиб ўтди. Партия таркиби турли хил тоифадаги илмий ва техник соҳа зиёлилари ҳамда ўрта раҳбар ходимларидан иборат эди.

Мазкур партия социал-демократик фояларни илгари суриб, ижтимоий адолат тамоили қарор топиши учун курашга, ижтимоий тараққиётнинг ҳар қандай содда жоҳилликнинг ибтидоий усулига қарши ҳаракат қилишга интилди. 1995 йил 25 майда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг I таъсис қурултойи бўлиб ўтди. 1995 йил 27 майда эса «Халқ бирлиги» ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлди.

Юқорида қайд этилган партия ва ҳаракатлар шаклланиш босқичида турган бўлса-да, тузилиши жиҳатдан қашшоқ бўлиб, Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида тутган ўрни, муайян моҳияти ҳақида гапиришга ҳали эрта.

Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш Ўзбекистоннинг тараққиёт босқичи олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу тасодиф эмас. Негаки вақтнинг кўрсатишича республикалаги «узоқни кўзлаган» сиёсий партияларниң режалари ҳавога учди ёки умумдемократик янгиланишлар доирасидан чиқиб кетди. Бунинг объектив асослари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мавжуд барча сиёсий партиялар илк шакланиш босқичида дадил сиёсий майдонга чиқдилар.

Иккинчидан, партияларнинг назарий кўрсатмалари билан амалий ишлар орасидаги мутаносиблик жуда оз миқдордан иборат эди. Сиёсий партиялар расмий декларацияси билан таққосланганда пировардида улар орасида катта бўхронлар мавжудлиги намоён бўлди. Ва ниҳоят, сезиларли натижаларнинг қўлга киритилмаганини мазкур партиялар йўлбошчиларининг барча декларацияларини чипакка чиқарди.

Учинчидан, мавжуд партиялар жамиятнинг асосий ижтимоий гуруҳлари билан мустаҳкам алоқаларга эга эмас эди.

Тўртинчидан, сиёсий партияларнинг содир бўлаётган янгиланишларнинг реал таъсири билан беғараз боғлиқлиги эндиғина йўлга қўйилаётган эди.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг куч-қудрат касб этмаганининг энг муҳим сабабларидан бири жамиятнинг ижтимоий йўналиши, унинг бўлинниши, ижтимоий манфаатларнинг тенгглаштирилиши, уларнинг акс этиш ва тўпланиш жараёнларининг эндиғина бошланётганлигига бориб тақалади. Ижтимоий йўналиш чегаралари ҳали кўзга яққол ташланмади, аниқроғи бундай чегараларнинг ҳали мавжуд эмаслиги фаолият кўрсатаётган партияларнинг моҳиятида ноаниқликлар пайдо бўлишига шароит яратади. Агар мазкур чегаралар тезда аниқ бўлмаса (фақат дастурий, назарий кўрсатмаларда эмас, аввало келажакка йўғрилган реал сиёсий фаолиятда), барча янги ижтимоий гуруҳларнинг бошланғич манфаатлари, талаб-эҳтиёжлари, қадрият меъёрлари сиёсий муҳитнинг пўртанали оқими, жараёни билан янада мураккаблашади. Қолаверса, партияларнинг «етилиш» жараёнини жадаллаштириш — нафақат бажарид бўлмас вазифа, балки ёмон оқибатлар ҳосиласи ҳамдир. И. Хакамада ёзганидек, «кўппартияли тизимнинг мажбурий бирлаштирилиши дастлабки натижасиданоқ сиёсий хўжакўрсингчиликнинг портлашига олиб келади. Механик мойилликка асосланган партиявий тузилма барқарорлик эмас, беқарорликни келтириб чиқаради». («Независимая газета», 1994 йил 26 апрель.)

Сиёсий партия манфаатларини маълум бир асосга эга бўлган ижтимоий гуруҳ манфаатларига тенгглаштириш, қолаверса, имконият доирасида мазкур ижтимоий базани кенгайтириш, барча дастурий кўрсатмаларни кенг ижтимоий қатламлар доирасида мустаҳкамлаш, жа-

мият ижтимоий тузилмасидаги ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш ва ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳар бир сиёсий партия фаолият мақсади нинг асосини ташкил этади.

Шубҳасиз, асл демократик ташкилот бошқача бўла олмайди ҳам. Бироқ энди у сиёсий партия бўла олмайди, зотан маълумки, сиёсий партия аниқ ижтимоий қатламнинг бўлагидир. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамиздан компартиянинг «бутун халқ манфаатларини ифодалаш»га уриниши, «Халқ партияси» бўлишга интилиши қандай оқибатларга олиб келганини яхши биламиз. Бироқ ҳаёт баландпарвоз даъволарнинг пуч эканини кўрсатди. «Партия аҳолининг маълум бир қисми манфаатини ифода этиш учун эмас, балки, барча аҳоли, халқ манфаатини ифода этиш учун тузилади» дея исботлашга уриниш сиёсий ҳокимиятни монополлаштиришга бўлган даъвогарликни ниқоблашдан ўзга нарса эмас. Бундай даъволар аввалги яккапартиявийлик тизимидан қолган яшовчан ақидаларга асосланганнидир. «Партияларнинг мажбуриятлари ва фаолият доиралари га тегишли назорат функциялари ҳамда сиёсий раҳбарликни» кучайтириш зарурияти ҳақидаги кейинги жумла, муаллиф буни хоҳлаганми, йўқми, барча «I» устига нуқталар қўяди. Сиёсий партияларнинг давлат аппарати билан чатишиши ҳаммавақт бири иккинчиини — давлат сиёсий партияларни ёки партиялар давлат бошқарувини ютиб юборишга олиб келган. Якка ҳокимлик, худди шу каби монополияга даъво қилиш, кўппартиявийлик тизимидағи бекарорлик, мужмаллик ва шаклсизликнинг навбатдаги сабабларидир. Айнан мана шу сабаблар туфайли сиёсий қатламлар, сиёсий партиялар ва турли коалициялар ўртасида яккаҳокимликка интилиш йўллари туғилади.

Жамиятнинг ижтимоий табақаларга ажралиши анъанавий ижтимоий-руҳий, диний, этник ва миллий омилларни сақлаб қолган ҳамда ривожлантирган ҳолда жамиятнинг муйян партияларга бўлинишида ҳамиша тўғридан-тўғри ўз аксини топган. Партияларнинг турли-туман гуруҳлар қоришимасидан иборат кенг қўламли ижтимоий асоси улар қудратининг юксалишида мухим ўрин тутади. Шунингдек ҳокимиятнинг турли сафлари ва бўғинлари билан ўзига хос ҳамжиҳатлик унинг фаолиятида чуқур моҳият қасб этади. Партияларнинг оёққа туришида давлат аппарати билан ҳамжиҳатлик, уйғунлик ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Лекин ҳокимиятнинг

турли эшелонлари ва бўғинлари билан ўзига хос алоқа ўрнатишнинг аҳамияти ҳам асло бундан кам эмас. Кўп-партиявийлик жараёни шаклланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни мазкур сиёсий партиялар йўлбошчилари ҳамкорликда иш юритишга бўлган хайрихоҳлик сифатида қабул қилишлари лозим. Бу эса кучли сиёсий партиянинг фаолиятида юқори самара беради, аммо уюшмаган мужмал партия ўтиш босқичида давлатнинг бундай имкониятларидан маҳрум бўлиб қолади.

Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг ташкилий сиёсий мавхумлиги ва уюшмаганлиги уларнинг стратегияси ва тактикасида ўз ифодасини топган. Қоидага кўра, партиялар нафақат тактик, балки стратегик вазифаларда ҳам ўз қарашларини «тантанали» эълон қилишдан ўзини тиийб туради. Бунинг ўрнига кўпинча атайлабдан ноаниқ, кенг кўламли мурожаатлар пайдо бўлади. Шаклсизлик кўпчилик партиялар дастурида ҳам ўз аксини топган. Масалан, «Миллий тикланиш» партиясини дастурий баённомасига қараб, уни сиёсийдан кўра маърифий партия деб атаса бўлади. «Адолат» социал-демократик партияси моҳияти ҳақида эса ҳозирча аниқ хulosса чиқариш қийин. «Ватан тараққиёти» партияси амалиётда ҳалигача ўз ижтимоий гуруҳи манфаатларини акс эттира олгани йўқ. Мазкур партияларнинг сиёсий дастурлари бир-бирига ҳайратланарли даражада ўхшашки, сиёсий ўйинларда тажрибага эга бўлмаган қузатувчи бир қарашда партиянинг бир-биридан қандай фарқланишини ҳам англаб олиши амри маҳолдир. Етарлича кучли ижтимоий асоссага эга бўлмай туриб, йўлбошчилар ўз раҳбарликларидаги партиянинг салмоғи ва жозибасини ошириш мақсадида «демократия», «адолат», «миллий тикланиш», «Ватан тараққиёти» каби жимжимадор сўзлардан мөҳирона фойдаланишмоқда. Сиёсатдан бехабар сайловчи гоҳо «демократик партия» билан «социал демократик партия» орасидаги ёки бўлмаса «халқ демократик» партияси орасидаги фарқни ҳам англай олмайди. Гарчи, 1995 йилги бўлган сайловларда партиялар ўн минглаб сайловчиларга эга бўлган бўлсалар-да, бу халқнинг онгли равишда айнан у ёки бу партияга овоз берганлиги ҳақида хulosса чиқаришга асос бўла олмайди. Шунга кўра ўтган сайловлар кўп partiyaвийлик тизими орқали демократик сайлов тизимини барпо этишда халқ ҳокимиятини (кўпчиликнинг хоҳиш-иро-

дасини ифода этадиган ва бутун жамият манфаатига хизмат қиладиган ҳокимиятни) шакллантиришга жамоат ташкилотларининг фаол жалб қилинишини таъминлаш ва сайловчилар овози учун курашнинг нақадар муҳим ва зарурлигини кўрсатди. Бу эса фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиши ва самарали фаолиятини рӯёбга чиқаришга ҳам хизмат қилиши шубҳасизdir...

Бугунги кунда ислоҳотлар муваффақиятини, оддинда турган вазифаларни, Президент илгари суроётган давлат стратегик муаммолари ва унинг самарали фаолиятини амалга оширилишга зарур шарт-шароит яратиш борасида сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари негизларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб тараққий этган давлатларда ҳам сиёсий партиялар фаолиятини мафкуравий қарама-қаршиликлар эмас, балки давлатнинг стратегик муаммоларини ҳар жиҳатдан ҳисобга олиш ва унинг самарали ишлаши учун кўмак бериш эҳтимоллари ташкил этади. Сайловолди курашлар даврида фаоллашиб, парламентда сиёсий партиялар фракцияларидағи ўз депутатлари тимсолида давлатнинг олий манфаатларига, мисълат манфаатларига буйсунадилар. Худди шундай йўл билан турлича манфаатлар уйғунлашуви ўзининг мукаммат ифодасини топади.

Партия раҳбариятининг илгариги кўплаб тамойилларидан қонуний воз кечган партия йўлбошчилари жойларда амалга оширилиши зарур бўлган ишларни ташкиллаштиришда партия сафига кириш-чиқиш ва бошқалардан ташқари кўплаб имкониятларни қўлдан чиқаришиди. Бу сиёсий партиявий инструкционлаштиришнинг ташкилий шакли ва ижтимоий моҳияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликни нураб кетишдан сақлаб қола олмади. Компартия раҳбариятининг салбий тажрибаларини имкон қадар тезлик билан инкор этиш керак эди, албатта. Аммо унинг қуи ташкилотлар билан ишлаш тажрибаси замираida кўп нарса мужассам эди. Унинг шунчалик тез унугтилиши ва йўқотилиши ажабланарли ҳол. Чунки ўз аъзоларининг сонини кўпайтириш учун кураш, ўз ижтимоий базасини кенгайтириш, қуи тузилмаларини мустаҳкамлаш ҳозир ҳам ҳар қандай сиёсий партиянинг функционал мақсади бўлиб ҳисобланади. Бундан воз кечиши ўзига-ўзи болта уриш билан баробар, қолаверса, партиявий кўп фикрлиликка ҳозирда эҳтиёж кучлидир. Сиёсий ҳаф-

саласизлик, ёшларимизнинг пассивлиги ҳақидаги асоссиз фикрларга қўшилмаймиз. Ёшлар кўп партиявийликнинг шаклланиш масалаларига, қолаверса партияларо ҳамжиҳатликка қизиқишиади. Гап шундаки, сиёсий партиялар замирида шароит ва имкониятларнинг мавжуд эмаслиги туфайли ёшлар орасидан ҳаракатчан йўлбошчилар етишиб чиқмаётганлиги фоятда ачинарлидир. Ёшларнинг фаол ва қобилиятли қатламини катта сиёсатга қизиқтириш бугунги кун заруратидир.

Бу муаммони ҳал қилиш эса, сиёсий партияларни жонлантиришга қодир бўлган «Сиёсий партиялар ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ҳозирги пайтда жамиятнинг турлича қатламларида сиёсий партиялар аралашувисиз имкониятларни юзага чиқариш мумкинлиги ҳақида тушунча пайдо бўла бошлаганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу фақатгина жамият ҳаётий фаолиятининг бош ташкилотчиси бўлмиш «партиялар иллюзияси»нинг йўқолгани туфайлигина эмас, балки мутахассислар таъкидлашганидек, оддий сайловчи уларни бир-биридан ажратта олмагани, бу сиёсий партиялар моҳияти нимада эканини тушунмагани туфайли юз бермоқда. Оқибатда бундай ҳодисалар оммавий абсинтеизмга, яъни сайловчнинг сайловда иштирок этишдан бош тортишига олиб келиши шубҳасиздир.

Умуман олганда ўтиш даврида парокандалик ва парчаланиш кўпчилик сиёсий тизимларга хос бўлган кўринишdir (хусусан ривожланаётган мамлакатларда), шунинг учун ютуқлар негизида ҳатто маълум иқтисодий барқарорликка эришилса-да, «қуий»дан чиқсан қандайдир интеграциялашув кучи томонидан бу парчаланишнинг сиқиб чиқарилиши гумондир. Агар сиёсий партия яратилишида давлатда қайсиdir маънода қўзғалиш юз берса, сиёсий партия шаклланишининг босқичи учун характерли бўлган парчаланишни давлат ҳоқимиятининг декрети, қанақадир янги партия ёки партиявий иттифоқ яратиш билан биртараф этиб бўлмайди. Ҳатто «энг демократик режимда» қайсики демократия ёки унинг шиори давлат томонидан декретлаштирилган ҳолатда бўлса-да, сиёсий партия парокандалиги, уларнинг уюшмаганлиги қабул қилинган бу шиорларни амалга ошира олмайди. Ҳаммадан даҳшатлиси, у жамият беқарорлиги омилига айланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Мисол излаб узоққа бормаймиз. Ушбу ўринда МДҲдаги қўшниларни эслаб ўтиш кифоя.

Мазкур давлатларда замонавий сиёсий доирада ҳаётнинг туб ўзаро боғлиқлиги ҳаддан ташқари мураккаб ҳолатда кечиб, кўпбосқичли қарама-қарши хусусият касб этётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларга нафақат мазкур мамлакатлардаги партиялар шакланишинг илк босқичида кечётганлиги, балки энг аввали янги шакланаётган иқтисодий кўпукладлилик, гипертофияга учраган сиёсий маданият ва плюрализм, қолаверса сиёсий партиялар алоҳида йўлбошчилари сиёсий онгининг шаклланмаганлиги ва бошқалар ҳам сабаб бўлмоқда. Бунда янги пайдо бўлган ижтимоий гуруҳлар жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ўзининг юқори ўрнини эгаллашга бўлган интилишлари билан муҳим рол ўйнайди. Узоқ вақт давомида турлича ижтимоий гуруҳларни жипслаштириб турувчи вақтинчалик сиёсий иттифоқларни ташкиллаштириш бу босқичдаги табиий жараёндир. Бироқ бундай сиёсий иттифоқлар ижтимоий гуруҳларнинг асосий манфаатларини бир ерга мустаҳкам жипслаштирган ҳолда уларни амалга оширишга қодир эмас. Шунинг учун биринчи зарба — янги сиёсий фожия пайтидаёқ бундай иттифоқ тезда қулайди. Мустаҳкам бўлмаган тизимда айнан сиёсий партия ва иттифоқ «босимли гуруҳлар»га айланиб, беқарор ижтимоий-сиёсий вазиятларни келтириб чиқарувчи куч бўлади.

Сиёсий иттифоқлар нафақат сиёсий партия ва ҳаракатлар «парвози» шароитида, балки сўнгти қулаш пайтида ҳам ташкил топиши мумкин. Ўзини обрўсизлантирган ҳолда асосизлигини, ҳалқа қарши моҳиятини қўрсатиб, сиёсий партиялар бу чорасиз ҳолатдан чиқиб кетиш учун турли хил муросасозликларга боради, ўзининг йўлини, дастурий қўникмаларини ўзгартириб, вақтинча бўлса-да ички сиёсий емирилишнинг олдини олишга жон-жаҳди билан уринади. Ҳатто расмий ҳокимият фаолиятидаги алоҳида танқидий вазиятда маълум маънода ҳокимият учун кураш йўналишини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, экологик, илмий-маърифий ва бошқа масалаларга қаратиши ҳам мумкин. Ҳозирги «мухолифат» Ўзбекистондаги барқарорлик ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда жипслашишга интилиб, давлат стратегияси ва тактикасида йўл қўйилаётган хатоликлардан исталган пайтда фойдаланиб қолишга кечикмасликка ҳаракат қиласи. Бироқ бу бизнингча унга етишмаётган амалийликни бермайди. Муҳолифатнинг амалий фаолияти тирноқдан кир қиди-

риб, ўзгалирнинг хатоларидан қанчалар фойдаланишни эмас, ўзига хос ижтимоий тараққиёт йўналишини ишлаб чиққан ҳолда, янгилиниш дастурларини қайта яратишни ва амалиётда қўллашни тақозо этади. Ҳозирги мухолифатчи йўлбошчиларда эса айнан ана шундай хусусиятлар етишмайди.

Кўриб турганингиздек, республикада қарор топаётган кўппартиявиийлик доираси биз ўйлагандан анча мураккаб экан. Бундай бўлиши табиий албатта. Ўзбекистонда кўппартиявиийлик шаклланишининг реал жараёни эндиғина бошланаётганлиги барчамизга аён. Гарчи кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, Осиё аллақачон бу босқичдан ўтиб, партиялараро ҳамжиҳатлик ва партиявиий қурилиш борасида катта тажрибага эга бўлсада, бизда эса бу жараёнда ҳамон машҳур «синов ва хатоликлар» йўлидан борилмоқда. Негаки тўпланган тажрибалар нафақат қўлланилмаяпти, балки бу борада изланилмаяпти ҳам. Ахир хорижий давлатлар тарихини, ҳақиқий кўппартиявиийлик сиёсий тизимидағи муҳим босқич — сиёсий ҳамжиҳатлик назариясини қўллаш изчиллик билан ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиради-ку. Бугунги кунда кўппартиявиийлик муаммоларини тадқиқ этишни фаоллаштириш ва уларни ҳал этиш йўлларини қидириш кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифадир.

Шу ўринда савол туғилади. Ҳозирги шароитда яна қанақадир янги партиялар пайдо бўлиши мумкинми? Албатта мумкин. Аммо маълум шартларга асосланган ҳолда, яъни биринчидан, бу вақтда жамиятда объектив шароитлар вужудга келган бўлса, яратилажак ижтимоий-сиёсий уюшма аниқ ижтимоий қатлам ва унинг манфаатларини ўзида тўлақонли акс эттира олса. Иккинчидан, яратилажак партия конструктивизм таъсири остида зиддиятдан воз кечса ва тор гуруҳ манфаатлари билан ўралашиб қолмай, ўз дастури билан республика аҳолисининг фақат кенг қатлами манфаатларини акс эттира олса.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўз партиявиий манфаатларини ижтимоий манфаатлар билан боғлашда имконият ва ошкоралик — турлича ҳаракатлар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республикадаги барқарорликни сақлаш, унинг ўз тараққиёт ва тикланиш йўлидан дадил одимлашининг муҳим шартидир. Қолаверса, улар фуқаролик жамияти-

ни яратишида ҳокимият сари қонуний ҳаракатнинг ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги умумлашмалар сиёсий плюрализм тараққиёти вариантлари тавсифида шундан далолат берадики, сиёсий спектрдаги ғоявий ва мафқуравий асосдаги кўпвариантлиликнинг мавжудлиги ёки иштироки у ёки бу партия ва ҳаракатларининг негизида бирлик ва яхлитлик кашф этади.

Амалий нуқтаи назардан қарасак, ўзини «мафқуралан ҳоли» дея эълон қилишга уриниш мутлақо нотўғри. Ҳар бир партия моҳият ва мақсадидан қатъий назар доим сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдек катта мақсадни ўз олдига устувор вазифа қилиб қўйиши лозим. Республикалардаги ҳар бир партия ва ҳаракатлар хусусияти ва ўзига хос йўналишидан қатъий назар, бозор муносабатлари мафқурасини, шахс эркинлиги умумисоний қадриятларини, қай миллатга мансублиги, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар инсонларнинг ҳуқуқларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Партиялар жамиятда ижтимоий адолатни ва инсонлар моддий устуворликларга эришишда кенг имкониятларни, турмуш даражасини оширишда маданий-маънавий устуворликларни таъмин этишга уринадилар.

Шу билан бир қаторда партия давлат муссасалари доирасида ҳам, ижтимоий ташкилотлар доирасида ҳам халқнинг ўз-ўзини бошқарувининг янги, янада таъсирчан шаклларини ривожлантиришга доимий равища интилади. Бу шакллар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар моҳиятан тобора кўплаб меҳнаткаш халқ оммасини бошқаришда — ижтимоий-иқтисодий қарорларни ишлаб чиқишида, муҳокама этишда, қабул қилиш ва амалга оширишда ростакамига, амалий тарзда қатнашувини таъминлашга хизмат қилади.

Республикалардаги ҳозирги сиёсий вазиятни таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ўтиш даврида сиёсий тизим тузилмавий мустаҳкам эмаслиги, ҳаракатчанлик ва силжиш юқори даражага олиб чиқиш тугалланмаганигидан далолат беради. Айнан ана шу жиҳатлар сиёсий тизим асосини ташкил этувчи фаолият ва шаклланниш тамойилларининг фаоллашуви ва интенсивлашувини таъмин этади.

Етакчи йўналиш сифатида бир турдаги партиянинг бошқа турга ўзгартирилишини ёки партиядан маданий-маърифий жабҳага томон сиёсий йўл тутилишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Моҳият партияларнинг етакчи, ҳукумат партиясидан мухолифатга ва аксинча бу жараённинг тескарисига айланишида мужассамлашади.

Кейинги йўналиш — бу кўпчилик партияларнинг муросасозлик платформасидаги битта асосга ёки ички партияйий чегаралаш ва ушбу негизда кўплаб партия ва ҳаракатларга ажралишига олиб келиш.

Амалиётдаги тажриба шуни қўрсатадики, ҳар бир партия ва ҳаракат ўз ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш йўлида ўз тараққиётининг ижтимоий асосини яратиш ва тараққиётини кенгайтирган ҳолда оммага фаол таъсир этишга интилади. Бунинг натижасида ички партияйий юксалиш ўзгаришлардан гувоҳлик берувчи мутлоқ ва нисбий миқдорига муносабатда силжиш амалга ошади. Бошқача айтганда, ҳар қандай сиёсий ташкилотнинг аъзолар ва хайриҳоҳлари сонини кўпайтиришга бўладиган кураши доимо бош масала бўлган.

Шунга кўра, қўйидагича хulosса чиқаришимиз мумкин.

Сиёсий эркинликни қонунийлаштиришимизда олдин мазкур эркинликни бир хилда қабул қила оладиган фуқаролар ва жамиятни тайёрлаш лозим. Бунга икки йўл билан — узоқ давом этадиган маърифий ва иқтисодий ўзгаришлар жараёни билан эришиш мумкин. Фақат устувор ижтимоий барқарор ва маърифатли жамиятгина ўз тараққиёти йўлида сиёсий эркинлардан фойдаланиши мумкин.

Агар тарихий тараққиёт мантиқини кузатадиган бўлсак, қўйидагича хulosса ясаш мумкин: тоталитар зўравонлик билан характерланадиган ва демократик жамият орасида зарур барқарорлик даври ётади. Айни пайтда Ўзбекистонда демократик институтларнинг аллақандай бирикмалари (парламент — қонун чиқарувчи давлат органи, президентликка умумий муқобил сайловлар, кўппартияйийлик тизими) вужудга келаётгани қуонарлидир. Навбатдаги босқичда эса мазкур институтларнинг таъсир доирасини кучайтириш Республика миз тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди. Президентнинг «Иқтисодий ислоҳотлар йўлида келажакдаги қадамлар» тўғрисидаги фармони, Олий Мажлисга кўппартияйийлик асосидаги сайловлар, «Сиёсий партиялар ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва бошқалар — демократик жамият қуриш йўлидаги дастлабки қадамлардир.

Жамиятимиз ўзининг анъанавий, ўзбекона моҳиятига кўра ижтимоий тараққиёт жараёнларида ўз мақомига эга бўлиб, сиёсий ўзгаришларнинг бўхронли дарражаси Марказий Осиё жамиятидаги шошма-шошарликка хос эмас. Акс ҳолда ҳудудда эндиғина оёққа турган тарихий жараёнга элтувчи табиий йўлдан чалғиб кетган бўлардик. Буларнинг барчаси келажак авлодлар учун тарихий сабоқдир.

Ҳар қандай демократик давлат ижтимоий ва сиёсий тузилма билан ҳамжиҳатликсиз бир маромда шакллана олмайди. Айни пайтда нафақат фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, балки ижтимоий алоқаларнинг орқага қайтувчи механизмларини барпо қилишда ҳам давлат ва фуқаролик жамияти ҳамжиҳатлигини қарор топтириш Ўзбекистон тараққиётидаги долзарб вазифалардан биридир.

Президент И. Каримов ўз чиқишиларида бир неча бор таъкидлаганларидек, республикада демократиянинг шаклланиши ҳудуддаги мушқул, зиддиятли ижтимоий-иқтисодий вазият билан, шунингдек фуқаролар манфаати билан мутаносиб келмоқда. Президентнинг фикрича, ушбу оғир вазиятдан чиқиб кетиш учун икки асосий вазифага: биринчидан, Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва қурдатли давлатни барпо қилиш, иккинчидан, тараққийлашган бозор муносабатларига ўтишга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.

Мамлакатда тинчлик, барқарорликни сақлаш, фуқаролар ва миллатлар тотувлигини таъминлаш мазкур жараёнларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим шартидир. Ушбу жараёнларни амалга оширишда сиёсий партиялар ҳамда улардан ташқари сиёсий институтларнинг ҳам роли катта. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, партия — давлат ва фуқаролик жамияти, ҳалқ ва ҳокимият ўртасидаги ягона воситачи эмас. Ўхшаш функцияларни сиёсий тизимнинг бошқа компонентлари — сиёсий институтлар ҳам амалга оширади. Булар — касаба уюшмалари, турли жамғармалар, миллий-маданий марказлар, ижодий уюшмалар, бошқа жамоат уюшмалари, оммавий аҳборот воситалари, меҳнат жамоалари ва ҳоказолардир. Улар моҳиятига кўра фуқаролик жамиятига тааллуқли компонентлар бўлиб, ўтиш даврида сиёсий тизимнинг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ҳокимият томонидан мазкур сиёсий институтларнинг бир меъёрдаги фаолиятлари учун шароит яратиб берилмаган тақдирда, улар сиёсий

тизимдан ўсиб чиқиб, сиёсий курашга отланиши мумкин.

Бу эса давлатнинг жамият барқарорлигига эришувига салбий таъсир кўрсатиб, сиёсий ва ижтимоий плюрализацияни секинлаштиради ёки тўхтатади, дегани эмас. Муҳими шундаки, сиёсий воситачилик институтлари пухталиги, куч-қудрати остида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар дастурини силжитиш ва бунга халқнинг ишонч ва ваколатларини мувофиқлаштириш лозим. Ҳатто Ўзбекистон Конституциясида кўрсатилганидек, «жамиятнинг ҳеч қандай бўлаги, сиёсий партия, жамоат уюшмалари, ҳаракат ёки алоҳида шахслар Ўзбекистон халқи номидан гапириши мумкин эмас». Бу қоида ижтимоий жамоа, гуруҳ ёки шахсий фикр билан янгиланишларнинг конструктив дастурлари ҳақида чиқиш қилишга тўсқинлик қиласди, деган сўз эмас албатта.

Сиёсий воситачилик институтлари томонидан давлат мустақиллигига тажовуз қилинганда, демократик асосларга зарба беришга уринилганда, у ёки бу мафкуранинг давлат ёки сиёсий қурилмага таъсирини ўтказмоқчи бўлинганда ўзаро муносабатлар кескинлашуви содир бўлиши муқаррардир.

Айни пайтда сиёсий воситачилик институтлари нафақат ўзининг сиёсий тизимидағи жамият ўрнини белгилайди, балки республикадаги давлатчилик қурилмаси борасида ўзининг аниқ мавқеи ва кўринишини ҳам ифода этади.

Мазкур институтлар фуқаролар тинчлиги ва барқарорлигини, мустаҳкамлаш йўлидаги амалий, мафкуравий ва ташкилий фаолиятларида кенг имкониятлар яратаеттанилиги Ўзбекистон сиёсий тизими фаолиятининг истиқболли ва сермаҳсуллиги аломатларидан биридир. Улар фуқаролар обрў-эътибори ва нуфузини ҳаминқадар ошириб, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдаги иштирокини, фаолиятини қонунийлаштиради. Бугун бу жараён мазкур институтларнинг демократик услуби ёрдамида, иқтисодий ва сиёсий танглиknи юмшатиш, аҳолининг турмуш даражасини қўллаб-кувватлаш, асосан унинг қатламлар билан ижтимоий боғлиқлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Уларнинг шарофати билан республикада давлат ва жамият сиёсий тузилмасининг реал кўринишлари намоён бўлиб, шахслар ва гуруҳлар орасидаги муносабатлар мўътадиллаштирилиб, давлат ва жамият тизими мувофиқлаштирилмоқда. Сиёсий ранг-баранглик ташкилот ёки

партияларнинг сони билан эмас, жараёнларни ва тенденцияларни тушуниш ҳамда идрок этишда барчанинг нуқтаи назари билан уйғуллашишга, республиканинг илғор хориж тажрибалари билан ўртоқлашишидаги, ҳамкорликда платформа ишлаб чиқаришга қаратилган конструктив сиёсий имкониятлари билан ўлчанади.

Ўзбек жамиятининг бирдамлиги, ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида давлат, сиёсий партиялар ҳамда сиёсий институтлар зиммасига аниқ ва устувор вазифалар юклатилган. Улар ўз фаолиятлари давомида ҳақиқий ва аниқ маънодаги сиёсий ҳамда иқтисодий мустақилликни, ҳудудда барқарорликни ва тез суръатларда ўсуви аҳоли фаровонлигини таъминлашлари зарурдир.

«Миллий тикланиш» рўзномаси,
1997 йил 25 март

НОҲУКУМАТ ТАШКИЛОТЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1993 йил 28 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессияси минбаридан сўзлаган нутқида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижтимоий муаммолар, инсоннинг асосий ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни ҳал этиш, тинчлик ва хавфсизлик мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини юқори баҳолади. Президент ўша сессияда Марказий Осиё ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳамкорлик муаммолари бўйича БМТнинг доимий амалий семинарини ташкил қилиш таклифи билан чиқди.

Ўзбекистон 1992 йил январида Прагада фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари асосий ўрин эгалловчи Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Якуний хужжатини имзолаб, Хельсинки жарабёнига кўшилди.

«Кишилар ва давлат ўртасидаги муносабатларда умуминсоний қадриятларни устувор қўйиб, — деган эди Ислом Каримов, — Республика инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларни тан олади ва оғишмай амал қилади». Бу баёнот Республикализнинг халқаро жараёнларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари бўйича шуғулланадиган турли халқаро ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги қизғин сиёсий-хуқуқий фаолияти орқали ўз тасдигини топиб келмоқда.

Бўлажак сайловлар ҳозирдан давлат томонидан ҳам, ОАВ томонидан ҳам сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятига, улар олдида турган муаммоларга эътиборни жиддий оширишни талаб этади. Шу ўринда ноҳукумат ташкилотларининг мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Маълумки, бугунги кунгача Ўзбекистон Республикаси адтия вазирлиги томонидан НХТ шартларига жавоб бера оладиган 200 дан ошикроқ жамоат бирлашмалари рўйхатга олинган.

Умуман олганда, жаҳонда уларнинг 65 фоизи 30 йил ичида ташкил қилинди. Уларнинг барча эътиборга молик ижтимоий фойизи ҳаракатлар: экология, аёллар, фуқаролик ҳуқуқлари, истеъмолчилар ҳуқуқлари каби-ларнинг асоси бўлиб турибди. Жонс Хопкинс сиёсий тадқиқотлар Университети (Балтимор, АҚШ) директо-ри Лестер Саломон тъбири билан айтганда: «Ноҳукумат ташкилотлар сонининг бошқа турдаги ҳаракатлар, масалан эски сиёсий партияларга қўшилиш, касаба уюшмасига аъзолик кабилардан ошиб кетиши эъти-борга лойикдир».

Дарвоқе, турли хил партиявий муассасалар ўрнига сиёсат майдонига яқин келажакда, маълум манфаат тарафдори бўлган сайловчилар томонидан қўллаб-кувватланувчи ноҳукумат ва нопартиявий, сиёсий мавқеи баланд бўлган ташкилотларнинг кириб келиши кутилмоқда. Мабодо бундай ҳол рўй берса, эски партия ти-зимлари (Россия парламенти бунга мисол), парламентдаги фракциялар ва уларни маблағ билан таъминлаб турган кучлар сиёсат бозорида рақобатга дош бера ола-диган, жиддий рақибга дуч келиши табиий. Бу эса ўз навбатида партия машиналарини молиявий таъминлаб турган гуруҳларнинг бир қисмини мустақил секторга ташланишига олиб келади.

Жаҳонда НХТ энг аввало мижозлари, уларнинг асо-сий қисми энг кам таъминланган, ҳимояланмаган, давлат назаридан четда қолган ижтимоий гуруҳлар та-лабини улар хоҳлагандек қондиришга, хизмат кўрса-тишнинг энг сифатли кўрсаткичларига эришишга интилишади. Аксарият ҳолларда НХТ ғазабга тўлган талабалар, кучсиз, ночор аҳволга тушиб қолган ишчи-лар, ёлғиз қариялар, бемор, уйсиз, қаровсиз қолган болалар, ҳуқуқи топталган камчил миллатларнинг сўнгги умиди бўлиб хизмат қиласиди. Айнан улар умум-башарий қадриятлар, илғор урф-одатлар, жамият бирлиги ва ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик қадриятлари-

нинг ташаббускорлари бўлиб фаолият кўрсатади, куч-сизларга мадад бўлади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, НХТ сектори бу — биринчидан, фуқаролар фаоллиги қайнаб турган қозон. Иккинчидан, одатдаги партия тузилмаларига муносиб рақиб. Учинчидан, инсониятнинг ижтимоий стратегиялар ишлаб чиқувчи, таклиф киритувчи, баъзан амалга тадбиқ этувчи илфор жамоаси. НХТ инқилоби эса бу — умуминсоний маънавий ва илфор қайта қурилиш. Унда эскириб қолган, ҳарбий куч каби технологияларга ўрин йўқ.

«НХТ янги йўлбошчиларни тарбиялайди. Жамиятнинг илфор ва фаол фуқароларини ундаги муаммо ва масалаларни онгли равишда ечишга ундейди. Жамият эътиборига молик муаммоларга муқобил нуқтаи назарлар ишлаб чиқиб тақдим қиласи ва бу билан ўз фикрларини жамиятга ошкора ҳавола этади». (Мехикодаги Халқаро конференция баёнотидан). Бироқ, ушбу «жабхада»да қонунга бўйсунувчанлик ва ватанпарварлик руҳи устувор бўлиши керак. Зоро, Ўзбекистонда ислоҳотлар жамиятнинг маданияти асосига (Япония ва Жанубий Корея мисолида), яъни унинг маънавий ва маданий уйғониши ва шу ўринда тенглаштирув тамойилидан (мисол: собиқ Совет Иттифоқи) қочиш асосида олиб борилмоқдаки, буни доим ёдда тутмоқ керак.

Таъкидлаш жоизки, Конституцион ҳукуқ ва бошқа имкониятлар НХТ манфаатларига асосланиб, мамлакат миллий манфаатларига зид бўлмаган ҳолда, сиёсий партияларга мухолиф равишда — энг асосийси, шахснинг эркинлигига хизмат қилмоғи зарур.

НХТ зиммасида инсон эркинлиги ва ҳукуқларини ҳимоя қилишдек улкан масъулият ётади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, оқилона ташкил этилган жамиятнинг ташаббускорлиги, унинг демократик ривожланишида фуқаролик институтларининг назорати, ривожи амалда инсон ҳукуқларининг тўла ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли татбиқ этилишида ўзбек ва шунингдек, хориж жамоат ташкилотларининг фаол ҳаракат қилиш имкони борлиги далолатdir. Асосий қадам ва тамал тоши жамоат ташкилотларини бирлаштирувчи «Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотлари ташаббускор гуруҳи Меморандуми» қа-

бул қилиш билан қўйилди. Бу меморандум «НХТ ва хукуқ» халқаро анжуманида катта эътибор қозонди (1995 йил). Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги оламшумул ўзгаришлардан сўнг, инсон хукуқлари устида бош қотирган кўпгина хукуқ тартибот гуруҳлари раҳнамолари ўз ҳаракатларини ўзгартиришди.

Тоталитар тузум инқирозга учраганидан сўнг, улар фаолиятининг асосини миллий ўзликни англаш, коммунистик режим пайтида ошкора фикрлаш ҳукуқини талаб этиш шаклларини янги шароитда миллий ватанпарварлик тизими талабларига мос равишда ўзгартириш, яъни мослаштириш оғир кечмоқда.

Ҳукуқни муҳофаза қилиш йўналишидаги мухолифат кучларнинг 90-йилларда ялпи экстремистик қарапашлардан ҳозирги пайтдаги «инсон хукуқлари учун курашчилар» кўринишидаги фаолиятларини таҳлил этган ҳолда, бирон-бир жўяли амалий таклиф кирита олмаганикларини айтишни жоиз деб биламиз.

Буларнинг барчаси НХТ томонидан ўзаро ҳамкорликда холис кузатувлар ўтказиш, доимий ва аниқ ахборотлар билан жамиятни инсон хукуқлари борасида хабардор қилиб туриш, шунингдек, алоҳида кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг хукуқлари ва эркинликларини амалга ошириш уларнинг фаолият Дастури асосини ташкил этади...

Олий Мажлиснинг 1995 йилнинг 23 февралида бўлиб ўтган Биринчи сессиясида юртбошимиз халқаро стратегик аҳволга баҳо берар экан: «Халқаро ҳамjamиятда муносиб ўрин эгаллаш — барқарорликни таъминлаш ва кафолатлаш ҳамда республиканинг миллий иқтисодини кўтаришда ёрдам кўрсатувчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиш орқалигина мумкин», — деган эди. Жамиятимизнинг демократик асосларини шакллантириш ишларига тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадида инсон хукуқларини ҳимоя қилиш борасида давлатнинг ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) билан ҳамкорликдаги фаолияти алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу йўналиш икки тарафлама фойдали:

Биринчидан, ноҳукумат ташкилотлари ва муассасаларининг ҳамкорлик ёрдами билан Ўзбекистон инсон эркинлиги ва хукуқларини ҳимоя қилиш механизмини ривожлантериш жараёнига қўшилиши мумкин;

иккинчидан, шу фактнинг ўзи кейинги йилларда республикамиз атрофида сунъий ва атайин шаклланти-

рилган, ҳукуматнинг қиёфаси тўғрисидаги нохолис та-саввурларни ўзгартиради. Зотан, Президент ҳам бу ҳолни эътироф этиб, 1996 йилнинг 28 декабрида дипломатик корпус бошлиқлари, чет эл оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан бўлган учрашувда: «Эътиборли халқаро ташкилотлар, эксперталар ва НХТ иштирокида очиқ семинарлар ўтказиш биз ҳақимиздаги уйдирма ёрлиқларни ойдинлаштириди», — деган эди.

Кейинги шароитлар шахс манфаатлари устувор мезон бўлган демократлаштиришни чуқурлаштириш босқичида ислоҳотларнинг сифат ўзгаришига ўтишини мушкуллаштириди. Ўзбекистон ҳукумати шаънига билдирилаётган нохолис фикрларнинг сабаби — баъзи бир чет эллик мутахассислар мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган сиёсий қарорлар ҳамда ислоҳотлар мафкурасида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эрки мезонлари ҳисобга олинмаган, деб топганлиги-дадир.

Аслида, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақидаги шошилинч хulosалар онда-сонда учрайдиган жиноий қонунчиликка доир ёки Фуқаролик Кодексига тааллуқли айrim фактларга асосланган. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи давлатни мустаҳкамлашга қаратилганини шундай хulosаларни чиқаришга асос бўлди. Ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар биринчи навбатда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркини таъминлаш асослари яратилишига йўналтирилганидан сўнг, бу хulosалар, табиийки, ўз аҳамиятини йўқотди.

Навбатдаги тўсиқ ҳокимият учун курашда мамлакатда вазиятни кескинлаштириш ва ўзларининг сиёсий манфаатлари учун ғайриконституциявий усусларни қўллашга тайёр, миллатларо ва диний келишмовчиликларга руҳлантирувчи гуруҳлар билан жиддий сиёсий-ҳуқуқий жараённи ташкил қилиш бўлди. Бу ерда Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги сўзларини эслаш жоиз. «Афсуски, — деди Президент,— биз мамлакатимизда бошқача муҳолифат ёки, аниқроқ қилиб айтганда, муҳолифат ролини ўйнашга даъво қилгандардан қолган аччиқ тажрибани яхши биламиз. Дастррабки энг оғир йилларда истиқололга эришган мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун жамиятни жипслаштириш, яъни давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашда фаол иштирок этиш ўрнига улар кибрҳавога берилиб, реал вазиятдан йироқ бўлган, сохта

демократик, айтиш мумкинки, экстремистик шиор ва ҳаракатлар йўлига ўтиб олдилар».

Фарбда эса, буни бошқача қабул қилдилар. Ўзбекистон Республикаси ва мухолифат кучлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар Россия ва Фарб матбуоти оғзидан тушмай қолди. Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларини ёритиш масалаларига доир юзаки ва эътиrozли ёндашиш турли-туман ёлғон ва асоссиз гумонлар туғдирди, гўё Ўзбекистондаги нодемократик ҳокимият мухолифатни таъқиб қилаётган эмиш.

Бундай агрессив кампания айниқса 1993 йили авжига чиқди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш буйича тарқатилган нотўғри ахборот манбалари орасида дунё давлатларида инсон ҳуқуқларига амал қилиш хусусидаги АҚШ Давлат департаментининг Маърузаси, ҳалқаро давлат ва ноҳукумат ташкилотларининг («Хельсинки овози», «Мемориал», Инсон ҳуқуқлари бўйича АҚШ-нинг Москвадаги бирлашган яхудийлар бюроси, Ҳалқаро афв) турли маъруза ва мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг («Монд» (Франция), «Нью-Йорк таймс» (АҚШ), «Независимая газета», «Голос Америки», «Свобода» радиоэшиттиришлари ва ҳоказолар) борлигини айтиш керак.

Бу манбалар ўз хуласаларида нималарга асосланганлар?

Энг аввало, улар Ўзбекистон ҳақидаги ахборотнинг, яъни асосан, республикамизнинг ўзидан чиқсан ахборотнинг камлигидан фойдаландилар. Бугунги кунда ОАВ — оммавий ахборот воситалари заифлиги турли-туман уйдирма ва бўхтон гапларнинг туғилишига, республикага таалуқли бўлмаган мутлақо нотўғри маълумотларнинг тарқалишига олиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича айрим давлат амалдорларининг суст ва эскича фикр юритишлари, жамоатчиликни мухолифат ва унинг раҳнамоларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотлардан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг кечикиб хабардор этаётганлари, ўтиш даврининг ижтимоий-иктисодий қийинчиликлари ва шу заминда мухолифатнинг фаоллиги — буларнинг ҳаммаси ҳалқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг салбий фикр юритишлари учун ички манбалардир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг юзаки таҳлилига Фарб сиёсий-ҳуқуқий маданияти мезонларига асосланган

бирёқлама индивидуалистик йўналиш катта таъсир кўрсатган. Журналист Иброҳим Норматов «Шарқона ҳаётга Фарбона ҳукм» мақоласида, бизнингча, оқилона савол қўйган: «Инсон ҳуқуқи: миллатлар кўп, миллий қадриятлар ва урф-одатлар ҳам, лекин уларни англаш мезони бир хил. Бу — тўғримикан?»

Дарҳақиқат, хорижликлар инсон ҳуқуқлари бузилишини кўпинча ижтимоий муносабатлар маданиятининг ўзига хослигига, миллий этник меъёрларга риоя этиладиган ҳаракатларда кўрадилар. Бироқ, бу — юзаки баҳо. Шарқда шакл ўзига хос тарзда мазмунни ифодалайди. Баъзан кўр-кўрона тобелик ва қаттиқўлликка норозилик билдирилмасликка ўхшаб кўринган ҳолатлар замирида энг инсоний, энг эзгу демократик мақсадлар яширин бўлиши мумкин. Кўпинча Фарбда инсон ҳуқуқларининг бузилиши деганда, оиласадиги баланд-паст муносабатлар назарда тутилади. Лекин Шарқда бундай муносабатлар айнан инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш асосида юзага келган. Улардан энг муҳим ва самаралилари: тарихий-географик шароитдан келиб чиққан меҳнат қилиш ҳуқуқи, маънавият, ҳаётда то тувлик, ижтимоий ҳимоя ва таъминот, барчасидан ҳам асосийси — бахтли болаликдир. Ишёқмас, пиёниста, масъулиятсиз ота-оналарнинг айби билан қанчадан-қанча уй-жойсиз, ташландиқ болалар бугун МДҲ давлатлари ҳудудларида дайдиб юрмоқдалар, ота-оналарининг гуноҳлари билан давосиз дардларга йўлиқмоқдалар.

«Инсон ҳуқуқлари масаласида, — деб қайд этади А. Саидов, — кўпинча оврўмарказий ёндашув устун. Шахс манфаатларини шарқона тушуниш ҳар доим ҳам эътироф этилавермайди. Оқибатда ғалати вазият юзага келади. Тўғри, ҳеч ким Шарқ ва Farb маданиятининг мавжудлигини, уларнинг тиллари, динлари, маданиятларининг хилма-хиллигини инкор этмайди. Лекин, инсон ҳуқуқларининг турлича тушунилиши негадир унтилади. Ахир, улар ҳар бир халқнинг дини, анъаналяри, урф-одатлари, маданияти билан белгиланадиган турмуш тарзининг таркибий қисмидир».

Бошқа томондан абадий ва универсал қадриятлар мавжуд, бу — эркинлик, ҳаёт ва қадр-қиммат ҳуқуқидир. Мазкур фактни тушуниш инсон ҳуқуқлари йўналишида халқаро конвенцияларни ишлаб чиқувчи давлатлар сонининг ошиши, халқаро стандартларга мос алоҳида кўптармоқли тизимнинг шаклланиши ва риво-

жиди ўз аксини топади. Ўзбекистон бу қадриятларни ҳеч вақт инкор этмаган. Аксинча, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати аввалбошдан инсон ҳуқуқи ва эркинлигига, демократия руҳига мос мустаҳкам ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тизим яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон ҳеч қачон инсоннинг ички муаммоларига доир ошкора мuloқotдан қочмаган. Ўз халқининг баҳт-саодати, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлиги, фуқароларнинг қадр-қиммати учун туб демократик ислоҳотлар ўтказишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай саволга жавоб беради, албатта.

Мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат бош ислоҳотчи ва миллат тақдири учун жавобгар сифатида халқимиз манфаатларидан узоқ бўлган, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ниқоби остида ҳар хил ташкилотлар олиб бораётган ғаразли ишларга аралашишга ҳаракат қилмоқда. Кўпгина хорижий ташкилотлар, эҳтимол эзгу мақсаддадир, шошқалоқликлари ёки юзаки баҳо беришлари туфайли демократлаштиришнинг қатъий ривожи ҳамда босқичма-босқич чуқурлашувига зиён етказиб қўйишлари мумкин. Бу шошқалоқлик инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг шаклланиши, оммавий ахборот воситаларининг демократлашуви муносабатларидаги муросасизлик тарзида намоён бўлиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон жамоатчилиги фикрига таъсир кўрсатадиган, моддий таъминланган айrim хорижий ноҳукумат ташкилотлари қандай мақсадда ташкил этилганлиги номаълум. Улар қандай ғоя ва принципларни тарғиб қиласидар? Ахир очиқ диалог олиб бориш учун катта имкониятлар бўлган бир пайтда, нега бундай ташкилотларни ташкил этиш керак?! Бундай ҳамкорликка тайёр бўлмаган республикамиз айrim вакилларининг жалб қилиниши уларнинг Ўзбекистон шароитида тафриқа қўзғатишга қаратилган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдан узоқ бўлган сиёсий ўйинлар домига тушиб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Демак, бундай тизимларнинг ривожланиши мамлакат учун хатарлидир. Лекин бу Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотларини тақиқлаш зарур, деган маънони билдирамайди. Мазкур ташкилотлар билан ишлашда дифференциал ва фаол муносабат зарур. Бу тузилмалар билан ҳамкорлик жараёнида очиқ, ошкора мuloқotга асосланган, олдиндан режалаштирилган сиёсат бўлиши лозим.

БМТ ва ЕХҲК сингари ташкилотлар билан биргаликда олиб борилаётган ишлар бу борадаги ҳамкорликдан далолатdir. Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲК-даги иштироки ички ижтимоий сиёсий жараёнларнинг фаоллашуви талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошмоқда. «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳалқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни ҳам кенгайтириш зарур, — деб таъкидлади Президент Олий Мажлиснинг VI сессиясида. — Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нуфузли ҳалқаро ташкилотларни бундан буён ҳам Ўзбекистонга жалб этиш ва республикада уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш лозим».

Бундай ҳамкорликнинг нафи нимадан иборат?

Бу ерда, энг аввало, дунё ҳамжамияти аъзолари ва ташкилотлари айrim вакилларининг нотўғри баҳоларини ўзгартириш масаласидан ташқари. Қонунчиликни ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаш ҳамда демократлаштиришнинг ички муаммоларини ҳал этиш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, ҳар хил ҳалқаро тузилмаларнинг ёрдами асосий ва белгиловчи бўлиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида миллий ўзлигимизни унтишимиз, ҳалқимиз маънавиятига ёт бўлган тушунчаларнинг тиқиширилишига имкон туғдиришимиз, унинг ҳозирги эҳтиёж ва манфаатларидан йироқлашиб қолишими мумкин. «Демократик институтларни ташқаридан олиб келиш мумкин эмас, — дейди И. А. Каримов. — Демократик институтлар ҳалқимизнинг менталитетини, маданиятишимизнинг ўзига хослигини акс эттириши керак».

Шу маънода инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш масалалари юзасидан давлатнинг НҲТлар билан ҳамкорлиги тегишли муассасаларнинг шакланнишига ёрдамчи омил бўлади. Собиқ иттифоқ даврида биз бундай ҳалқаро ташкилотларнинг тажрибаларидан бебаҳра эдик. 1948 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган вақтдан буён инсон фолиятини ҳар тарафлама қамраб оладиган ҳалқаро меъёр ва қоидалар комплекси ишлаб чиқилди. Лекин ички миллий имкониятлардан кенгроқ фойдаланилса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий масалаларини ҳал этиш самаралироқ бўлар эди. Иккинчи томондан, инсон ҳуқуқлари ва эркини ҳимоя қилиш масалаларини назоратга олиш, бошқариш механизмларини шакллантириш ҳамда ташкил этишни чет эл таж-

рибали мутахассисларининг ёрдамисиз амалга ошириш биз учун қийин кечади. БМТ, ЕХХК ҳамда Халқаро Қизил Ҳоч ташкилотлари Югославия, Россия ва МДҲ давлатларидаги конфликтларни тугатиш тажрибалари билан музокаралар олиб бориш воситасида можароларга барҳам беришга қодир эканликларини намойиш этдилар. Бу ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолияти албатта, бебаҳодир.

Ўзбекистон учун ЕХХК ва Халқаро Қизил Ҳоч ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ҳар томонлама фойдалидир.

Биринчидан, бизда демократлаштиришни чуқурлаштириш ва инсон ҳуқуқларини рӯёбга чиқариш механизmlарининг таъсирчанлигини таъминлаш (жумладан, мониторинг даражасида) муаммолари мавжуд.

Иккинчидан, ўзаро қелишмовчиликлар туфайли инсон ҳуқуқлари оммавий равишда бузилаётган давлатлар билан Ўзбекистоннинг ҳудудий чегарадошлиги.

Учинчидан, республикамизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш учун тегишли сиёсий-ҳуқуқий маданият ва оммавий ахборот воситалари етарли ривожланмаган, тажрибали мутахассисларимиз ҳам кам.

Жаҳон тажрибаси инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш системасининг самарали бўлиши кучли жамоатчилик ташаббусига, фуқаролик жамияти муассасаларининг ривожланганлигига боғлиқ эканлигини исботлайди. Фуқаролар давлатнинг улар ҳуқуқига амалий ёндашувини назорат этиш имкониятларини ноҳукумат ташкилотлари ҳамда норасмий ҳаракатлар воситасида олиш орқали эришадилар.

«Ноҳукумат ташкилотларининг келажаги порлоқ, — деб таъкидлади И. А. Каримов С. Браун бошчилигидаги Америка делегацияси билан ЕХХКда 1996 йил август ойида бўлиб ўтган учрашувда, — айниқса, фуқаролар ташаббусини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда».

Биз учун ноҳукумат ташкилотларининг халқаро стандартларга мос янгича фикр юритишлари муҳим. Шу билан бирга, бизга шахс манфаатларига ҳар тарафлама мос, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркини таъминлашда самарали, сиёsatдан холи, иқтисодий жиҳатдан мустақил тузилмалар керак. Улар инсон ҳуқуқларига доир қонунларни амалга оширишда давлатга ёрдам берадиган даражада ривожланишлари зарур. Бундан таш-

қари, улар қүйидаги вазифаларни бажаришга тайёр бўлишлари керак:

муаммони қонуний равища ҳал этиш ёки икки томонлама келишувга эришиш йўли билан айрим шахсларнинг талабларини кўриб чиқиши;

оммавий ахборот воситалари ёрдамида семинарлар ёки расмий ва норасмий йўллар билан ўтказиладиган маърифий тадбирлар орқали жамоатчилик фикрига таъсир этиши;

инсон ҳуқуқларига риоя қилишда амалий ғамхўрлик кўрсатиш ёки ўзларининг амалий тажрибаларини ўзгартириш мақсадида ҳокимият тизимларига, фуқаролик жамиятининг бошқа органларига, ҳатто тижорат тизимига ҳам таъсир ўтказиш;

миллий ҳуқуқий органларга маслаҳатчилик хизматлари кўрсатиш.

Халқаро ноҳукумат ташкилотлари инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотларини ташкил этиш ва ривожлантиришда ёрдам, маслаҳат ҳамда тавсиялар бериш билангина кифояланмайди. Табиийки, иқтисодий қайта тиклаш, ишлаб чиқариш ривожланмаган шароитда ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларига ёрдам бериш учун давлатда маблағ этишмайди. Халқаро ташкилотларда эса бундай имкониятлар бор.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш, икки йилдан сўнг ўтказиладиган Олий Мажлисга сайловлар муносабати билан мамлакатда барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш биринчى навбатда турли ижтимоий гурӯҳлар — партиялар, нодавлат ташкилотларининг сиёсий фаолиятини тартибга солишини ташкиллаштириш ва бошқариш, жамоатчилик фикрини ривожлантириш, Ўзбекистон раҳбариятининг имиджини янада оширишга хизмат қилувчи қатор вазифалар мониторинг таҳлилига ва яқин келажакдаги стратегик режаларни ишлаб чиқишига асосий диққатни қаратишни тақозо қилмоқда.

Юқорида қайд этилган масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълум режа асосида шуғулланмоқда. Сиёсий партиялар, «Халқ бирлиги» ҳаракати ва бошқалар ҳам бу борада ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунингдек, маданият масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати бу масалаларни мувофиқлаштириш бўйича бир талай ишларни амалга ошираётганлиги қувонарлидир.

Лекин шу билан бирга бир томондан, миллий тикла-нишнинг чукурлашиб бориш жараёни, маданиятнинг юксалиши ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётидаги бошқа улкан воқеалар, иккинчи томондан, ноҳукумат ташкилотларининг сони ва фаоллик даражасининг ошиб бориши, улар фаолиятининг сифат даражаси муракка-лашиши — буларнинг ҳаммаси жамият ҳаётининг икки муҳим соҳасига нисбатан ташкилий дифференциал ён-дашувни талаб этади.

Пировардида фуқаролар сиёсий фаоллигининг ортиб бориши, жамоат фикрини ва жамоатчилик билан алоқаларни келажакда бошқаришнинг заруриятига кўра Ўзбекистон раҳбарияти ижобий имиджининг шакланишини ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш бўйича маҳсус хизматнинг ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Сўнгги 50 йиллар мобайнида хорижий ташкилотлардаги айнан шунга ўхшаш тузилмалар Вицепрезидент (АҚШ) раҳбарияти остида, баъзи бир давлатларда жамоатчилик билан алоқалар бўйича вазирликлар (Британия ҳамдўстлик мамлакатлари), айрим давлатларда эса Президент маслаҳатчиси (Франция) раҳбарлиги остида фаолият кўрсатиб, юқори натижаларга эришилаётганлигига тарих гувоҳдир. Кўпгина мамлакатларда эса мазкур вазифалар ҳукумат ёки Республика Президенти хузуридаги «Public relation» хизмати ваколатига юклатилган.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига таяниш, шунингдек, хорижий давлатларда бу борада тўпланган илфор тажрибалардан фойдаланган ҳолда иш юритиш юқорида қайд этилган муаммоларнинг ечими-ни топишда имкон яратади.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Омбудсман томонидан ташкил қилинган ноҳукумат ташкилотлари фаолиятига бағишлиланган семинарда ўқилган маъзуза.

ТАРАҚҚИЁТ ТАОМИЛИ

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар таълим тизимини ҳам ўз ичига олиш табиий ҳол. Чунки бу тизим ижтимоий соҳанинг муҳим таркибий қисми бўлишидан ташқари, унинг ўзи ҳам ислоҳотлар

йўналиши ва суръатига катта таъсир ўтказиши мумкин. Йислоҳотлар тадрижидан ҳозир шундай нуқтага етдики, энди бу жараённи янада жадаллаштириш учун янги шароитларда ишлай оладиган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашимиз керак. Мазкур вазифани эса кадрлар тайёрлаш бўйича янги дастур тузмай туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун замонавий кадрлар тайёрлаш масаласига мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан, Президентимиз биринчи даражали аҳамият бермоқда.

«Табиий заҳиралар чекланганлиги туфайли, — деб ёзади йўлбошчимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида, — корхоналар ҳамда умуман давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, чуқур илм талаб қиласидан технологиялар қанчалик қенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади».

Мутахассислар етиширишдаги муҳим муаммолардан бири ёшларни ҳаёт синовларига тайёрлашдир. Бу эса талабаларга муайян мутахассисликдан ташқари, амалий тажриба ва билимларни сингдириш, уларда раҳбарлик кўникумаларини шакллантиришни талаб қиласиди. Чунки, олий ёки ўрта маҳсус ўқув юртини битираётган талаба, аввало, одамлар билан ишлайди. Ўқув юртларимиз режаларида эса ижтимоий психология, бошқарув социологияси бўйича билимлар бериш, афсуски, кўзда тутилмаган.

Кузатишларимиз натижаси олий ёки ўрта маҳсус билим юртини тугатиб, ишлаб чиқаришга келган ёшларнинг аксарияти қизиқ бир ҳолга тушиб қолишаётганини кўрсатмоқда. Улар ўқув юртида ўз мутахассисликлари бўйича етарли билим олган бўлишларига қарамай, корхона ёки жамоа аъзолари билан бирданнига киришиб кета олмайдилар, уларни ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришга йўналтиришда тажрибасизлик қиласидилар. Бу эса уларнинг ўзлари эгаллаган касбдан, баъзан эса ҳаётдан кўнгиллари совиб кетишига олиб келиши мумкин. Шуларни назарда тутиб, мамлакатдаги барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари режаларига бошқарув психологияси ва социологияси, ижтимоий психология каби фанларни, менежмент ва бошқарув мутахассисликлари бўлимлари иш дастурига эса психодиагностика ва мулоқот психологияси каби фанларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Таъкиллаш керакки, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» мамлакатимизда туб ислоҳотлар ўтказиляётган бир даврда тузилмоқда. Бу, албатта, текис ривожланиш давридан қатор хусусиятлари ва мураккабликлари билан фарқ қиласди, айни чоғда Миллий дастурга оид вазифаларга масъулият ва талабчанлик билан ёндашишни тақозо этади. Нега деганда, мазкур вазифаларнинг ҳаммасини бирданига бажариш мумкин эмас. Уларнинг аҳамияти, заруриятини ҳисобга олиб, кетма-кет ва босқичма-босқич ҳал қилиш муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, миллий дастурни тузишда ўкув юртларини битирувчи ўзларда амалий муомала маданияти, раҳбарлик лаёқати ва малакасини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бу мамлакатимизнинг келажаги билан чамбарчас боғлиқдир. Истиқлол йилларида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши бу соҳадаги дадил қадам бўлди, дейиш мумкин. Қолаверса, турли вазирлик ва қўмиталар қошида малака ошириш институтлари ва курслари ишлаб турибди. Уларни яхлит бир тизим ҳолига келтириш давр талабидир. Зоро, фалсафий қоидалардан бирида айтилганидай, бўлаклар фақат тизим таркибида-гина бутунлик хусусиятига эга бўлиши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»да жиддий эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир масала — ўкув юртлари режаларини қайта кўриб чиқиш, талабаларга бериладиган асосий билим ва малакаларни чуқурлаштиришdir. Мамлакатимизда кечётган демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қуриш билан боғлиқ вазифалар одамлардан зарур сиёсий билимларга ва юқори сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қиласди. Сиёсий билимларнинг саёзлиги ва сиёсий маданиятнинг паст бўлиши ислоҳотлар жараёнинг салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин. Буни атрофимиздаги баъзи давлатлар мисолида ҳам кўрса бўлади.

Ўкув юртларида сиёсий маданиятни такомиллаштириш билан боғлиқ асосий муаммолардан бири юқори савиядаги дарслик ва қўлланмаларнинг йўқлигидир. Тўғри, кейинги йилларда сиёсатшунослик бўйича бир неча қўлланмалар нашр этилди. Аммо уларнинг барчасига хос бўлган қусур мавжудки, у ҳам бўлса илгари Россияда

чоп этилган айни мавзудаги дарслик ва қўлланмалар таъсиридан тўла халос бўла олмаслиkdir. Ҳолбуки, мазкур китобларда муайян мамлакатлар манфаатлари, жумладан, буюк давлатчилик ва империячиллик қарашлари, шу билан бирга Россияда мавжуд бўлган сиёсий гурухлар ва кучларнинг хоҳиш-иродаси, методологик ёндашувлари ҳам ўз аксини топган. Бу ҳол сиёсий жиҳатдан зарарли ҳамдир.

Кези келганда айтиш керак:

Марказий Осиёдаги сиёсий тафаккур тарихи деярли ўрганилмаган. Бу минтақада адабиёт, фалсафа, табиий ва ижтимоий фанларда бўлгани каби сиёсий фикр соҳасида ҳам бой мерос яратилганлигини жаҳон афкор оммаси яхши билади. Аҳмад Юғнакий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Заҳиридин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб алломаларимизнинг сиёсатшуносликка оид қарашлари ҳануз чукур тадқиқ қилинмаган. Дастрлабки таҳдиллар шуни кўрсатмоқдаки, улар фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, сиёсатшуносликда ҳам дунёни ҳайратга соладиган асарлар яратганлар ва жўяли фикрлар баён қилганлар. Шулар асосида замонавий дарслик ва қўлланмалар яратилса, катта маърифий ва амалий аҳамиятга молик иш қилинган бўлар эди.

Мамлакатимиздаги олий ўкув юртларидан биронтасида сиёсий социология, сиёсий фикрлар тарихи ва назарияси, сиёсий психология, конфликтология каби фанлар ўқитилмаяпти. Оқибатда бўлғуси мутахассис ва раҳбар кадрлар бу соҳадаги илмлардан бехабар қолишмоқда. Геосиёсат, геоиқтисод, геостратегия каби фанларни ўқитиш у ёқда турсин, кўпгина битиравчилар уларнинг номини ҳам билишмайди.

1997 йил — Инсон манфаатлари йилида миллий кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилди, бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Бироқ, очиғини айтганда, сиёсатшунос олимларимиз ҳалигача Ўзбекистон Республикаси манфаатлари, уларнинг мезонлари ва амалга ошириш стратегияси ҳақидаги назарияни ишлаб чиққанлари йўқ. Ҳолбуки, инсон манфаатлари мамлакат манфаатлари билан чамбарчас боғлиқdir. Шунингдек, сиёсий прогнозлар ҳам фанимизнинг оқсоқроқ соҳаси бўлиб қолмоқда. Жамиятдаги демократиялаш жараёнлари, парламентимизнинг ривожланиши, демократик сайловлар технологияси, сиёсий партиялар ва

ҳаракатларнинг сайловолди фаолиятлари, парламентдаги фракциялар фаолияти жуда кам таҳлил қилинмоқда. Санаб ўтилган муаммолар амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ечимларини билиш раҳбар кадрлар, қолаверса, барча фуқаролар учун фойдадан холи эмас.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришда раҳбарликка лаёқати бор кадрларни аниқлаш жуда муҳимдир. Қизиги шундаки, деярли кўпчилик ўзини раҳбарликка, катта-кичик идораларни бошқаришга лаёқатли, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки бошқарув ҳам ўзига хос касб, касб бўлганда ҳам бошқа ҳунарлардан қийинроқ ва мураккаброқ касб экантигини унутмаслигимиз лозим.

Бошқарув лаёқати ва иқтидори бўлган ёшлар қанча эрта аниқланса, уларни тарбиялаш, замонавий билим ва малака бериш учун шунча қулай имконият вужудга келади. Мамлакатимизда турли соҳалар бўйича гимназиялар, интернатлар очилган, аммо бошқарув гимназияси ёки интернатлари йўқ. Ваҳоланки, улар жуда зарур. Бошқарув қобилияти инсонда болалик давриданоқ кўзга ташлана бошлайди. Масалан, соҳибқирон Амир Темурнинг ташкилотчилик лаёқати жуда эрта кўзга ташланган. Унинг болалик чоғида тенгдошларини ўюштириб, турли ўйинлар ташкил қилгани ва бу ўйинларни бошқаргани маълум.

Қисқа қилиб айтганда, раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор бу, аввало, юртимиз маъмурчилиги, осойишталиги, ислоҳотлар мувваффақиятини таъминлашга қаратилган эътибордир. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 июлда бўлиб ўтган йигилишида таъкидлаганидек «...тараққиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаридаги сингари, кадрларни шунчаки танлаб, жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. Аввало, одамларни, биринчи галда барча дарражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак».

«Халқ сўзи» газетаси,
1997 йил 13 август, 168-сон.

«УСТАВ» — МУСТАҚИЛЛИКНИ БОЙ БЕРИШ ЭМАСМИ?

Тарихан жаҳон сиёсий майдони бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш қаби геосиёсий ўзгаришларни кўп кўрган. Бундай геосиёсий ўзгаришларда ҳар бир давлат

ўзининг ривожланиш йўлларини ўзига хос тамоиллар билан ишлаб чиққанлиги ва белгилаганлиги, энг асосийси — бунга ёндашув биринчи навбатда маконий ва замонавий характер касб этиши аён.

ХХ аср ниҳоясида ҳам жаҳон сиёсий қурилишида ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган геосиёсий қурилишида ўзгаришлар юз берди. Булар, биринчидан, 1989—1990 йилларда Варшава шартномасининг инқиrozи бўлса, иккинчидан, 1990—1991 йилларда Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши билан боғлиқ ўзгаришлардир. Албатта, бу ўзгаришларнинг оламшумуллиги уларнинг нечоғли жаҳон сиёсий кучларини ўзгартирганлиги билан характерланади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Инсоният ХХ асрнинг қолган уч йилида умумбашарийлик нуқтаи назаридаги геосиёсий ўзгаришларга дуч келадими ёки йўқ? Мулоҳазаларимиз ана шу ҳақда.

74 йиллик совет империясининг 1985 йилдаги қайта қуриш билан бошланган ва 1991 йил декабрда расман тарқалиб кетиши орасидаги бир жараён бутун дунёда иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро алоқаларда ҳукмронлик қилган икки қутбли тизимнинг ёхуд «совуқ уруш»нинг интиҳоси сифатида таассурот қолдирди. Бу жараён давомида Farb дунёси тарқалиб кетган собиқ совет жумҳуриятларининг ҳаммасига ҳам бир хил қизиқиши билан қарамади. Бу табиий, албатта.

Фақат Россиягина собиқ иттифоқдошлар ичилда катта ва энг кучли бир давлат сифатида Farbning диққат марказида бўлди. 1991 йилдан то ҳозиргача давом этаётган бу жараёнлардан маълумки, Farbning айнан Россия билан қизиқиши (нисбий таққосланганда), бунинг устига бу қизиқишнинг янгилиш йўналиши Россия ҳудудида тинчлик ва демократиянинг қарор топишига туртки бўлолмади.

Собиқ СССРда катталиги жиҳатидан олдинги қаторларда турган, Россия билан Европанинг ўртасида жойлашган Белорус ҳам Farbning бу қизиқишларидан бенасиб қолди. Негаки, Белорусдаги жараёнлар бевосита Россиядаги ички жараёнлар билан ҳамнафас эди. ХХ аср охирига келиб ўз мустақиллигига иккинчи бор эришган Белорус халқи бугун катта муаммоларга рўбабў келиб турибди.

1991 йил август ойида эълон қилинган давлат мустақиллигидан кейин қўп ўтмасдан Белорус халқининг биринчи ҳаяжонлари ўрнини тушқунлик эгаллади. Ян-

ги тузумга ўтишнинг илк қадамлари «оқсоқ»лик билан ташланди. Демократик тузумнинг қарор топиши учун зарур пойдеворнинг йўқлиги туфайли қуийдаги муаммолар юзага чиқди:

- аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиши;
- ҳарбий ва хавфсизлик борасидаги муаммолар.

Муаммолар ўз ечимини топа олмагач, Белорус мустақиллиги масаласи мунозарали ҳолга келиши табиий эди. Ва бугун шундай бўлди ҳам.

Айни вақтда жаҳон оммасининг Белорус муаммоси хусусидаги қарашлари мунозарали ва ранг-баранг.

Белорус сиёсий муҳитини баҳолаганда аввало бу давлатда «кучлар мувозанати» кўзга ташланади. Белорусда асосий ҳуқуқ Президентдадир. Парламент ҳам аслида ҳукуматга тегишли бўлган бир қанча ҳуқуқий имтиёзларга эга. Лекин бугунги Белорус бошқарув тизимидағи «катта авторитарлик» давлат бошқарув органлари фаолияти учун соғлом «кучлар мувозанати»ни бермаёт-гаңлиги ҳаммага маълум.

А. Лукашенко 1994 йил июн ойида биринчи бўлиб Белорус Республикаси президентлигига сайлангач, «Россияга зид сиёсат» олиб боришга эҳтиёж сезмади. Агар унинг шундай нияти бўлган тақдирда ҳам Белорусдаги муҳит бунга йўл қўймасди. Нима учун?

Бу даврда Белорус ижтимоий ҳаётининг асосий иккӣ бўғини — иқтисодий ва ҳарбий соҳалари боши берк кўчага кириб қолган эди. Иқтисодий соҳа тушунарли, ҳарбий соҳачи? 1992—1995 йиллар Белорус миллий армияси учун бошланғич синов даври бўлди. Белорус ҳарбийлари 1995 йилдан бошлаб Белорус Қуролли кучларининг бундан бўён Россия билан ҳамкорликсиз меъёрий тартибда бўлмаслигини (ривожланиши эмас) очиқ айтиша бошлашди. Чунки Белорус мустақил давлатга хос мудофаа тизимини шакллантиришга иқтисодий шароитларидан келиб чиқарди. Бу биринчидан. Иккинчидан, Белорус 1992—1995 йилларда ўзининг нейтраллигини расман (1991 йилда қабул қилинган Белорус мустақиллиги Декларациясида, 1992 йилда қабул қилинган Белорус ҳарбий доктринасида, 1994 йил қабул қилинган Белорус Республикаси Конституциясида) билдирган, бироқ амалиётда давлат ҳарбий жиҳатдан Россиянинг иттифоқдошига айланганди. Масалан, Баранович линияси Белорус ва Россиянинг ҳаво ҳужумига қарши мудофаасидаги асосий пункт ҳисобланарди.

Белоруснинг Россияга яқинлашувини А. Лукашенконинг антиғарбчилик сиёсати тобора тезлаштириди. Тўғри, Белорус ҳам НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига аъзо бўлиб, аъзолик тўғрисидаги мазкур ҳужжатга Белорус Республикаси Ташқи Ишлар вазири В. Сенко томонидан 1995 йил 11 январда расмий имзо чекилган. Бироқ, Белорус бу йўналишда ўз расмий ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ҳеч бир ҳаракат қилган эмас. А. Лукашенко антиғарбчилик сиёсатини янада ойдинлаштириб, 1996 йил 4 апрелда шундай деганди: «Агар НАТО ўзининг тактик ядрорий ракеталари билан Польша ва Чехияга «яқинлашса», Белорус ҳам ўзининг айнан шунга ўхшаш чораларини кўришга мажбур бўлади».

Чуқурлашиб бораётган иқтисодий инқирозлар 1995 йил Белоруснинг Россия билан ҳарбий муносабатларида яна бир «янги саҳифа»нинг очилишига олиб келди. Бу эса, Белорус Бош вазири М. Чигер билан Россия Бош вазири ўринбосари А. Большаков томонидан имзоланган Белоруснинг Барапович ва Вилейка ҳарбий обьектларидан Россия 25 йилгача фойдаланиши ҳақидаги шартномадир. Шартноманинг имзоланиши орқасидан Белорус Россиядан ўз улушкини олганлиги турган гап. Кейинчалик ҳарбий ҳамкорлик доирасидаги яна бир келишув — Ганцевичда Россиянинг ўта замонавий станциясини куришга келишилди. Фарб дунёси Белорус буни йўқ қилиши учун 3 млрд.дан то 7 млрд. долларгача ёрдам беришини айтганда, Белорус раҳбарияти «антиғарбчилик» билан жавоб қайтарди.

1995 йил феврал ойида Россия ва Белорус президентлари «икки давлат ўртасида дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳамкорлик» шартномасини имзолашди. Шартнома давлатлар суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш асосида бўлиб, томонларнинг ўзаро ташқи сиёsat, хавфсизлик, чегараларни кўриқлаш, энергетика, транспорт, алоқа тизимларидаги ҳамкорлигини на зарда тутарди. Ушбу шартнома билан бир вақтда имзолangan «Давлатлар чегараларини кўриқлашда ўзаро ҳамкорлик» битими юқоридаги имзолangan шартномага мантиқан зид эди. Чунки Россия бу битимни имзолаш билан ўзининг чегаравий манфаатларини маъмурий жиҳатдан гарбга — 615 км. га сурмоқда эди. Шу билан бирга Белоруснинг гарбий ташқи чегаралари Россиянинг ҳам муҳим «давлат» чегараларига айланганди. 1995 йил охирига келиб иккала давлат мудофаа вазирлари

келажақдаги ҳарбий ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорликни белгиловчи ва уни ривожлантиришга доир 18 та битим ва протоколларни имзолашди. Булар ичида ҳаво ҳужумига қарши бирлашган мудофаанинг ҳарбий навбатчилик билан ташкил этилиши қақидаги протокол алоҳида ажрапиб туради. Шу асосда 1996 йилдан бошлаб Белоруснинг Баранович ва Бобруйск аэродромлари томонларнинг ҳамкорлигида фаолият кўрсата бошлади.

Россия ва Белоруснинг «жуда яқин сиёсий иттифоқдошлиқ ва стратегик ҳамкорлик» foяси 1996 йил 27 февралда Белорус Республикаси Президенти А. Лукашенконинг Россия Федерациясига қилган расмий визитида илк бор ўргатга ташланганди ва охир-оқибат давлатлар президентлари 2 апрел куни «Суворен давлатлар ҳамжамиятини тузиш тўғрисида» шартнома имзолашди. Шартнома четдан қараганды иқтисодий ва сиёсий иттифоқ тузиш мақсадига йўналтирилган бўлиб, у «ҳарбий қурилишлар, ҳарбий инфратузилмалардан фойдаланиш» мақсадини шакллантиришга қаратилмагандек эди.

Бирлашиш иқтисодий ва сиёсий омиллар асосида шаклланаётган бўлса, ҳарбий муносабатларнинг бошқа соҳаларга нисбатан бунчалик «янги-янги саҳифалар» билан бойишига сабаб нима эди?

«Ўтаинтеграциялашув» foялари 1996 йил 2 апрелда юзага келган бўлиб, унинг тадрижий ривожланиши 1997 йил 2 апрелга келиб «Белорус — Россия иттифоқи Устави» лойиҳасини эълон қилиш билан ўз «кульминацион нуқта» сига чиқди. 2 апрел Белорусда «Иттифоқ» куни — байрам деб эълон қилинди. 1997 йил 23 майга келиб эса ҳар иккала давлат президентлари Москвада Уставни имзоладилар. Аммо «Иттифоқ» тузишда иқтисодий ва сиёсий жиҳатларнинг пеш қилиниши, бунда томонларнинг манфаатларини тўла бир-бирига мос деёиш ҳаёт ҳақиқатига тўғри келмайди. Бизнингча, «Иттифоқ»ни тузишдан кўзланаётган мақсад президентларнинг Уставни имзолаш чоғида дарҳол бошқа МДҲ давлатларини бу «иттифоқ»ка қўшилишга даъват этаётгандарида, келажакни шу нарсалар билан чамбарчас боғлаётгандарида эмасмикин?

Акс ҳолда Белорус нима манфаат топади?

Ҳарбий жиҳатдан олганда, собиқ СССР вақтида Белорус асосий ҳарбий истеҳкомларга эга минтақалардан бири бўлганлиги маълум. Белорус 1991 йил мустақил бўлгач, ҳарбий жиҳатдан ўзи истамаган ҳолда стагнация ҳолатига тушиб қолди. Бу эса ўз навбатида бор

ҳарбий имкониятларни давлатнинг иқтисодий манфаатига йўналтиришга олиб келди.

Хавфсизлик манфаатлари жиҳатидан эса Белорус НАТОнинг Шарққа кенгайиши масаласида Россия сиёсатини ёқлаб чиқаётган ягона давлатdir. Бу Белоруснинг НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига қаршилиги деган гап эмас. Фақат Белорус хавфсизлик нуқтаи назаридан Европа билан Россия ўртасида геомафкуравий буфер макон бўлиб қолмоқчи эмас. Бугунги Белорусдаги муҳит Farb турмуш тарзига умуман мос келмайди. Шунинг учун Белорус президенти буфер макон бўлиб қолишдан қутулиш учун «катта оға» билан «ўтаинтеграциялашув»га шошилмоқда. Негаки, Россия Farbga нисбатан унга «танишроқ»дир.

Россиянинг иқтисодий манфаатлари эса Белорус иқтисодий манфаатларидан тубдан фарқ қиласди. Аввало айтиш керакки, Россияда иқтисодий элита тушунчаси дунё давлатларига қараганда бошқачароқ. Ҳозир Россия иқтисодининг мезонларини белгилаш жуда қийин. Иқтисоднинг ички тармоқларида лоббизм кучаймоқда. Бугун Россиянинг ички ва ташқи сиёсати тобора чукур илдиз отаётган иқтисодий гуруҳларнинг манфаатлари асосида юритилмоқда. Россиянинг Белорус орқали Farbий Европага чиқараётган Ямал-Европа газқувурлари ҳам аллақайси иқтисодий гуруҳ манфаатларига хизмат қиласди.

Россия яқин келажакда ички барқарорликни таъминлашга ҳаракат этади. Бироқ Россия яқин келажакда икки стратегик аҳамиятга эга минтақа — Европа ва Хитой ўртасида тўлақонли мувозанатини шакллантира олмайди. Россиянинг келажакда бундай даражага эришиши учун ички ҳамжиҳатлик ва маданий-маънавий муҳит тайёр эмас.

Белорусда ҳукм сураётган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг бартараф этилиши ёки этилмаслиги Белоруснинг ўз мустақиллигини сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаши ёки «иттифоқ»нинг марказлаштирилиши билан боғлиқдир. Аввало Белорус мустақиллиги давлатнинг ички вазияти билан белгиланади. Чунки «иттифоқ» А. Лукашенко билан Россиянинг бирлашиши масаласини эмас, балки Белорус халқи ҳамда давлати мустақиллигининг тақдирини ўртага ташламоқда.

Уставнинг имзоланиши аввало Россия, қолаверса, Farb — Шарқ муносабатларида геосиёсий ва ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг ўзгаришиига сабаб бўлади.

Россиянинг Белорусга нисбатан эндиги позицияси у ҳақиқатан Европага диёнатли, яхши қўшни ва АҚШ-нинг ҳамкори, яъни демократик бир давлат бўла оладими ёки йўқлигини аниқлаб беради.

Белорус раҳбари зўр бериб интилган «иттифоқ» фагат битта ҳадя олади, бу — ҳарбий таъминотдир, иккинчидан, Белорус ўз эскирган товар маҳсулотлари учун Россия бозорини очади.

Жаҳон давлатчилик тарихидан маълумки, маълум бир давлатлар ўтасида иттифоқларнинг тузилиши аниқ бир тарихий шароитларга, жамиятнинг ижтимоий тузилишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, географик, иқлимий ва бошқа омилларга кўра ҳар хил бўлиши мумкин. «Иттифоқ» ва унинг Устави жаҳон давлатчилик тизимларидаги маълум бир давлат қурилиши шаклини инкор этади. Устав ўзида бирлашишнинг конфедерация, давлатлар ҳамдўстлиги ва федерацияга хос хусусиятларини мужассамлаштирган бўлиб, уни ўқиган киши бунинг қандай «комбикорма» эканлигини ажратиб олиши қийин.

Лекин, сўзлар, қоидалар, моддалар ўрмони орқасидан бир нарса аён ва рўйирост кўринмоқда. У ҳам бўлса, «иттифоқ» тузилиши Россиянинг XX асрда Белорусга нисбатан иккинчи истилочилик сиёсати бўлиб, Россия бундан воз кечмаётганлиги Белоруснинг иккинчи мустақиллигини қисқа бир вақтда йўқ қилишдан бошқа нарса эмас.

«Миллий тикланиш» рўзномаси, 1997 йил, март

МУСТАҚИЛЛИК ФОЯСИ: ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЙЛИК

Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинганига уч ярим йил тўлаётган бугунги кунда бу тарихий акт республика аҳолисининг энг фараҳбахш, тантанавор кайфияти билан уйғундир.

Уларнинг эзгу орзу-умидлари бўлмиш мустақиллик Ўзбекистон халқларининг мустақил, эркин тараққиёт йўлидаги foят оғир курашининг хайрли якунидир. Шунинг учун ҳам биз, Ўзбекистон суверенитети ташкил топишининг шоҳиди бўлган кишилар ҳамда келажак авлод бу курашининг бутун мушкулотини, гарчи у тарихнинг бир кунига тааллуқти бўлса-да, тўла англамоғимиз лозим.

Маълумки, у ёки бу тарихий воқеликни англаб етмоқ учун озмунча вақт керак бўлмайди. Фақат вақт ўтиши билангина жараённинг объектив ва субъектив сабаблари, зарур, қонуний ва фавқулодда воқеликлари намоён бўлади.

Республиканинг мустақилликка эришиши тарихий жараённинг муқаррар натижасидир. Ўша йиллар воқеаларига бир қур назар ташлашнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг суверенитет масаласини амалий тарзда кўндаланг қўйган дастлабки республикалардан бири бўлганлигини кўрсатади. Ўша йиллар ҳужжатларини диққат билан ўрганиш суверенитет ғоясини изчил амалга ошириш республика раҳбарияти қабул қиласанда қарор ва дастурларнинг асоси бўлганлигини англатади.

Республика Олий Кенгаши ўзининг 1990 йил 31 марта ги сессиясида ўзбекистон ССР ҳукуматининг келажак фаолияти дастурини ва республиканинг иқтисодий, ижтимоий-маънавий мустақиллигининг асосий тамойилларини кўриб чиқди ва маъқуллади. Бу тамойилларда Ўзбекистон суверен давлат, республиканинг ҳамма бойлиги, шу жумладан ер, асл ва рангли металл заҳиралари ва бошқа фойдали қазилмалар, асосий жамғармалар, маданий ва тарихий қадриятлар ҳалқнинг миллий бойлиги дея эълон қилинди.

Сўнгра Ўзбекистон мустақил ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини ўтказишда ўзининг суверен ҳукуқларини амалга оширади, миллий ҳамда тарихий анъана ва қадриятларини тўла ва онгли равишда тиклаш чоғида ҳўжалик ва маданий ҳаётдағи миллий мустақиллигини, табиий, иқтисодий демографик ва бошқа аниқ шартшароитларда миллий мустақиллигини сақлашни таъминлаши айтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг собиқ Марказ ҳамда мамлакатнинг бошқа минтақалари билан муносабатларини тўла тенг ҳукуқлилик, ўзаро манфаат асосида қуриши, умумиттифоқ ва ҳалқаро меҳнат тақсимотига ўз улушкини қўшган ҳолда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиши, ривожлантириши таъкидланди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи сессияси 1990 йил 20 июнда суверенитет тўғрисидаги Декларацияни қабул қилди. Бу актда республика давлат суверенитетининг энг муҳим принциплари мустаҳкамлаб берилган эди: демократик давлатнинг ва республика қонунларининг унинг бутун ҳу-

дудида устуворлиги, давлат ҳудуди чегарасининг дахлисилиги ҳамда бўлинмаслиги, ички ва ташқи сиёсий масалаларини мустақил ҳал этиш, халқаро ҳуқуқларнинг асосий принципларини эътироф этиш ва ҳурматлаш, ўз номини, давлат рамзларини белгилаш.

Воқеаларнинг кейинги ривожи республика раҳбарияти тутган йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Бу йўл юқоридан бўладиган қандайдир кўрсатмага умид боғламай, Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигининг фараз қилинаётган янги иттифоқ шартномасида мустаҳкамлаб берилишини кутиб ўтирумай, амалга кирита бошланди. Шу билан бирга воқеалар мантиғи ҳам республикада, ҳам унинг ташқарисида зоҳир бўлаётган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзига хослигини ҳисобга олишни тақозо этарди.

«Қайта қуриш» жараёнлари ривожининг чўққиси сифатида таърифланган 1991 йилнинг кўкламидаги вазият М. Горбачёв командаси учун яқинлашиб келётган бўрондан гўё дарак бермаётган эди. Албатта, собиқ СССР Президентининг ўзи ҳам, унинг атрофидагилар ҳам эски тоталитар тизимни парчалаш учун озмунча куч-ғайрат сарфламадилар. Бироқ на улар ва на фарбнинг машҳур башоратчилари ўшанда СССРдек қудратли империянинг бир неча ойдан сўнг чилпарчин бўлишини тасаввур қила олмагандилар. Тизим эса жон талвасасида қолган бўлса-да, ҳали анча кучли эди. Ҳали у, ҳали бу ерда бало-қазодек одамларни домига тортарди. (Вильнюс, Боку воқеаларини, сунъий ёқилиб Ўрта Осиё, Кавказ, Приднестровъеда фожиага айланган ихтилофлар гулханини эслайлик...)

Шу билан бирга ҳали яхлит бўлган СССР сарҳадларида мустақилликка интилувчи кучли оқим кўзга ташлана бошлади, ваколатларни марказ ва республикалар ўртасида қайта тақсимлаш, уларни иттифоқ органдарининг майда-чуйда ишларига ҳам васийлигидан ҳолос этиш талаблари янада кучлироқ эшитила бошлади.

Республикаларнинг кейинги қадамлари уларнинг мустақиллик учун курашлари мантиқий босқичи, тўғрироғи, бўлажак мустақил давлатлар тарихий тараққиётининг ўзига хос авжолди даври бўлди.

М. Горбачёвнинг ўша пайтлардаги энг катта хатоларидан бири шу бўлдики, у «қайта қуриш», «ошкоралик», «янгича тафаккур» Иттифоқнинг путурдан кетган иморатини бирмунча таъмирлашга, янгилашга қодир деб

ўйлаганди. У 1991 йил ноябрнинг фожиали кунларигача КПССнинг чок-чокидан сўкилиб, чўкиб бораётган кемасини қутқариб қолишдан умидвор эди. Шу боисдан ҳам Вильнюс, Боку, Приднестровье, Фаргона ва Ўшдаги воқеалар, атайлаб уюштирилган «ўзбек иши» тасодиф эмас, балки бир занжирнинг ҳалқалари бўлиб, СССРни парчаланиб кетишдан асраб қолиши лозим эди. Ва агар бу воқеалар сценарийси республикаларнинг мустақиллик учун кучайиб бораётган саъй-ҳаракатини парчалаб ташлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлса, ташқаридан (хориж ва Марказдан) бу ҳаракатга қандайдир демократик бўлмаса ҳам, лоақал қонуний характер бағишлишга зўр бериб уринилди. (Дарвоҳ, 1991 йил 17 марта Бутуниттироқ Референдумини ўтказишнинг боиси ҳам шу эди). Ўзбекистон раҳбарияти аҳоли талаб ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишни таъминловчи мустақил тараққиёт йўлида қаттиқ туриб, тўла сиёсий суверенитетга эга бўлиш йўлини изчиллик билан ўтказди. Бу 1991 йил 17 марта ўтказилган Референдум чоғида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини янада тўлароқ ифода этиш мақсадида ССР Иттифоқини тенгхуқуқли суверен республикалар федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисида овоз бериш масаласи қўйилган асосий бюллетенга қуйидаги мазмунда қўшимча бюллетен киритилган: «Сиз Ўзбекистоннинг янгиланган Иттифоқ (федерация) таркибида тенгхуқуқли суверен республика сифатида қолишига розимисиз?» Бизнингча, бу тарихий қадамнинг моҳияти бюллетеннинг мазмунида ўз ифодасини топган: унда суверенитет фояси халқнинг хоҳиш-иродасига биринчи марта ҳавола этилди.

Маълумки, Ўзбекистонда рўйхатга киритилганларнинг 95 фоизи овоз беришда қатнашди. 93 фоизи қўшимча бюллетен бўйича Ўзбекистоннинг суверен республика сифатида ривожланишини ёқлаб овоз берди. Шундай қилиб, ушбу бюллетенга киритилган суверенитет фоясини изчил амалга ошириш сиёсати тўла ҳуқуқий кучга эга бўлди. (Қозоғистон ССРда референдум бошқачароқ мазмунда ўтказилганди. У ерда бюллетенга қуйидаги ягона савол киритилди: «Сиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенгхуқуқли суверен давлатлар Иттифоқи сифатида сақлаб қолишини зарур деб ҳисблайсизми?» Айни вақтда Қозоғистон Олий Кенгashi Президиуми республикада ўтказилган референдум натижаларини СССР референду-

мининг умумий натижаларига қўшишни расмий равиша илтимос қилганди.)

Референдум якунлари Москва ва Ленинградда анчагина паст бўлди, Киев, Свердловск шаҳарлари ва Свердловск вилоятида маъқулланмади, Грузия, Литва, Молдава, Латвия, Арманистон, Эстонияда, Нахичеван АССР, Татаристон ва Тувада эса референдум умуман ўтказилмади. Бироқ шунга қарамай, сабиқ раҳбарият ва унинг атрофидагилар Иттилоғининг «порлоқ истиқболи»ни ишонч билан башорат қилдилар. Ўша пайтларда оммавий ахборот воситаларига берган интервюларида уларнинг ҳам референдум, ҳам иттилоғ шартномасини имзолаш, ҳам «ўжар» республикаларни мажбурлаш йўли билан, хуллас иттилоғни қандай бўлмасин сақлаб қолишга ошкораю пинҳона интилаётганлари шундоққина кўриниб турарди. Бироқ тарих қонуниятларининг ўзи ҳаммасини жой-жойига қўйди.

Ўзбекистон раҳбарияти фаолияти ва референдум якунларини таққослаб ва таҳлил этиб, қуйидагича хуносা чиқариш мумкин.

Ўзбекистон раҳбарияти сабиқ СССР жон талвасасида турган пайтда давлат мустақиллигини эълон қилиш тарихий зарурат эканлигини тушунди.

Қолаверса, 70 йил давом этган ғоявий мустабидлик чоғида Ўзбекистон фуқаролари онгида шаклланган ўзига хос тафаккур, руҳияту эскилик сарқитини раҳбарият тўғри тушунарди. Шундай шароитда қўшимча бюллетенга «суверен» сўзини албатта киритиб, референдум ўтказиш республикадаги осойишталикни сақлашга қаратилган зарур қадам бўлиб, у суверенитет ғоясига содикликдан далолат ҳам эди.

Шунингдек, 1991 йилги референдум натижаларининг муҳим аҳамиятини ўша даврнинг сиёsatдонлари ўз вақтида баҳолай олмадилар.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикасида ўтказилган 1991 йил 17 март референдуми натижалари энг муҳим хуноса бўлди. Овоз бериш натижалари референдум тўғрисидаги Қонунга мувофиқ бутун ҳудудда ҳуқуқий кучга эга бўлди. Бинобарин, республиканинг янгиланган Федерация таркибида тенгхукуқли суверен тараққиёти тўғрисида ўтказилган жамоатчилик фикрининг сўрови Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилиш, Мустақиллик декларацияси ва давлатимиз қонуллари хусусида 1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган республика референдумига зид эмасди. Шундай экан, кимларгадир

собиқ СССР шу қадар қадрли бўлса, Иттифоқнинг парчаланишида нима учун фақат сиёсатдонларни айблаш керак? Ахир энди бундай яшаб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушуниб турган, мустақил тараққиёт учун овоз берган эдик-ку?

ГКЧПнинг ҳокимиятни қўлга олишга уриниши, иттифоқ тузилмасининг кучайиб бораётган таназзули Иттифоқ шартномасини тайёрлаш жараёнини барбод этди. Республика Олий Кенгаши СССРнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон халқлари тақдири учун жавобгарликни англаб ва суверенитет тўғрисидаги Декларацияни амалга ошириб, ўзининг ўн иккинчи чакириқ навбатдаги олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини тантали вазиятда эълон қилди.

1991 йил 17 марта ўтказилган референдум натижалари хусусида батафсил тўхталишимиз бежиз эмас. «Яқин хориждаги бир қатор мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида, айрим сиёсатдон ва журналистлар чиқишлирида, онда-сонда бўлса-да, иттифоқнинг парчаланиб кетганлигидан ачиниш фикрини эшишиб қоламиз. Бунинг устига «янгиланган Иттифоқ»ни амалда тиклашга уриниш ҳаракати жонланиб қолди. Агар ўта ўнг оғмачилар нафақат иқтисодий, балки сиёсий Иттифоқни ягона қуролли кучлари билан бирга тиклаш фоясини олға сурсалар, ушбу фоянинг ўртамиёна гуруҳи гўё интеграция жараёнларини мувофиқлаштирувчи қандайдир устқурма давлат структурасини тузиш тўғрисидаги таклифни ўтказишга уриндилар. МДҲ аъзолари бўлган давлат бошлиқларининг 1994 йил 21 ноябрдаги кенгаши ҳам баҳсларга нуқта қўя олмади. Ушбу кенгашда юқоридаги фоя «эътиборга молик, аммо диққат билан ўрганиш ва кўриб чиқишига муҳтож» дея баҳоланди.

1991 йил 17 март референдумининг моҳияти яна шунда ҳамки, Ўзбекистон раҳбарияти республика халқларининг хоҳиш-иродасига нисбатан зиён-заҳмат етказмайдиган ғамхўрларча муносабатни амалда намойиш этди. Жамоатчиликнинг фикрича, бундай ёндошиш инсонпарвар жамиятни барпо этиш шароитида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бундан буёнги стратегиясини халқнинг ўтказилаётган сиёсатга муносабатини ўрганмай туриб-ишилаб чиқиш мумкин эмаслиги учун ҳам муҳимдир. Шу нуқтаи назардан 1995 йил 26 марта Президент ваколати муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида Референдум ўт-

казиш нафақат Президент ва Олий Мажлисга сайловлар муддатини мувофиқлаштириш эҳтиёжи талаб этган объектив зарурат, балки демократик, инсонпарвар жамият тузиш сари амалда боқичма-босқич олға силжишдан далолатдир.

«Халқ сўзи» рўзномаси, 1995 йил, 57 (1059)-сон.

НАТО ВА ШАРҚ

Марказий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарлари НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши масаласида Россиянинг ташвишланиб қараётганлигига турли сабабларга кўра умуман қўшилишга мойилдирлар. Шу билан бу давлатлар раҳбарлари Россиянинг ушбу масаладаги позициясини тушунганликларини баён қилсалар-да, НАТОнинг кенгайишида ўзларининг миллий манбаатлари учун ҳеч қандай хавф кўрмаётганликларини билдиromoқдалар.

Бу ҳақда, хусусан, НАТО бош котиби Х. Соланонинг Қозогистонга ва Ўзбекистонга ташрифининг якунлари далолат бермоқда.

Европа давлатларининг мутлақ кўпчилиги НАТОнинг кенгайиши ҳамкорликнинг яна ҳам кенг тармоғини яратиш йўлидаги янги муҳим қадам бўлиши билан бирга, можароларнинг олдини олиш ва Европада хавфсизликни таъминлашнинг механизми бўлиб хизмат қиласи, деган фикрига қўшиладиган Европа давлатларининг позицияларида НАТОнинг кенгайишидан Россиянинг ташвишланаётганлигини эътиборга олиш даражасида ҳамда ўз давлатлари манбаатларини кўзлашдаги айрим фарқни ажратиш мумкин. Масалан, Турция НАТОнинг кенгайиши масаласини ўзининг Европа Иттифоқига аъзо қилиб олинишини тезлаштириш билан боғлайди. Франция, иттифоқ ичидаги туриб, ҳам сиёсий ва ҳам ҳарбий бошқарув жиловини қўлида ушлаш ўз миллий манбаатларига мос келади, деб ҳисоблайди. Германия билан мувозанатга немисларни фагатгина бир франк-герман муносабатлари доирасидагина қимирлатмай қўйиш орқали эришгандан кўра, «Американи ичидаги туриб», Россияни эса хавфсиз ма-софада ушлаб, аммо ЕИ ва НАТОни эҳтиёткорлик билан аста-секин кенгайтира бориш йўли билан эришган яхшироқдир. Италия Россия позициясини тўлиқроқ ҳисобга олиш ҳамда Россиянинг ўз хавфсизлигини

таъминлаш тўғрисидаги талабларини яна ҳам тўлиқроқ қондиришни талаб этмоқда.

Янгиланган НАТОнинг кенгайиши Европа ҳамда жаҳон хавфсизлиги манфаатларига мос келишига Марказий ва Шарқий Европада ҳеч ким шубҳа қилмайди ва шунинг учун ҳам, бу кенгайиш албатта, белгиланган муддатларда амалга ошади. Бу билан Россия ҳам ҳисоблашишга мажбур, у фақат НАТОнинг режаларини амалга оширишига ўз розилигини берганлиги учун қандай товон олиши тўғрисида масалани ўртага қўйиши мумкин.

Кўшни Ўрта Шарқ давлатлари орасида ўзининг Америкага қарши сиёсати билан кўзга ташланадётган Эрон Ислом Республикаси НАТОнинг кенгайиши жараёнига нисбатан ҳаммадан кўра муросасизроқ позицияда турибди.

НАТОнинг кенгайиши масаласи Америка-Россия муносабатларини янада ривожлантириш истиқболини белгиловчи асосий жиҳатлардан бири бўлади. АҚШ учун бу масала фақат Россия масаласидан иборат эмас. Иттифоқ таркибига янги Европа давлатларининг кириши масаласи, ўрта ва кичик мамлакатлар салмоғининг ўсиши НАТОда америкача сиёsat юргазиш имкониятига, Шимолий Атланта иттифоқи томонидан назорат қилинаётган бутун геополитик маконда АҚШ таъсир доирасини аниқлашга, ана шу таъсир доирасини келгусида расмий Вашингтон билан етакчи Европа давлатлари (энг биринчи навбатда, Германия) ўртасида тақсимлашга маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин.

Гарчи Марказий Осиё иттифоқнинг амал қилиш зонасига бевосита кирмаса-да, умуман бу минтақа давлатлари ва хусусан Ўзбекистон ушбу масала хусусида ўз позицияларини аниқламай тура олмайдилар. Чунки минтақада жойлашган янги мустақил давлатларнинг АҚШ ва бошқа етакчи Фарб мамлакатлари билан ўзаро муносабатларида «Россия омили» мухим ўрин тутади. Бунга уларни ҳар икки томоннинг — ҳам Россия, ҳам Фарбнинг — қилаётган ҳаракатлари ва дипломатик қадамлари мажбур этмоқда.

НАТОнинг кенгайиши масаласи бўйича Ўзбекистоннинг тутган позицияси энг аввало Президент И. Каримов кўрсатганидай, миллий хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқиши лозим.

НАТОнинг Шарқ томон кенгайишига муносабат бу жараён қатнашчилари бўлган давлатларнинг суверен

хуқуқларидир, деган фикрни таъкидлашни мақсадга мувофиқ деб билар эдик. НАТОнинг кенгайиши Ўзбекистон Республикаси учун бевосита ва потенциал хавф солмайди. Бизнинг мамлакатимиз асосларидан бири Европа-атлант иттифоқи бўлган Европа хавфсизлиги тизимининг барқарор бўлишидан манфаатдордир. Шундан келиб чиқиб таъкидламоқ керакки, РФ (Россия Федерацияси) ва у билан бир позицияда турувчи мамлакатларнинг безовталанишлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи-сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонунига зид келмаслиги керак. Россиянинг МДҲ аъзоларини, шу жумладан Ўзбекистонни ўзининг НАТОга қарши позицияси га тортишга, шунингдек, Ҳамдўстлик доирасида янги ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишга уринишлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришдек изчил йўлга зиддир.

Ўзбекистоннинг АҚШ ва НАТОнинг бошқа аъзолари билан стратегик жиҳатдан шерикчилик, ҳамкорлик қилиши миintaқавий хавфсизликни таъминлашнинг, жумладан Ўзбекистоннинг муҳим ҳаётий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда Афғонистон атрофидаги масалаларни самарали ва конструктив ҳал этишнинг зарур шартидир. Шу билан бирга НАТОнинг Шарққа қараб силжиши масаласини баҳолашда ҳам Farb, ҳам Россия позиция ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда пухта ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган муносабат зарур. Тез орада Республиканинг бу масала бўйича позицияси унинг Россия ва ғарб давлатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларининг ривожига ҳеч шак-шубҳасиз ўз таъсирини кўрсатади.

Россиянинг алоҳида позицияси билан ҳисоблашмай, НАТОнинг кенгайиши масаласини қувватлаш Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳолатига салбий таъсир этади. Нодўстона кайфиятда бўлган Россия билан қўшичиллик Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашни қийинлаштиради. Ўзбекистон ўз позициясида бу масала бўйича МДҲнинг бир қатор бошқа раҳбарлари билдирган фикрларни ҳисобга олиши мумкин эди. НАТОга кириши масаласи бу иттифоққа қўшилиш истагини билдирган халқлар ва ҳукуматларнинг хуқуқ ва иродаси масаласидир. Уларни иттифоқ аъзолари сафига қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масаласи НАТО аъзоси бўлган мамлакатларнинг хуқуқ доирасига киради. Бевосита манфаатдор томонларнинг музокаралари орқали

муросаю-мадора йўлини топиш шунинг учун ҳам зарур ва мумкинки, НАТОни ичдан ислоҳ қилиш ва уни «совуқ уруш» давридан кейинги ўзгарган жаҳон шароитига мослаштириш зарурлигига ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди.

Ўзбекистоннинг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида, Европа Кенгаши ва EXХТ фаолиятида фаол иштирок этиши унинг миллий хавфсизлиги манфаатларига тўлиқ жавоб беради. АҚШ, Фарбий Европадаги бошқа етакчи мамлакатлар билан ўзаро мустаҳкам алоқалар ўрнатиш Ўзбекистоннинг Шимолий Атлантика коллектив хавфсизлик тизимлари билан самарали ҳамкорлик қилишига ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон бозори тизимиға интеграциялашуви учун шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий-сиёсий хавфсизлиги масаласига келганда, бу хавфсизлик ҳарбий сиёsat ва мудофаа соҳаларида икки томонлама шартномалар тузиш йўли билан яратиладиган шароитлар асосида таъминланмоғи лозим.

«Миллий тикланиш» рўзномаси,
1997 йил 8 апрель, 14(95)-сон.

БАРҚАРОРЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛИ АЛОҚАЛАР ГАРОВИ

Америкаликларнинг очиқлиги, соддалиги ва дўстона муюмаласи АҚШга келадиган ҳар қандай кишини, ҳатто меҳмондўстликнинг минглаб йиллик анъанаисига эга бўлган Шарқ кишиларини ҳам ҳайратта солиб келган. Очиқ кўнгиллик ва алоқаларни мустаҳкамлашпига интилиш бу гунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи, унинг Б. Клинтон билан музокаралари шундан далолат беради. Америка аҳди Ўзбекистоннинг барқарорликка, янада очиқликка, республиканинг жаҳон интеграциясига қўшилувига, унинг қарийб бир ярим аср мобайнида зўравонлик билан ажralиб қолгани — демократик меъёр ва қадриятлардан баҳраманд бўлишига интилишига жуда катта эътибор бераётганига тобора амин бўлмоқдамиз.

АҚШда Президентимиз Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти ҳамда у Ўзбекистонда амалга ошираётган сиёsatга қизиқишнинг тобора ортиб бораётга-

ни ҳалқимиз тарихи, маданияти, анъаналари ҳамда республика аҳолисининг ҳозирги ҳаётига ҳам қизиқиш сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон мустақилликнинг беш йили мобайнида ўзининг бой тарихининг унутилиб кетган саҳифалари ни намоён қилибгина қолмасдан, мустақил давлатчилик анъаналари ва тажрибасини, сиёсий изчилликни, барқарорлик, тинчлик ва фаровонликка бўлган интилишини ҳам қайта тиклади. Босиқлик, изчиллик, шу билан бирга қатъият ва белгиланган йўлдан қайтмаслик Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Бу — қонуний ҳол. Сиёсий ҳокимиятнинг янгиланаётган тизими ўтиш даврида иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг асосий ташаббускори сифатида майдонга чиқади. Турли-туман барча мафкуравий қурилмалар (битта ҳукмрон мафкура эмас) вазиятни барқарорлаштиришнинг ҳамда ижтимоий тараққиётда бундан кейинги ўсишнинг маънавий, назарий ва дунёқараш асосларини таъминламоғи лозим.

Янгиланаётган Ўзбекистонда асосий тамойиллар сифатида қабул қилинган демократия тамойиллари, ижтимоий фикр эркинлиги иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини белгилаб бериши табиий, албатта. Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш эса, бозорга киришга халақит бераётган эски механизmlарни астасекин олиб ташлашгина эмас, янги механизmlарни ҳам барпо этиб, уларни босқичма-босқич тўла қуч билан ишлашга ўтказиш ҳамдир. Табиийки, ўзининг келажаги ҳақида ўйлайдиган жамият ва ҳокимият ўз фуқароларини «фалаж қилиб даволаш» «тегирмон»ига ташлаб қўймайди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё шароитида кўр-кўrona тарздаги «фалаж қилиб даволаш» эмас, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор ислоҳотлари бозор муносабатларига ўтишни анча «огриқ»ларсиз ҳамда хавфсиз ҳолда амалга ошириш имконини беради, давлатнинг бозор устидан назорат ўрнатиши эса жамият ва иқтисодиётдаги тартибсизликларнинг олдини олади ва бекарорлик хавфини бартараф этади.

Ўзбекистонда ағдар-тўнтарлар, ижтимоий қарамакаршиликлар, иқтисодий бўхронлар ҳолдан тойдирган жамият бирданига демократик меъёр ва тамойилларни ўзлаштириб олиши қийин эканига ишонч ҳосил қилинган. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов белгилаб берган асосий мақсадлардан бири мамлакатда

фуқароларнинг аҳволини мустаҳкамлаш, барқарорлаштириш ва аста-секин яхшилашдан иборат. Ўзоқ муддатли мўлжал сифатида олинган барқарорлик ва тараққиёт келажакда барқарор демократия учун ҳам замин яратади. Бугунги кунда Ўзбекистонга хос бўлган очиқлик ва ўзаро фойдали асосда ҳамкорликка тайёрлик бунга яхшигина кўмаклашади. Бу маънода Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасида ишончли ва барқарор омил сифатида тобора ўзини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам Америка демократияси, Америка барқарорлиги, иқтисодиёт ва сиёsat соҳасида Америка ислоҳотлари тажрибасини ўрганиш назарий жиҳатдан-гина эмас, барча жиҳатдан фойдали ҳисобланади.

Маълумки, бирон-бир мамлакат, ҳатто бир текисда ривожланаётган мамлакат ҳам, у ёки бу хилдаги бўхрондан ҳоли бўлолмайди. СССРнинг тарқаб кетиши, турли-туман барча тузилмалар ва мавжуд алоқаларнинг барҳам топиши, бунга қадар собиқ марказнинг сиёсий таназзули ва бошқа воқеалар 80-йилларнинг охирига келиб республикани чоҳ ёқасига келтириб қўйган эди. Ишлаб чиқариш даражасининг тушиб кетиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши, пулнинг қадрсизланиши, тобора ўсиб бораётган ишсизлик, тўловларнинг ўтмаслиги ва ҳоказолар тоталитар тизим барбод бўлишининг яққол мисоллариидир. Иқтисодиёт соҳасида бунга ўхшаш мисол қидириладиган бўлса, АҚШнинг тарихий тажрибасида бундай таназзулни (бироқ анча кичик миқёсла) 1929—1933 йиллардаги «Буюк таназзул» даврига қиёслаш мумкин. Биз учун Г. Гувер ўрнига келган Ф. Рузвельт қуруқ мақтанчоқлик билан шуғулланмасдан, мамлакатни бўхрондан босқичма-босқич олиб чиқишнинг муайян дастурини ишлаб чиққани қизикроқдир. «Фаровонлик сари ташланган маълум қадамлар» деб камтарона номланган бу дастур тезда ижобий натижа берди. 1940 йилнинг охирига келибоқ АҚШ ҳалқ хўжалиги 1929 йил даражасига етди. «Фаровонлик сари ташланган маълум қадамлар» узун ибора, назария, сиёсий даъво ва қуруқ мақтанчоқлик намунаси эмас, энг аввало ишлаб чиқариш ҳалоскори, бошга ташлаб юборилган «Фалаж қилиб даволаш» эмас, иқтисодиёт бунёдкори сифатида ўзини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам бўхрондан чиқишнинг асоси сифатида МДҲдаги кўпчилик мамлакатлардаги таназзулни янада чуқурлаштирган «демократия» ўйинлари эмас, ўз ишлаб чиқаришини ривож-

лантириш танлаб олинди. Ўзбекистонда ҳам ўша пайтада АҚШда юз бергани сингари бўхрондан чиқишининг ишончли йўли сифатида ягона стратегия — ишлаб чиқаришни қўллаб-кувватлашга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир корхоналарни сақлаб қолиш йўли танланди. Уларга хизматчиларга маош тўлаш, жиҳоз ва дастгоҳларни ишга яроқли ҳолатда сақлаб туриш учун зарур бўлган энг кам маблағ берилди. Кейин давлат корхоналарни улар ишлаб чиқарган маҳсулотга буюртма билан таъминлаш тўғрисида гамхўрлик қилди. Шунингдек, тўловлар масаласи ҳақида жиддий ўйланди. Чунки иқтисодий бўхронлар, жумладан 1929—1933 йиллардаги «Буюк таназзул» ҳам, худди ана шу тўловлар туфайли келиб чиқкан эди. Агар давлат бошқалар юрган нотўғри йўлдан юриб, турли молиявий «эҳром»лар барпо этилишига йўл қўйиб қўйганида, молия бозорини ўз назоратига олмаганида эди, яқин икки-уч йил ичida иқтисодиётимиз МДҲдаги айrim қўшниларимизники сингари аянчли аҳволга тушиб қолган бўларди.

Ха, ўшанда «ўзбошимчалик», «зўравонлик» сингари анча-мунча айбномалар эшитилган эди. Бироқ, Президент Р. Никсон 70-йиллардаги нефть бўхрони даврида нарх ва даромадларни икки марта изга соганида ҳеч ким унга ҳеч нарса демаган эди. Бунинг устига, ўша давр ҳозирги замон Америка тарихида «барқарорлик даври» деган ном олган. Президент Ф. Рузвельтнинг барча банк ва молия компаниялари бир текис тафтиш қилинган кескин назорат ўрнатган даврини ҳам эслаш мумкин. Ўшанда молия ҳисоблари ва бухгалтерия баланслари соғлом эмас деб эътироф этилган барча банклар ёпиб қўйилган эди. Бу ҳам етмагандек, Ф. Рузвельт қаршилик кўрсатган банкларни давлат ихтиёрига олиб қўйман деб қўрқитган ҳам эди. Бу чора бир ойдаёқ ўз самарасини берди. Унинг ҳукумат фаллани тенглик асосида харид қилиши лозимлиги тўғрисидаги қарорини айтмайсизми? Агар у шу чорани қўлламаганида, американлик фермерлар бутунлай хонавайрон бўлган бўларди. (Эҳтимол, шу ўринда Европада бугунги кунга қадар нархларнинг 10 дан 30 фоизигача Европа Иттифоқи ёки давлатларнинг ўзи бошқариб туришини ҳам айтиб ўтиш зарурдир).

Бундан мантиқий равишда қўйидаги хulosса келиб чиқади. Ўтиш даврларида, бўхрондан қутилиш пайтларида иқтисодиётни табиий равишда барқарорлашти-

риш — бажарилиши қийин бўлган ишдир. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш пайтида эса, давлатнинг иқтисодий вазият устидан назоратни йўқотиб қўйиши аянчли сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. (Айни пайтда давлатнинг бозор устидан назорат ўрнатишими ибрат қилиб кўрсатмаслик керак. Бозор муносабатлари эндиғина оёққа туроётган ўтиш даврида бундай назорат зарур, албатта. Бироқ назорат мавжуд номутаносибликтининг ҳам «умрини узоқ қилади». Шунинг учун ҳам, бундан бўён ҳам тараққий этишни мўлжаллаган давлат бош ислоҳотчи сифатида ислоҳотларни тартибга солиш ҳамда тараққиётда бундай номутаносибликтарниг олдини олиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш хусусида ҳам ўйлаши лозим.)

Одатда ўтиш даври анчагина вақт талаб қиласди. Бозор иқтисодиёти яхши йўлга қўйилган АҚШда «Буюк таназзул»дан чиқиш 10 йилдан ортиқ муддат давом этди. Farbий Европа мамлакатлари Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб олиши учун ҳамда уларга ташқи иқтисодий чегаралар очилганига қадар 13 йил керак бўлди. 1945 йилга келиб саноат ишлаб чиқариши 90 фоизга тушиб қолган Япония миллий иқтисодиётини 15 йил мобайнода тиклади.

Мустақилликка эришганимизга яқинда беш йил тўлади. Бироқ барқарорликнинг дастлабки натижалари иқтисодиётнинг сиёсатдан, мафкуравий бозордан устуворлиги тамойили — бўхрондан чиқишининг анча ишончли йўли эканини яққол кўрсатиб турибди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши — сиёсий ҳокимиятнинг ҳаққоний эканининг асосий шартидир. Яқинда АҚШга қилган сафаримиз пайтида биз мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, фуқароларнинг фаровон ҳаётини танқидий назар, мутахассисларга хос «синчков»лик билан баҳолашга ҳаракат қилдик.

АҚШнинг ҳозирги ҳокимиятининг ҳаққонийлигини унинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида энг изчил сиёсат юргизаётган янги мустақил давлатлар — Болтиқбўйи мамлакатлари, Украина, Ўзбекистон Республикасини қўллаб-куvvatлаётгани исботлаб турибди. Айни пайтда ҳозирги маъмурият ҳар бир минтақа келажакда ҳам ўзларининг ишончли шериклари бўлишидан жуда манфаатдор. Шу маънода анча барқарор ва табиий ривожланаётган, зўравонлик ва фундаментализмнинг ҳар қандай шаклини инкор қиласиган, дадиллик билан барқарор демократия асосларини барпо этаётган, ўзини

бутун Осиё қитъасида муҳим барқарорлик омили сифатида намоён қилаётган Ўзбекистон бу сафда алоҳида ўринга эга. Бугунги кунда Ўзбекистон тинчлик ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш ишида энг ишончли шерик бўладиган давлат сифатида ўзини кўрсатмоқда. Америкага ташрифимиз натижалари буни яққол исбот этди.

«Халқ сўзи» рўзномаси, 1996 йил, 5 июль

АФГОНИСТОН УСТИДАГИ «БЎРОН»

Бугунги дунё ривожланиши фавқулодда мураккаб йўналишдан бормоқда. Фавқулодда мураккаблик — бу «совуқ уруш» тугаши билан жаҳоннинг турли минтақаларида хавфсизликка эътиборнинг қонуний бир равища кучайганлигидир. Давлатлар хавфсизлиги ҳақида гап кетганда шуни айтиш ўринлики, давлатлар чегаралари табиий аҳволига кўра ўз ҳудудлари хавфсизлигини белгиловчи жўрофий шарт-шароитларнинг аҳамияти каттадир. Лекин 80-йиллар охиригача хавфсизлик борасидаги баҳсларда соҳа мутахассислари ўша шарт-шароитларнинг қитъя ичи ва анклав ҳолатдаги давлатларга хос хусусиятларгагина кўпроқ тўхталарди.

Бу бежиз эмас, албаттa. Ўша даврлар ҳалқаро муносабатлари тарихий-тадрижий тараққиётида, биринчидан, II жаҳон уруши ниҳоясигача бир давлатнинг бошқа бир давлатни босиб олиши; иккинчидан, урушдан кейин икки қутбли дунё шароитида «кутб»ларнинг ўз назорат доиралари учун курашиши ҳукмрон эди. 90-йиллар бошига келиб бундай жараёнлар ўз хотимасини топганлиги барчага маълум. XX асрнинг охирида жаҳон сиёсий тизими янги бир босқичга — кўп қутбли дунё шароитига ўтди. Бу эса назарий жиҳатдан юқорида давлатлар хавфсизлиги борасида айтилган «босиб олиш» ва «назорат доиралари учун кураш» даврларига ҳам якун ясалиб, улар ўрнига ҳалқаро муносабатларда давлатлар ўз таъсир доиралари учун кураши даври бошланганлигини билдиради.

Кўп қутбли дунё шароити давлатлар хавфсизлигини белгиловчи жўрофий омилларнинг нафақат қитъя ичи ёки анклав ҳолатидаги давлатларни, балки ўша шарт-шароитларнинг барчасини — қитъя давлатлар, орол давлатлар ва қирғоқ бўйи давлатларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу кенг қамровлилик ўз навбатида ўзига хос геосиёсий майдонда ўз таъсир доиралари учун кура-

шаётган томонларнинг геомафкуравий тўқнашувига олиб келиши табиий.

Агар маълум бир маконда ўз таъсир доиралари учун курашаётган етакчи хорижий давлатларни — субъектлар, ўша макон «эгаси» бўлган давлатларни — обьект деб олсан, томонларнинг геомафкуравий қарама-қаршилиги асосида ҳар бирининг миллий манфаатлари номувофиқлигини кўришимиз шубҳасиз. Миллий манфаат, аниқроғи, давлатларнинг ўз ички сиёсати ва ундан келиб чиққан ташқи манфаатларига эга бўлиши жаҳон давлатчилиги тарихидан маълум бўлган давлатларга хос умумий бир қонуният. Аммо бутунги сиёсий муҳит миллий манфаатга ёндашув борасида янгича босқичга кўтарилгандир. Маълум бир минтақалар — макон учун юқорида таъкидланганидек «субъект»лар ва «объект»ларнинг мавжудлиги ёки обьект — давлатнинг ташқи оламдаги манфаатий ҳаракатлари у ёқда турсин, унинг ички миллий манфаатларидаги амалий дастурларнинг шаклланишида «субъектлар» ўрнининг сезиларли бўлаётганлигининг ўзиёқ, кўп қутбли дунё шароитининг нечоғли мураккаб хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Демак, бугунги халқаро муносабатларда мавжуд ёки ўз ижроси пиллапоясида турган ҳар қандай умумбашарий концепциялар, уруш ва тинчлик муаммолари кўпроқ геосиёсатнинг ўзгармаган жўғрофий унсурлари-ю, ўзгарган инсоний унсурларидан тортиб дунё ва минтақа сиёсий куч марказларининг жўғрофий ва геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, умумийликдан яккаликка томон тамойилига мос келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Ана шу назарий асосларга таяниб бу борадаги амалий қарашларимиз йўналишини дунёнинг «оловли нуқта»ларидан бири бўлган Афғонистон муаммосига қаратсак.

Халқаро муносабатларда бугун консенсуснинг «Афғонистон варианти» ҳам пайдо бўлган десак муболага бўлмайди. Консенсусда «аффон варианти»нинг характеристи шундан иборатки, унда томонлар келишуви юзакичиликка асосланган бўлиб, амалда ўз билган йўлларидан қолмайдилар.

Шунинг учун ҳам Афғонистондаги гуруҳлар ўртасида шу вақтгача имзоланган ёки келишилган битимлар расмий ва назарий жиҳатдан бенуқсон бўлиши мумкин, бироқ уларнинг амалиётга ярамаётганлиги аффон

фожиасининг серқирралигини кўрсатиб турибди. Қарийб 20 йилдан буён жаҳон афкор оммасининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Афғонистон воқеалари ўз кўлами жиҳатидан кўпқиррали характерга эга бўлса ҳам, улар бир-бирига боғланган Афғонистон ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида тўла акс эттиради. Афғонлар ма-на беш йилдан бери мамлакатни сикувда ушлаб турган, узоқча чўзилган ўзаро урушда ҳаммадан кўп йўқотишга учрадилар. Аммо «русларни» чиқаришга муваффақ бўлингандан сўнг мамлакат жуда муҳтож бўлиб турган сиёсий тинчлик ва иқтисодий қайта қуриш даврига ўтолмади.

Ҳақиқатда, мамлакат ички мужоҳид — фуқаролар уруши даврида совет босқинчиларидан кўра каттароқ вайронагарчиликка йўлиқиб қолди.

Афсуски, Афғонистон инқирози бошқа қўшни давлатларга ҳам, қайсисигадир кўпроқ, қайсисигадир камроқ бўлса-да таъсир кўрсатди.

Афғонистон ҳимоячилари номидан интервенция уларни бир-бирига гиж-гижлаб қўйди. Гап шундаки, ҳозирги кунда геосиёсий эътибор Афғонистонга эмас, балки бу воқеаларда Марказий Осиёнинг тутган ўрнига қаратилган. Бунинг чуқур сабаблари мавжуд.

Толибонларни Қобулдан чиқарип ташлаш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадида 11 август куни Мозори Шарифда толибонларга қарши кучлар раҳбарлари йигилишди.

Бирлашма расмий раҳбарларининг таъкидлашлари-ча, йигилганлар кўпчилигининг мақсади толибонларга қарши учта фракция раҳбарлари иштирокида Қобул шаҳрини қўлга олиш стратегиясини амалга ошириш ва пойтахтни бошқара оладиган сиёсий ташкилотни шакллантиришдир. Шу билан бирга бирлашманинг шимолий гуруҳи раҳбари Аҳмад шоҳ Маъсуд пойтахт учун қонли жангларнинг олдини олиш мақсадида Покистондан ташқари ҳар қандай ерда музокаралар олиб бориш учун ҳозир эканлигини билдириди.

Рейтер ахборот агентлигига берган интервьюсида Аҳмад шоҳ Маъсуд Америка Кўшма Штатлари ва бошқа Farb мамлакатларини тинчликка қаратилган музокараларда иштирок этишга даъват этди. Унинг таъкидлашича, Farb мамлакатлари «совуқ урушни тутатишга қўшган ҳиссаси учун ҳам Афғонистонга маънавий қарзларини қайтаришлари лозим».

Маъсуднинг «Рейтер» агентлиги томонидан берилган бир қатор саволларга ёзма жавобида айтишича, у пойтахтни хоҳлаган вақтда қўлга олиши ва толибонларнинг Қобулдаги ҳокимиятини ҳайдаб чиқариши мумкин.

Маъсуд тарафдорларидан бири журналистларга шундай деган: «Ҳозирги пайтда мен учрашув якунлари ҳақида ҳеч нарса билмайман, аммо уйнинг оқибати бир неча кундан кейин аён бўлади».

Собиқ ҳокимиятнинг расмий шахсларидан бири таъкидлашича, Қобулдан 120 км шимолда жойлашган Салангда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув бирлашма ичидаги келишувдан ижобий нишона бўлган.

Уч ҳафта давомида Қобулнинг шимолида оғир жанглар бўлди. Натижада Маъсудга қарашли кучлар шаҳар атрофини қўлга олиб пойтахтга яна 20 км яқинлашдилар. Лекин кейинги кунлар ичida кучли артиллерия ва пиёдалар жанги иккала томонга ҳам устун чиқишга йўл қўймади.

Бундай ҳолат Маъсуд кучлари фурсатни бой берди, дейишга олиб келмайди, дейди Маъсудга яқин шахслардан бири. «Биз Қобулни бунчалик тез қўлга олмоқчи эмасмиз, лекин қишигача пойтахтни қайтариб олиш ниятимиз бор» — деб таъкидлади расмий вакилардан бири.

Маъсудга яқин шахслардан бири таъкидлашича, Афғонистоннинг 1/3 қисмини назоратга олган ва шимолдаги Саланг довонида жойлашган бирлашманинг устунлиги қуршовдаги пойтахт учун сиёсий бошқаришни ташкил қилиб якунлашдадир. Аввалги йилнинг сентябр ойида Қобулдан чиқариб юборилган Маъсуднинг собиқ ҳукумати ўз хатоларидан хulosha чиқариб, уруш натижасида вайронга бўлган шаҳарга қайтишдан олдин ўзларининг ижобий ўзгаришларини кўрсатмоқчилар.

Агарда бирлашма Қобулни қўлга киритса, толибонларга қарши курашган фракцияларнинг барчаси ҳукуматга киради, — деб таъкидлади Маъсудга яқин шахс. Унинг айтишича, толибонларга қарши бирлашманинг пойтахтни қуролсизлантириш ёки БМТнинг тинчлик парвар кучларини киритиш ҳақидаги чақириқлари ижобий эътиборга сазовор бўлмаётиди. Уларга қарши, деб таъкидлайди у, энди ҳарбий қарор қабул қилиш керак.

БМТнинг вакили Норберт Холл, Эрон Ташқи ишлар вазирининг муовини ва Покистоннинг ташқи сиёсий идораси ҳодимларининг Афғонистондаги гуруҳлар ва кучлар жойларига бир неча бор ташрифларига қара-

масдан ҳеч қандай натижага эришолмаяптилар. Афғонистон ҳудудини толиблар ва Шимолий бирлашма ўртасида бўлиб олиш хусусидаги гаплар мамлакатни Шимол ва Жанубга ажralиб қолишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий рақобатчилик ва этник келишмовчилик каби факторлар Афғонистондаги ҳар хил этник жамоа ва қабилалар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликларни чуқурлаштироқда.

1987 йил сobiқ СССР қўшиларининг Афғонистон ҳудудидан чиқиб кетганлиги ҳамда олиб борилган советлар сиёсатининг номақбулиги ҳақида кўп ёзилди ва яна гоҳида бу борадаги узундан-узун мубоҳасаларга дуч келишимиз мумкин. «Фолиб» Афғонистон ҳақида эса реал ёндошувлар ўз ниҳоясини топмасданоқ баҳсу мунозаралар тўлқини бирдан давлатда юзага келган бир-бирига қарама-қарши кўплаб мужоҳид гуруҳларга «урилди». Агар масалага шу тарзда ёндашсак, 1989 йил Афғонистонга ғолиблик нашидаси фақат давлат сиёсий ҳаётида қарама-қарши кучлар юзага келишинигина берди, десак ҳеч қандай лоф бўлмас.

Негаки Афғонистон ички ҳаётидаги бундай бўлинишлар ривожининг кейинги босқичи кўп қутбли дунё давлатларининг ўз таъсир доиралари учун курашишнинг дебочасига тўғри келганлиги Афғонистонни ҳал-қаро муносабатларда Евросиё «нобарқарорлик ёйи»нинг таркибий қисмларидан бирига айлантириди холос. Бу ҳолат Афғонистон билан қўшни давлатлар учун табиий равишда хавфсизлик муаммосини келтириб чиқарди ва Афғонистон нафақат Шимол ва Жанубнинг, балки Фарбу Шарқ манфаатлари тўқнашадиган кенг бир геомафкуравий майдонга айланди.

Афғонистон жўғрофий жиҳатдан анклав ҳолатида бўлиб, шимолдан Туркманистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон билан, фарбдан Эрон билан, шарқдан эса Хитой ва шарқи-жанубдан Покистон билан чегарадошлиги маълум. Қўшни давлатларнинг барчаси Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор. Аммо, Афғонистонда барқарорликни таъминлаш учун мавжуд ҳар бир гуруҳларнинг ўз «тинчлик модел»лари борлиги ва мазкур моделларнинг қайсиdir хорижий давлатлар манфаатига мослиги ажабланарли ҳол. Бундан холоса чиқариш мумкинки, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш томонларнинг асосий мақсади эмас, балки уларнинг ўз манфаатлари йўлидаги воситага айланниб қолмоқда.

«Тинчлик концепция»ларидан кўриниб турибдики, қайсиидир моделнинг амалиёт юзини кўриши Афғонистон устидан етакчи хорижий давлатларнинг ҳам «хуфёна муносабат»ларини бугунидан-да чигаллаштиурса чигаллаштиради-ки, лекин ундан ижобий натижаларни кутиш гумон.

Ўзбекистоннинг бир қанча ҳалқаро ташкилотлар минбаридан, ҳалқаро конференцияларда Афғонистондаги воқеаларга нисбатан объектив қарашларини баён этганлиги бутун жаҳон жамоатчилигига аён. Ўзбекистон давлати афғон муаммоси аввало Афғонистоннинг ички иши эканлигини таъкидлар экан, уни муроса йўли билан ҳал этиш тарафдори эканини билдири. Бироқ Афғонистондаги уруш диний ва этник характерга эгалиги Ўзбекистонни доимо ташвишлантириб келмоқда. Негаки Ўзбекистон ҳукумати диний ва этник хусусиятдаги минтақавий низолар чегара билмаслигини жуда яхши англайди. Шу боис Ўзбекистон учун хавфсизликнинг биринчи занжири — бу Афғонистондир. Афғонистондаги воқеаларни баҳолашда, уларга қандай муносабатда бўлишга биринчи навбатда, ўзимизнинг миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда ёндошмоғимиз лозим. Бу ерда у ёки бу ортиқча мафкуралаштириш, ёки ҳис-туйғуларга берилиш — энг хавфли ишдир.

Афғонистон бугун мустақил давлат сифатида ташқи оламда ўзининг муштарак миллий манфаатларига эга эмас. Тўғри, бунинг сабабини қисқача қилиб давлатдаги ҳарбий гуруҳларнинг ўз фаолияти йўналишлари турли хорижий давлатлар измида эканлиги, уларнинг таъсирiga тушиб қолганлигидир дейишимиз мумкин. Лекин муаммонинг сабаблари бу қадар оддий эмас кўринади. Бизнингча Афғонистон муаммосида қўшни давлатлардан ташқари ва асосан «четдан қатнашувчи»лар кўпчилигининг сабабини геосиёсий нуқтаи назардан давлатларнинг қўйидаги манфаатий йўналишларида қўришимиз мумкин, яъни:

- жуғрофий омилларга таянган манфаатлар йиғиндиси;
- сиёсий куч марказларига нисбатан йўналтирилган манфаатлар йиғиндиси;
- ислом омилига таянган манфаатлар йиғиндиси.

Манфаатлар мажмуасининг ҳар бири ўз навбатида иккита ёндашувдан иборат бўлиб, улардан биринчиси бевосита Афғонистон билан боғлиқ бўлса, иккинчиси

эса ҳар бир манфаатлар йиғиндисининг ўз ички қонуниятларига асосланади. Бироқ учала манфаатлар йиғиндиси ҳам томонлар қарашларининг қай йўсинда бўлишидан қатъи назар, бир-бири билан у ёки бу даражада боғлиқдир.

Жўғрофий омилларга таянган манфаатлар йиғиндиси бугунги кунда Афғонистон воқеаларига боғлиқ бўлса, тарихан қадимги Туркистон ҳудуди билан боғлиқдир. Қадимги Туркистон — бугунги Марказий Осиё давлатлари, Хитойнинг Шинжон -Уйгур вилоятини ҳамда Шимолий Афғонистон ҳудудларини ўз ичига қамраб олган эди. Қадимдан машҳур жўғрофшунослар Туркистонни табиий қазилма бойликлар билан тўлиб тошган, ҳаттоки денгиз императорлари забт қила олмайдиган буюк бир табиий қалъя сифатида кўрар эдилар. 90-йиллар бошига келиб, ривожланган мамлакатларнинг бу давлатларга нисбатан қизиқишининг тобора ортиб боришига X. Маккиндер, Н. Спайкмен ва бошқа олимларнинг геосиёсий концепциялари марказида минтақанинг аҳамиятли ўрни таъкидланганлиги йўналтирувчи тарихий восита бўлган бўлса не ажаб. Масалан X. Маккиндер бир томондан қадимги Туркистонга ўз вақтида ташқи кучларнинг қўли етмаганигини ўша даврларда «...ахборот ва технологиянинг кучсизлиги...» билан изоҳласа, иккинчи томондан минтақада тарихан таркиб топган туркий марказлашган давлатлар тиэммининг мустаҳкамлиги то «ўз-ўзини туркласига қириш» («туркский самогеноцид» — Ч. Айтматов ибораси) давригача давом этганлигини уқтиради. XX аср ўрталарига келиб, X. Маккиндер умумий «Асосий ўлка»га нисбатан фикрини ўзгартирган бўлсада, барибир «Асосий ўлка»даги табиий қазилма бойликларига нисбатан фикрини ўзгартирмади, яъни «...бит-мас-туганмас бойликларга ким ҳоким бўлса, у бутун дунёга ҳам ҳоким бўлади», — деганди.

Бироқ ўтган ва бугунги сиёсий муносабатлар ботиний олами X. Маккиндернинг бир давлатнинг «Ҳокимлик қилиш» назариясини инкор этади. Фақатгина ўнинг қарашларига «Асосий ўлка»да табиий бойликлар учун «манфаатлар бозори» шаклланишидан дарак берувчи бир фикр сифатида қараш мумкин. Ёки бўлмаса, «Асосий ўлка»нинг жанубий қисмини ташкил этувчи қадимги Туркистондаги бугунги ўзгариш, ривожлашишлар Маккиндер назариясини тарихий бир хоҳиш бўлишидан холи қилиб, узоқ муддатли амалий ёнда-

шувларга ишорат қылган ишонарлы бир манба ҳолига келтирди дейишимиз мүмкін. Савол туғилиши табиий. Марказий Осиё минтақаси давлатлари ва Шарқий Туркистан (Хитойнинг Шинжон-Уйғур вилояти)даги кеңаётган турмушнинг Афғонистон воқеаларига нима даҳли бор? Ахир улар ҳудуди бир вақтлар «Туркистан» деб аталса-да, бугун ўз мустақиллукларига эга бўлган давлатлар, қолаверса, ҳалқаро ҳуқуқнинг тент ҳуқуқли субъектлари-ку?

Олдиндан айтишимиз керакки, саволларимиз билан Афғонистондаги ноҳуш воқеаларга Марказий Осиё минтақаси давлатларининг ва Шарқий Туркистаннинг ҳеч қандай бевосита алоқадорлиги йўқдир. Гап бу ерда Марказий Осиёнинг «битмас-туганмас бойликлари...» учун ҳар қандай хавфсизликни четга суриб, қулай иқтисодий йўлдан боришга интилаётган ташқи субъектлар — етакчи хорижий давлатлар фаолиятининг билвоситалиги ҳақида бормоқда. Масалага ёндашувдаги билвоситалик минтақа жўғрофий омилларига ва биринчи навбатда Афғонистон масаласида ҳам, минтақанинг умумий жўғрофий муҳитига нисбатан ҳам ранг-баранглигини кўришимиз мүмкін. Етакчи хорижий давлатларнинг Афғонистон сиёсий майдонидаги манфаатий номувофиқликларини баён этишдан олдин шуни айтишни истар эдимки, бугунги ҳалқаро муносабатларда ҳар қандай давлат учун ижтимоий ҳаётнинг коммуникациявий, алоқа, технологик қувват ва айниқса нефть-газ заҳираларига эгалиги ёки алоқадорлигидаги ўрни аҳамиятлидир. Афғонистон муаммоси, у билан боғлиқ бошқа минтақавий муаммоларнинг ечими жўғрофий омилларга боғлиқлиги ва бунда томонлар манфаатларининг ҳар хиллигини айтганимизда айнан ушбу имкониятларни назарда тутган эдик. Томонларнинг Афғонистон муаммоси орқали минтақа жўғрофий муҳитидаги ва шу асосида жаҳон сиёсий куч марказларига нисбатан йўналтирилган манфаатий ҳаракатлари бизнингча қўйидагичадир:

Яқинда Клинтон маҳкамаси унча катта бўлмаган бир хабарни эълон қилди. Бу хабар АҚШнинг Марказий Осиё ва Эронга нисбатан сиёсатида янада реалистик силжишга катта туртки бўлди.

Айни вақтда сўнгги воқеалардан шу нарса равshan бўлмоқдаки, Толиблар ҳаракати ўзининг сиёсий қараши бўйича таъсирини узоқ сақлаб тура олмайди.

Бу ўзаро боғланмаган ҳодиса биргаликда олиб қа-

ралганда, АҚШ манбаатлари учун муҳимлиги ошаёт-
ган жаҳоннинг бу қисмида энг қулай имкониятларга
йўл очади.

Марказий Осиё мамлакатларининг собиқ Совет Иттифоқидан мустақиллиги эълон қилингандан қарийб 6 йил кейин, 21 июль куни Давлат котиби ўринбосари — Строуб Тэлботт АҚШнинг ушбу ҳудудни қандай тушуниши ҳақидаги баёнотини эълон қилди. У баъзи давлатларда мавжуд бўлиб келган «Буюк менталитетлар ўйини»нинг тугаганлигини эълон қилди. Маълумки, 19-асрдан бўён бу қараш йирик давлатларнинг Ўрта Осиё мамлакатларига ёндошувларини белгилаб келди. Бир ҳафта ўтмасдан АҚШ Президенти маҳкамаси минтақада Туркманистондан Эрон орқали Туркияга ўтказиладиган, баҳоси 160 миллиард АҚШ долларида белгиланган газ қувурининг ўтказилишига қаршилик қилмаслигини билдириди. Бу хабар Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг АҚШга сафари пайтида тарқатилди. 1991 йилда Конгресс бу мамлакатга ёрдам кўрсатишни тўхта-тиш ҳақида қарор қабул қилган эди. X. Алиевнинг ташрифи ана шу қарорни бекор қилиш, Озарбайжон билан муносабатларни нормаллаштириш тарафдорларининг кучли босими даврига тўғри келди. Тақиқнинг бекор қилиниши Озарбайжон ва бошқа собиқ совет республикаларига демократик жамият қуриш ва бошқа расмий дастурларни амалга ошириш учун ёрдам кўрсатиш имкониятини беради.

Ўтган йилнинг май ойида Атлантика Кенгаши деле-
гацияси таркибида Кавказ ва Ўрта Осиёга қилинган таш-
рифда биз бу муаммоларнинг бир-бирига алоқадорли-
гига ишонч ҳосил қилдик. Собиқ совет республикалари Россия, Эрон, Хитой Фарб давлатлари билан бирга XXI асрнинг Евроосиё энергетик балансига қўшилишидан ташвишланмоқдалар. Ўрта Осиёning янги мустақил республикалари (Қирғизистон ва уруш давом этаётган То-
жикистондан ташқари) ўзларидаги сув ва кўумир заҳира-
ларидан тараққиёт ва мустақилликни мустаҳкамлаш мақ-
садларida фойдаланишининг ҳисоб-китобини қилишмоқда.

АҚШнинг манбаатлари нуқтаи-назаридан Марказий Осиёning янги мустақил давлатлари Форс бўғозига нефть, газ ресурсларининг муқобил манбаи бўлиши жуда муҳим.

Бунга эришиш учун улар (Марказий Осиёning янги мустақил Республикалари) ўз энергетик хом-ашёлари-
ни кўптармоқли асосда — нафақат Шимолга — Россия-

га, балки Грузия, Қора денгиз орқали — Фарбга, Хитой орқали — Шарққа, Эрон, Афғонистон ва Покистон орқали — Жанубга тортилган қувурлар ёрдамида экспорт қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бу минтақада «Мен ютдим, сен ютқаздинг» деган ёндашувнинг олдини олиш учун, С. Тэлботт фикри бўйича, америкаликлар, руслар, гарбий европаликлар, хитойликлар, турклар, эронликлар, покистонликлар, ҳиндлар қўшма корхоналарда манфаатли ҳамкорлик қилишлари керак. Клинтон маҳкамаси Марказий Осиёда Америка манфаатлари ва глобал манфаатлар йўлида очиқ эшиклар сиёсатини тутса ҳам, Эрон орқали Туркияга газ қувури ўтказишга акс таъсир қиладиган таклиф кириди.

Жумбоқнинг якуний қисми ўз ўрнида қолади. Ҳозир Қўшма Штатлар БМТнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳаракатларини бошқаришда ташаббусни ўз қўлларига олиш ниятида. Қобулда этник мутаносиб, ҳамманинг ишончини қозонган коалицион ҳукумат бўлиши нафақат Афғонистонга қўшни мамлакатлар, балки Афғонистоннинг ҳам манфаатларига хизмат қиласиди.

Хўш, Афғонистондан қўшни давлатларга кескин таъсир кўрсатадиган асосий фактор нима? Бу ислом фундаментализми хавфи билан бирга можароларнинг чўзилиб кетаётганилиги ички осойишталиқка хавф солаётган таҳдидларидир. Афғонистонда бораётган кураш нафақат Марказий Осиё давлатларининг газ ва нефтини Хўрмуз қўлтиғига элтувчи йўлни ёпиши билан, балки ёш, мустақил Марказий Осиё республикаларидаги этник мутаносибликни ишончли сақлаб туришга ҳам хавф солмоқда.

Мозори Шариф Толибонлар қўлига ўтган куннинг эртасига ҳамма Афғонистондан қочқинлар оқими кучайишини кутди. Бу қўшни Тожикистонда этник можароларнинг кучайиши, келажакла бутун ҳудудда ҳаётни издан чиқариши мумкин эди.

Афғонистондаги низонинг йўналишидаги бу ўзгаришда, яхшиямки ундей бўлмади. Дунёвий, этник жиҳатдан мураккаб жамоаларни минтақадаги мавжуд чегаралар доирасида тутиб турган давлатлар даврида этник чалкашликлар сақланиб қолди. Афғонистондаги низога чек қўйилиши Марказий Осиёдаги барқарорликни таъминлаш қалитидир. Буни АҚШ ҳам эътироф этмоқда. Куртис М. Ковард ва Чаз В. Фрименлар «Энди

америкалик дипломатларга толиблар ва Афғонистондаги бошқа кучлар ўртасидаги битимларни ортда қолдириб, Дейтонда ўз малакаларини намойиш қилиш вақти етди», деб ёзалилар. («Крисчен сайенс монитор». 01.08.97.)

Бу масалага АҚШнинг БМТдаги вакили Ричардсоннинг Ўзбекистонга ташрифи аниқлик киритиши эҳтимолдан холи эмас. (Ричардсоннинг Марказий Осиё республикаларига ташрифи вице-президент Альберт Гор томонидан «бизнинг икки томонлама алоқаларимизни» мустаҳкамлаш ва «Афғонистондаги бошқарилиши қийин бўлган фуқаролар уруши» масаласини муҳокама қилиш учун таклиф қилинган эди.)

Совет қўшинларининг Афғонистондан чиқарилганидан то 1993 йил охиригача АҚШнинг бу ҳудуддаги манфаатлари давлат сиёсатида унчалик устувор йўналишда эмас эди. 1994 йилдан бошлаб АҚШ Давлат департаменти минтақани давлат ташқи сиёсатида муҳим геостратегик мақон сифатида кўра бошлади. Бу геосиёсий жиҳатдан Каспий нефт шелфи ва жанубий «Асосий ўлка» — Марказий Осиёдаги янги хом ашё базалари билан боғлиқ бўлиб, АҚШнинг айнан шу «иқтисодий нуқтага» кириб келишига Афғонистоннинг (қарши уруш олови сўнаётган бўлса-да) энг мақбул «кўприк» вазифасини ўташи кутиларди. Ва бугун шундай ҳам бўлиши учун АҚШнинг қилаётган ҳаракатлари ҳеч бир халқаро хукуқ субъектига сир эмас.

Юникол — Калифорниянинг жаҳонга машҳур корпорацияларидан бири, аниқроғи АҚШ қуришга мўлжаллаётган Туркманистон — Корачи — Мултон газ ва нефть қувурларининг айнан Афғонистон ҳудудидаги ҳаражатлари ҳомийси. Биринчи этапда режалаштирилаётган газ қувуригининг узунлиги 1403 км бўлиб, қурилиш ишларининг баҳоси 2,7 млрд. бўлган йўлнинг қарийб 50 фоизи Афғонистон ҳудудидан ўтиши кутилмоқда. Бундан ташқари минтақада мўлжалланәётган нефт ва автомобил транспорти йўлларининг қуйидаги йўналишлари ҳам мавжуд: 1) Тежан — Сераҳс; 2) Термиз — Қобул — Пешовор — Корачи; 3) Тоғли Бадахшон — Вахкон — Қорақурум; 4) Термиз — Мозори Шариф — Маймана — Ҳирот — Кветта — Корачи.

Йўналишларнинг биринчисидан ташқари барчаси қатъиятлик билан АҚШ ва Покистон томонидан ҳимоя қилинмоқда. Тежан-Сераҳс йўлининг бундай ҳимоядан четда қолишига сабаб, йўналиш асоси Эрон ҳудудига тўғри келганлиги бўлиб, ҳамда Эрон олиб бо-

раётган сиёсат Покистоннинг минтақавий манфаатларига унчалик мос келмаслигидир. Афғонистоннинг ўзига ўз муаммолари етмаганидай, унинг устида кезаётган бундай «изғиринли бўрон»нинг қандай якун топишида Юникол бошлиғи Жон Аймлнинг дипломатик сўзлар билан журналистларга «...курилажак қувурлар тинчлик парвар бўлиб, бундан толиблар ҳам ва уларга қарши курашаётган афғон жангчилари ҳам манфаатдордир» — дейиши, Афғонистонда ҳокимият тепасига қайси куч келишининг томонлар учун муҳимлигини кўрсатиб туриди. Хўш, бунга ким эришади — «Толибон»ми ёки бирлашган афғон жангариларими?! Балки, масалани бундай қўйиш тўғри эмасдир, балки америкалик тадбиркорнинг гапини чуқурроқ таҳдил этиш лозимдир?.. Бир нарса аён — тарафкашлик, ортиқча мафкуравийлаштириш унумли йўл эмас, бу йўлда тинчликка эришиш жуда мушкул иш.

Юқорида Афғонистон ички ҳаётидаги гуруҳларнинг «тинчлик модел»ларидан баҳс этган эдик. Уларни яна бир бор қайтариш ниятидан йироқмиз, бироқ жаҳон ахборот агентликларининг хабарларига асосланиб Афғонистон — икки асосий қарама-қарши томонлар — Афғонистонни кутқаришдаги бирлашган фронтни у ёки бу даражада Россия, Эрон, Ҳиндистон, Тожикистон, ва Хитой (1997 йил бошидан) маъқуллаётганини; «Толибон» ҳаракатига эса Покистон, АҚШ, Саудия Арабистони ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар ҳам ёрдам берадётганлигини айтиш ўринлидир.

АҚШ марказий разведка бошқармасининг минтақавий муаммолар билан шуғулланувчи 50 дан ортиқ зобитлардан иборат «Афғон» штаб-квартираси бугун Покистоннинг Пешовор шаҳрида жойлашган. Шу ўринда Американинг минтақага нисбатан ҳар соҳада бунчалик фаоллиги сабабларига АҚШ Давлат котиби ўринbosари С. Тэлботтнинг қуидаги сўзларини келтирсан қисқача жавоб бўлар деб ўйлаймиз: «Марказий Осиё АҚШ учун жуда катта стратегик аҳамиятга молик ва ҳудуди шундай аҳамиятга эга минтақага эшик воситасини баҳаради. Булар — шарқдан Хитой ва бутун Осиё давлатларига, жанубдан Эрон, Афғонистон ва бутун ислом дунёсига, шимолий-ғарбдан Россия ва Европага». Бундан кўриниб турибдики, АҚШнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари олдида Афғонистоннинг геостратегик аҳамияти жуда катта.

Жаҳон сиёсий куч марказларига нисбатан АҚШ-нинг Афғонистондаги манфаатларига келсақ, у ҳам бўлса «ягона учбурчак тизими» ўртасидаги алоқаларни узишга қаратилгандир, яъни Россия — Эрон — Хитой муносабатларини. Бу билан АҚШ Россиянинг минтақадаги анъанавий алоқаларини сусайтиришга, Эроннинг минтақавий сиёсий куч марказларидан бири бўлиб шаклланишига йўл қўймасликка, Хитойнинг Россия ва Эрон билан геосиёсий яқинлашувининг олдини олишга уринмоқда. Шунинг учун ҳам АҚШнинг Афғонистондаги сиёсий гуруҳлар ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан муносабатларидаги режалаштирилаётган ўзгаришлар — АҚШнинг минтақага нисбатан ташқи сиёсати янги концепцияси вужудга келмоқда. Амалиётдаги олдинги концепцияларда эса ноизчиллик устувор бўлиб, улар Россия, Эрон ва Хитойнинг минтақага нисбатан қарашларини эътиборга олган ҳолда юзага келгандир. Бу янги концепция мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қадимги Туркистаннинг XIX асрдан то XX аср охирларигача Россиянинг назорати остида бўлиб келганилиги маълум. 90-йилларга келиб, минтақа давлатларининг ўз мустақилларига эришуви билан боғлиқ геосиёсий ўзгаришлар Россия учун кутилмаган натижаларни олиб келди. Қолаверса, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг икки қудратли қўшни давлатлар Россия билан Хитойни ўзларининг ташқи дунёга чиқишига дастак қилиб олмасдан, мағрибу машриқ давлатлари билан (шу жумладан Россия билан ҳам) халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб муносабатлар ўрнатиши руҳан Россияга унчалик хуш келаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам Россия ташқи сиёсатида XX аср ниҳоясига келиб, жаҳон давлатлари билан ўрнатилаётгани муносабатларида бинарлик сиёсати қонуний равиша амалиётга татбиқ этила бошланди. Бироқ Россиянинг Афғонистонга нисбатан олиб бораётган сиёсати очик-ойдин. Россия Афғонистонда ҳокимият тепасига «Афғонистонни қутқаришдаги бирлашган фронт»ни ёқловчи кучлардан бирининг келишидан манфаатдор. Негаки бу фронтга мансуб сиёсий кучлар нафақат «Талибон»га қарши, балки Россиянинг минтақадаги манфаатларига «зулм қилаётган Фарб» ва баъзи ислом дунёси мамлакатларига ҳам қаршидир. Бу биринчидан. Иккинчидан, Россиянинг бирлашган фронтни маъқуллашидан яна бир асосий мақсади — бу

Россия учун жанубдан алангаланмоқчи бўлаётган ислом омили билан bogliq xavfsizlik choralariidir. Чунки шусиз ҳам Россияга ўз исломий федерацияларидаги муаммолари етарли. Учинчидан, бирлашган фронтни кўллаб-куватлаш ёрдамида Марказий Осиёдаги мустақил ташқи сиёsat олиб борадиган давлатни (айниқса—Ўзбекистонни) Қандахорнинг агрессив ниятлари, ваҳшийликлари ва ҳоказолар билан қўрқтиш йўли билан Россиянинг ўз таъсир доирасида сақлаб қолиш мақсадини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шу туфайли Россия оммавий ахборот воситаларида Аҳмад шоҳ Масудга ва унинг шерикларига нисбатан нейтрал, «холис», уларнинг рақибларига нисбатан эса кучли пропагандистик ёндашувларнинг вужудга келиши тасодифий эмас. Бу ерда «самарали» империя тамойили — «ажратиб, ҳукмронлик қил» қабилида тўла равишда Россия сиёsatдонлари томонидан ишлатилиб келинмоқда. Шимолликларга катта миқдорда қуроласлаҳа (Т-80 танклари, артиллерия, Калашников автоматлари ва ҳ.к.) етказиб берилиши ҳам шу мақсадга қаратилган.

Совет-афғон уруши даврида Покистон СССРга қарши АҚШ, Fárbiy Evropa va bir қатор араб давлатларидан катта молиявий ёрдам олган бўлиб, гарб экспертларининг маълумотларига қараганда, қўрсатилган ёрдамлар ичida биргина АҚШнинг ўзига 3 млрд. доллар тўғри келар экан. Уруш туфайли Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош провинцияларидан бошпана топган 3,5 млн. атрофидаги афғон қочоқлари эса Исломобод кароматлари туфайли икки босқичдан иборат маҳсус лагерларда сабоқ олишга мажбур бўлишади: аввало ҳарбий маълумотнинг сир-синоатларини, сўнгра Куръони Каримни ўрганиш. Фавқулодда Афғонистон сиёсий майдонида 1994 йил ноябр ойида пайдо бўлган «Толибон» ҳаракатининг ҳам, Ҳиндистонда Покистонни ёқлаб ҳукуматга қарши курашаётган (Кашмир муаммоси назарда тутилмоқда) ташкилотчи «жиход»лар сафицининг шу Исломобод ISI (махфий хизмати)нинг маҳсус лагерларида таҳсил олган «Толиб»лардан тузилганлиги (буни ҳозиргача Покистон тан олмасдан келмоқда) маълум бўлиб қолди. Бошқа кўплаб фактларни келтирмасак-да, А. Масуднинг кенг жамоатчиликка «...жангда ўнлаб Покистон фуқароларини асир олдик» деганлиги ва Покистоннинг биринчиларидан бўлиб, «Толибон»ни Афғонистон ҳокимияти те-

пасида деб расман тан олганлигининг ўзиёқ фикримизга исбот бўлар деб ўйлаймиз.

Исломободнинг «Толибон» лидерлари билан келишувига мувофиқ толиблар шу йил ёзгача бутун Афғонистон устидан назорат үрнатиши ва сентябр ойидан Юникол ва бошқа кўплаб гарб фирмалари Афғонистон худудида газ-нефт қувурларини қуришга киришиши керак эди. Буни генерал А. Дўстимнинг сўзлари («Озодлик» радиоси, 7.06.1997 й. интервью) ҳам тасдиқлайди: «...Покистоннинг мақсади Туркманистон газини тезроқ Корачига олиб келишдир...». Бироқ юқоридаги режа белгиланган муддатда амалиётда ўз аксини топмади. Шундан кейин Покистон бош вазири Навоз Шариф ўртага янгича ойдинлик киритмоқчи бўлиб, Қандаҳорнинг «қулоғини тортиб қўймоқчи» ва унга кўпроқ бир вақтлар Покистон ҳомийлигига мансаб отига минган Г. Ҳикматёрнинг ҳаракатлари маъқул келаётганлигини айтади. Кутимаган бундай «совуқ шаббода»га Қандаҳор томони ҳам ҳозиржавоблик кўрсатиб, Покистонга икки муҳим омилини ҳисобга олишини эслатиб қўяди:

— биринчидан, 1997 йилнинг биринчи ярмида Туркманистон билан Деҳқон ўртасида туркман гази бўйича мубоҳасалар бўлиб ўтганлиги маълум. Уларни боғловчи кўприк толиблар назоратидаги ерлардан ўтиши тайин. Демак, Исломободнинг бундай «совуқ шаббода»лари авжлантирилса «Толибон» — Деҳқон музокаралари ҳам бошланиши эҳтимолдан холи эмас;

— иккинчидан, Покистоннинг Г. Ҳикматёрни ёқлаши «Толибон» олдига Афғонистоннинг ва Покистоннинг (Покистонда 10 млн.дан зиёд пуштунлар яшайди) пуштунлар яшайдиган провинциялари таркибида янги бир «Пуштунистон»ни ташкил этиш foясини қўйиши табиий. Негаки пуштунлар нафакат Афғонистонда миллий бирликка эга эмас, балки Покистонда ҳам пуштунлар ўзининг жангарилиги билан ажralиб, ҳалигача улар орасида Исломобод ҳокимииятини тан олмай келаётганлар йўқ эмас. Яна унинг устига ягона «Пуштунистон» тузилишини Покистоннинг минтақавий рақибларидан Ҳиндистоннинг ёқлаши турган гап. Буни қандай тушунмоқ керак?!

Бизнингча, жумбоқнинг занжири тарихий характерга эга. 1989 йилгача Қобулда ҳокимият тепасига келган ҳар қандай куч Покистонга душманларча қараб, бир вақтнинг ўзида Ҳиндистонни ўзининг минтақавий ит-

тифоқдоши сифатида күриб келган. Покистон билан умматий жиҳатдан бир бўлган Афғонистоннинг Деҳлиға нисбатан бундай илиқ сиёсати Исломободга хуш келмаслиги аниқ. Бироқ 1987 йилда Нажибуллонинг ҳокимиятдан кетиши ва Афғонистонда турли мужоҳид гуруҳларининг пайдо бўлиши тарихий зиддиятнинг Покистон ҳисобига ҳал бўлганлигини кўрсатар эди, шу билан Покистон Афғонистондаги жараёнларнинг «ташқи двигател»ларидан бирига айланиб қолганилигини яхши биларди. Айни вақтда вазиятлар ривожи Покистоннинг Афғонистон муаммосидан ўзини четга тортиб ололмаслигини кўрсатиб турибди. Хуллас, юқоридаги ларга асосланиб айтиш жоизки, Покистон сиёсати Исломободнинг манфаатларини ифода этган сиёсий куч Афғонистон ҳокимиятига келишидан манфаатдор, акс ҳолда минтақада барқарор ва кучли Афғонистоннинг пайдо бўлишига қарши қаратилгандир.

Афғонистондаги ҳар бир сиёсий кучнинг асосий мақсадларида иккита ўхшашлик мавжуд бўлиб, булар ҳокимиятни қўлга киритиш ва Афғонистонда исломий бир режимни мустаҳкамлаш. Ҳокимиятга интилишни нафакат Афғонистон, бутун дунё мамлакатларидаги сиёсий гуруҳларга хос ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилса бўлар. Аммо Афғонистондаги ҳар бир гуруҳнинг ўз исломий давлатчилик моделлари бўлишини қандай тушунмоқ керак? Бу борадаги бизнинг мулоҳазаларимиз:

— биринчидан, ислом ҳар қандай динлар каби фаятгина имон-эътиқоддан иборат эмас. У ўз фалсафаси ва энг мақбул турмуш тарзи ҳақидаги ўз тасаввурига эга бўлган дунёқарашлар тизими бўлиб, мафкура сифатида кўп қирралидир. Афғонистондаги бир-бирига қарама-қарши сиёсий гуруҳлар ислом фояларини ўз фойдаларига ҳал қилиб, ўзларининг исломий давлатчилик концепциялари асосида «энг тақводор»лик муҳити ётганлигини пеш қилишмоқда. Ваҳоланки, ислом Афғонистонда қайсилир сиёсий куч марказининг таъсирида ҳокимият учун курашувчиларнинг қуролига айланиб қолган;

— иккинчидан, ислом сиёсатга нисбатан ўз исломий ҳаракатлар эволюциясига эга бўлиб, у тўрт босқичдан иборат:

1) Тинчлик-осойишталик — бундай давлатларда ислом ўз қонуниятлари асосида, давлат ҳокимияти билан ислом ажralган ҳолда ёки сиёсий муҳитда консенсус тамойили устувор бўлади;

2) Сиёсатлаштириш — бундай давлатларда ҳам давлат бошқаруви ва ислом алоҳида-алоҳида, лекин бунда исломнинг қисман сиёсийлаштирилгани кузатилади;

3) Экстремистик оқимларнинг мавжудлиги — бундай давлатда гуруҳларнинг сиёсий, диний ва бошқа масалаларда кескин чора-тадбирлар кўриши ва шу каби хусусиятлар кўзга ташланади;

4) Милитаризациялашган бундай давлатда исломий мақсад ҳарбий воситалар орқали амалга оширилади, мамлакатда демократия ҳукм суради.

Афғонистондаги бугунги муддат тадрижий ислом ҳаракатларинин учинчи ва тўртинчи босқичларини ўзида қамраб олган. Бундай вазиятда ҳар қандай хорижий аралашувлар муаммони тобора кескинлаштирадики, унинг акси бўлиши қийин.

Афғонистонда ислом омилидан баҳс кетганда, гап афғон воқеаларига муйян даражада алоқаси бўлган баъзи исломий лидерларга бориб тақалади. Эътиборли томони шундаки, бу шахслардан айримлари бир вақтлар Афғонистон фуқароси бўлган бўлса-да, бугун хорижий давлатларда (масалан, Сиғбатулло Мужодидий — Исломободда, Зоҳир шоҳ — Римда) қўним топган, айримлари эса хорижий давлат (масалан, Асам бин Ладин — Саудия Арабистони) фуқаролариdir. Асам бин Ладин ўзига хос исломий ғояларни илгари суриши билан нафақат мазкур шахслар ўртасида, қолаверса бутун Афғонистон сиёсий лидерларининг қайси гуруҳга мансуб бўлишидан қатъий назар исломга нисбатан муносабатларида ҳам ажralиб туради. Хўш, бу шахс ким? Аниқроғи, унинг Афғонистондаги исломий муҳитга қандай алоқаси бор?

Асам бин Ладин асли Саудиялик миллиардер. Унинг олдига кўйган мақсадларидан бири — дунёда эзилаётган ва хор-зорликда яшаётган мусулмонларга кўмаклашиш. Шунга асосланиб, у 1979 йилдан бошлаб исломий «жиҳод»нинг ҳомийларидан бири сифатида Афғонистонда СССРга қарши курашаётганларга ёрдам бера бошлаган. Бу вақтларда Асам бин Ладинда АҚШга нисбатан ҳеч қандай қаршилик кайфияти бўлмаган; балки собиқ совет кўшинларини Афғонистондан қувиб чиқаришда Вашингтоннинг кўрсатажак ёрдамини олқишилаган. Асам бин Ладин ва АҚШ ўртасида «ҳамкорлик» то 1991 йилнинг январидаги Форс кўрфази воқеалари ва бу муаммога Саудия Арабистонининг АҚШ «кўзи» билан қараганлигигача давом этди.

1991 йил Асам бин Ладин (1994 йил февралидан у Саудия Арабистони фуқаролигини тарк этган) ўз бизнесини тобора ривожлантириш учун Суданга келади ва у ерда ислом дунёси учун «миллий ислом фронтини» ривожлантириш мақсадида банк таъсис этиб, унга 50 млн. АҚШ доллари атрофида дастлабки сармоясини беради. Лекин кўп ўтмай Асам бин Ладин Судандан ҳам АҚШнинг зуфуми билан чиқиб кетади ва ўзига макон қилиб миллиардерларбоп кошоналарни эмас, айнан уруш оловида ёнаётган Афғонистоннинг тофу тошларини танлайди. Хорижий ОАВларининг маълумотларига қараганда, айни вақтда жаҳоннинг турли чеккаларида «жиход банкири» ҳисобланган Асам бин Ладиннинг 60дан зиёд компаниялари (шу жумладан Фарбда ҳам) мавжуд бўлиб, унинг умумий бойлигининг миқдори 2,5 млрд. доллардан кўпроқ. Асам бин Ладин фикрича, АҚШ Фаластин ва Ливанда ўлдирилган ва ўлдирилаётган мусулмонларнинг асосий айбдори. У АҚШнинг барча мусулмон давлатларидан чиқиб кетиши тарафдори бўлиш билан бирга Саудия – АҚШ муносабатларини «АҚШ сиёсати Саудия нефти қийматини сунъий туширишга қаратилгандир» деб ҳисоблайди. Бин Ладин журналистларга берган охирги интервьюларидан бирида ўз ватани – Саудия Арабистонига нисбатан мулоҳазаларини қисқача шундай баён этди: «Менинг Саудияга эътиrozим унинг АҚШга бўйсунгандигидан келиб чиқади. Бугун Саудия раҳбарияти АҚШ измида ислом ва шариатга қарши чиқмоқда».

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Асам бин Ладин Саудия Арабистони ҳукмрон доиралари АҚШ олиб бораётган сиёсатга муносабатини бир «миллиардер шахс»-нинг фикри ёки уни исломга «ўта тақводор» уммат сифатида изоҳлаш мумкин. Бироқ унинг Судан ва Шимолий Африка давлатларидаги, қолаверса Афғонистоннинг тогу тошлари орасида ўнлаб тузган ҳарбий ўқув лагерларини Асам бин Ладиннинг қайси мақсадларининг ҳосиласи сифатида тушуниш мумкин?! Ҳалқаро эксперталарнинг маълумотларига қараганда, «жиход банкири»нинг фаолияти биргина Афғонистондаги «эзилган мусулмонларни ҳимоя қилиш»ни қамраб олмайди. Асам бин Ладиннинг фаолияти Афғонистон билан ташқи дунё ўртасида воситачилик бўлиб, воситачилик асосида курол-аслаҳа, наркобизнес савдоси ва шу каби омилларнинг ётиши кўринади. Масалага шу асосда ёндошсак, Саудия монархиясининг мухолифа-

ти ҳисобланган, мусулмон давлатларни АҚШ билан муносабатларини узишга ундаётган, қолаверса, жаҳондаги эзилган мусулмонларни ҳимоя қилишни ўзига мақсад қилиб Афғонистон тогларида яшаётган «кенг қамровли манфаатлар» соҳиби Асам бин Ладин фоалияти ўзи интилаётган исломий шароитига тўғри келармикин? Бунга қисқача жавоб битта — «Йўқ!». «Нима учун?»лиги эса алоҳида мавзу.

* * *

Бугун Афғонистонни Осиёнинг юрагига қиёслаш мумкин. «Осиё юраги» — Афғонистонда тинчлик қарор топмас экан, нафақат Осиё, балки бутун «Асосий ўлка» давлатларида хавфсизлик муаммоси доимий муаммога айланиши табиий. Шунинг учун баҳсимизга мухтасар хулосаларни келтирсак.

1. Афғонистондаги бирон бир гуруҳнинг ўз моделига таяниб давлат тепасига келиши хом хаёлликдир, қолаверса, бундай шароитда етакчи хорижий давлатларнинг манфаатлар бозорига айланган Афғонистон муҳитини назария ва амалиётда объектив акс эттириш қийин.

2. Тўғри, Афғонистон муаммосида этник, диний ва сиёсий гуруҳларнинг муросаси билан маълум даражада консенсусга келишиш мумкин (бироқ ҳисобга олиш керакки, келишилган аҳдларнинг амалиётга татбиқ этилмаслиги борасида Афғонистон 20 йиллик тажрибага эга). Бизнингча, ҳар қандай кўринишдаги консенсус давлат сиёсий тузумини федерация асосида шакллантиришни назарда тувиши керак. Шундагина Афғонистон етакчи хорижий давлатларнинг «манфаатлар тўқнашуви» майдонидан холи бўлиб (нисбий маънода, албаттга), ўзига хос бир давлатчиликни тузишга юзланган бўлади. Акс ҳолда Афғонистон бугунгидек сиёсий тузилиши тарқоқ, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган ҳамда етакчи давлатларнинг сиқувидаги давлат бўлиб қолаверади.

3. Қандай имкониятга эга бўлишдан қатъи назар ўз ҳокимиятини бошқасига бериш Афғонистондаги сиёсий лидерларга ётдир. Баъзи аффон лидерларининг бутун Афғонистон ҳудудини ўзига бўйсундириш ниятининг йўқлиги, уларнинг Афғонистонда кўплаб майда давлатлар юзага келишидан манфаатдорлигини англатмоқда. Аниқроғи, ҳозир ҳамма яхши биладики, Қобул-

даги ҳукмронлик бутун Афғонистон устидан ҳукмронлик дегани эмас. Амалиёт ҳам буни тасдиқламоқда. Бу эса Афғонистондаги мажароларнинг хорижий давлатлар таъсирида ҳали узоқ давом этишини кўрсатиб туриди. Афғонистонда етакчи давлатлар манфаатлари тўқнашуви бизнинг миллий манфаатларимизга путур етказишига йўл қўймаслигимиз — ташқи сиёсатимизнинг энг мураккаб ва долзарб вазифасидир.

«Халқ сўзи» рўзномаси,
1997 йил 21 август, 174-сон.

АСЕАН 2020 ЙИЛЛАРДА

АСЕАНнинг 30 йиллигига бағишлиланган АСЕАН давлатларининг иккинчи норасмий саммити

Жануби-Фарбий Осиё миллатлар Ассоциациясининг ҳукумат раҳбарлари 1997 йилнинг 14—16 декабр кунларида Куала-Лумпур шаҳрига Ассоциациянинг 1967 йил 8 августа Бангкок Декларациясида қайд этилган мақсад ва мажбуриятларини қайтадан тасдиқлаш ва хусусан, тенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида Жануби-Фарбий Осиё минтақасидаги мамлакатларни ҳамкорликка чақириш, қолаверса ушбу минтақада тинчлик, ривожланиш ва фаровонликнинг барқарор топишига ҳисса қўшиш мақсадида йиғилдилар.

Улар АСЕАНда бир-бири билан ва ўз навбатида бутун дунё билан тинч-тотувликда яшовчи, шу билан бирга ҳалқларининг камолоти ва ҳаётларини мунтазам равишда яхшилаб боришига интилувчи Жануби-Фарбий Осиё миллатлар ҳамжиҳатлигини яратишга интилишларини алоҳида таъкидладилар.

Ҳозирги пайтда АСЕАН давлатлари 500 млн. аҳолидан иборат бўлиб, уларда 600 миллиард АҚШ долларлик ялпи ички маҳсулотга эга бўлган бозор мустаҳкамланмоқда.

Охирги йилларда бу давлатларда қашшоқликнинг мунтазам равишда камайиши, иқтисодиётнинг эса юқори даражада ривожланиб бориши ва ялпи ички маҳсулот ўсиши жараёнида яхши натижаларга эришилди. Ҳамжиҳатлик аъзоларининг қабул қилган қатъий либерализация сиёсати сезиларли даражадаги савдо ва инвестиция оқимиға олиб келди.

Умуман олганда, Жануби-Фарбий Осиё давлатлари етакчилари 21-аср бўсағасида, АСЕАН ташкил этилганига 30 йил тўлиши муносабати билан мазкур давлатларнинг бугунги кундаги ва келгуси 2020 йилларга олиб борувчи имкониятларга таянган ҳолда 2020 йилларгача мўлжалланган истиқбол режаларини тузиб олиш учун йиғилган эдилар. Ушбу режалар бир-бири билан дўстлик асосида бирлашган, ривожланиш ва барқарорликка интилувчан тинчликсевар Жануби-Фарбий Осиё давлатларининг ҳамдўстлигига асосланади.

Жануби-Фарбий Осиё давлатларида яшовчи миллатлар келишуви

1971 йилда Куала-Лумпур Декларациясида қайд қилинганидек, Жануби-Фарбий Осиё давлатларининг келишуви АСЕАН минтақасидаги давлатларнинг 2020 йилларга бориб тинч, озод ва бетараф зонага айланишининг асосий йўналишларини белгилаган. 2020 йилга бориб, АСЕАН Жануби-Фарбий Осиё давлатлари орасида пайдо бўлувчи миллатлараро низоларни адолат ва қонун асосида ҳал этиш, давлат ичида ва давлатлар орасида тинчликни ташкил қила оладиган ҳолатни юзага келтиришни кўзда тутади.

Бу, биринчи навбатда, минтақавий ва бошқа турдаги низоларни Жануби-Фарбий Осиё мамлакатлари орасида тинч йўл билан ҳал этилишига имкон беради.

Жануби-Фарбий Осиё мамлакатлари дўстлик ва ҳамкорлик шартномасидан ҳокимиятлар ва халқларни бир-бирига боғлайдиган ва шу минтақага қизиқиши бўлган қайси бир бошқа мамлакат бўлмасин, ўзига асосий йўлланма сифатида фойдаланиши мумкин деб билади.

Саммитда давлат раҳбарлари АСЕАН регионал форумини превентив дипломатия ва низоларни ҳал этувчи восита бўлиб етишишига ишонч билдирилар.

Улар «тоғлар, дарёлар ва денгизларимиз бизни бир-биримиздан ажратувчи эмас, балки Жануби-Фарбий Осиё мамлакатларини дўстлик, ҳамкорлик ва тижорат йўли орқали боғлайдиган восита бўлиб қолишига» ишонч билдирилар.

Динамика ривожлаништаги ҳамкорлик

Мазкур давлат раҳбарлари 2020 йилларгача «АСЕАН 2020» деб аталувчи янги ривожланиш режасини тузиш ниятини баён этдилар. Динамика ривожлаништаги ҳамкорлик режасида АСЕАН давлатларини иқтисодий жиҳатдан янада яқинроқ интеграцияга олиб келиш мақсади кўзда тутилган.

Давлатлар яқинроқ иқтисодий интеграцияга аъзо мамлакатлар орасидаги ривожланиш тафовутининг камайиши, ҳар томонлама савдо тизимининг очиқ ва ростгўй бўлиши, глобал рақобатга етишиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

Улар эркин товар оқими, хизмат кўрсатиш тармоғи, инвестициялар, эркин капитал оқими ва қонуний иқтисодий ривожланишга эга, қашшоқлик ва ижтимоий-иктисодий тенгсизликлардан холи бўлган барқарор, равнақ топаётган ва юқори даражадаги ҳамкорликда бўлган АСЕАН иқтисодий миintaқасини яратишга киришиш ниятини баён этдилар.

Томонлар қуйидаги шартларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар:

— макроиқтисод ва молия сиёсати йўналишида зарур музокаралар олиб бориш орқали миintaқавий макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни бир меъёрда ушлаб туриш;

— қуйида кўрсатилган асосий стратегияларга таянган ҳолда иқтисодий интеграция ва ҳамкорликни кучайтириш;

— АСЕАН эркин савдо гоясини амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида савдо либерализациясини тезлаштириш;

— 2010 йилгача АСЕАНни инвестициялар зонасига айлантириш ва 2020 йилгача инвестициянинг эркин оқимда бўлишини амалга ошириш;

— ҳозирги вақтда субмиintaқавий ҳамкорликни ва янги ўсиб бораётган субмиintaқавий районларни кенгайтириш ва тезлаштириш;

— бир-бирига фойда келтирадиган АСЕАН давлатлари ва районлари ташқарисидаги янги боғланишларни ташкил этилишига кўмаклашиш, кўп томонлама савдо тизимини мустаҳкамлаш учун ҳамкорлик қилиш;

— миintaқанинг саноат ривожланиши ва сифатини ошириш мақсадида АСЕАНда замонавий, рақобат қи-

ла оладиган, кичик ва ўрта корхоналар секторини яратиш;

— минтақада профессионал ва бошқа хизматларнинг эркин оқимини тезлаштириш;

— макроиқтисодиёт ҳамда молия сиёсати пул ва бозор капиталини бир-бирига яқинлаштириш, солиқлар, суғурталар ва божхона иш тартибидаги либерализациялашган молия секторини яратиш;

— минтақавий информацион-технологик жараён ва илмий марказлар очиш ва улар орқали ахборотни тарқатиш ва қабул этишга имкон яратиш ва шу орқали фан, технология ва информацион технологиялар ривожланишини тезлаштириш;

— электр-энергия хизмати кўрсатиш, табиий газ ва сувни АСЕАН ичидаги АСЕАН электр тармоқлари, газ ва сув қувурлари орқали бир-бирларига боғлаш чораларини яратиш; шу билан бир қаторда электр энергиясини тежаш ва унинг янги ресурсларини ривожлантиришда ҳамнафасликни ташкил этиш;

— озиқ-овқат, мустақиллигига эришиш ва озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ва ўрмончилик маҳсулотларини халқаро рақобат қила олиш даражасига етказиш; АСЕАНни айтиб ўтилган маҳсулотлар соҳасида етакчи давлатлар қаторига етказиш, ўрмончилик соҳасини на-мунавий бошқариш даражасига кўтариш;

— кун сайин ривожланаётган инфраструктура ва коммуникацияларга ўсиб бораётган эҳтиёжни АСЕАН транспортировка тармоғини ташкил қилиш; телекоммуникация ва информацион технологияларни ишга солиш орқали эришиш; хусусан режалаштирилган информацион-мультимедия коридорларни АСЕАН мамлакатларига жорий этиш;

— иқтисоднинг барча жараёнларида инсон ресурсларини таълим-тарбиянинг сифатини яхшилаш, малака ошириш, ўқитиш орқали ривожлантириш;

— соғлиқни сақлаш, табиат муҳофазаси соҳаларида жаҳон стандартларига эришиш ва шу орқали эркин савдони АСЕАНда ривожлантириш;

— АСЕАН фондини қолоқ иқтисодий жараёнлар, қашшоқлик ва социал-иктисодий камчиликлар йўлида ишлатиш.

Тўғри, сўнгги кунларда мазкур давлатларда вужудга келган иқтисодий инқирозлар кўрсатилган истиқбол режаларини таҳлил қилишда бальзи бир мутахассисларда шубҳа уйғотиши мумкин. Лекин ҳар бир инқироз на-

тижаси янги ривожланиш йўлларини ҳам белгилаб беради. Имкониятлардан тўғри фойдаланиш, хатолардан чуқур, объектив хulosалар чиқариш — стратегик ривожланишнинг асосий омилидир. Бу омилдан тўғри фойдаланишни АСЕАН аъзоси — Малайзия мисолида кўришимиз мумкин.

Малайзия мустақилликка 1957 йилда эришган бўлиб, нисбатан қисқа тарихий даврда жамиятнинг иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, маданий ривожланишидан катта муваффақиятларга эриша олди. Мамлакат иқтисодиёти кейинги ўн йилликда, айниқса саноат ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиши ва қурилиш тармоқларида тез суръатлар билан ривожланди. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 1991—1996 йилларда 8,6%га ўсган, 1980—1996 йилларда инфляциянинг ўртача йиллик кўрсаткичи 3,7% атрофида бўлган, 1996 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) 4.446 АҚШ долларини ташкил этган.

1987 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариши иқтисодиётнинг пешқадам тармоғига айланиб, унинг ЯИМдаги улуши қишлоқ хўжалиги улушкига нисбатан йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 1957 йилда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчilikнинг ЯИМдаги улуши 40%ни ташкил этган ҳолда, саноат ишлаб чиқариш 8,2%га тенг бўлган, 1992 йилда тегишли равишда 16,5% ва 28,8%, 1996 йилда саноат ишлаб чиқаришнинг улуши 34,5%ни ташкил этган. Мазкур соҳа 1996—2005 йилларга мўлжалланган Иккинчи Саноат Мастер Режага мувофиқ иқтисодий ривожланишнинг асосий бўғини бўлиб қолиши кўзда тутилган. Куйидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ушбу режанинг таркибий қисми бўлмиш 1996—2000 йилларга мўлжалланган Еттинчи Давлат Режасидаги вазифаларни акс эттиради: ЯИМ ўсиш суръати 8,0%, инфляция даражаси 4%дан паст, 2000 йилга келиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 5800 АҚШ долларига тенг бўлиши ва ишсизлик даражаси 2,8%ни ташкил қилиши режалаштирилган.

Иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлат бошқарувининг таъсири катта аҳамият касб этиб келмоқда, бунда давлат ёки ҳукумат ўзини хусусий секторга қарши қўймайди, балки барча стратегик масала ва муаммоларни ҳал этишда унга суюнади ва унга устуворлик беради.

Маълумки, кейинги йилларда хўжалик алоқаларини байналминаллаштириш жараёни кучайиб бормоқда. Ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожлантиришда ташқи

иқтисодий фаолият муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг Малайзия Саноатни Ривожлантириш Агентлигига ташрифимиз шуни қўрсатдики, Малайзиянинг ташқи савдо обороти йил сайин ортиб бормоқда, хусусан 1997 йилда ташқи савдода ижобий сальдога эришилган. Экспорт 221,5 млн. ринггитта тенг бўлган ҳолда, импорт 219,4 млн. ринггитни ташкил этган. Ибратли томони шундаки, мустақилликнинг дастлабки даврида Малайзия экспортга асосан ҳом-ашё чиқарган бўлса (палма ёғи, каучук), кейинги йилларда асосий ўринни саноат маҳсулотлари ва турли хизматлар эгалламоқда. 1995 йилда мамлакат ялпи экспорти таркибида саноат маҳсулотларининг улуши 78,7%га тенг бўлган бўлса, 1996 йилда эса бу қўрсаткич 81%га етказилган. Экспорт номенклатурасида асосий ўринни электр ва электроника, кимё саноати маҳсулотлари, текстиль, мебель, металлургия маҳсулотлари эгалламоқда. Бугунги кунда Малайзия ярим ўтказгичлар, аудио-видео маҳсулотлар, майший кондиционерлар каби юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи давлатлардан биридир. Малайзия Марказий Осиё давлатлари билан ҳам ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Буни йил сайин ортиб бораётган тўғридан-тўғри сармоялар киритишда кўрса бўлади. Жумладан, Қирғизистонга 90 млн., Туркманистанга 37,2 млн., Ўзбекистонга 130,7 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоялар қўйилган, Малайзия айниқса Ўзбекистон иқтисодиётига халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга катта эътибор бериб келмоқда ва бу соҳада ўзига хос тажрибага эга. Мазкур тажрибани ўрганиш мустақил тараққиёт йўлига ўтган республикамиз учун муҳим аҳамият касб этади.

«Правда Востока» рўзномаси, 1998 й.

ИЖТИМОЙ СИЕСАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Демократик тамойилларга асосланган барқарор жамиятни таъсис этиш аввало ислоҳотлар жараёнининг изчил ва мўътадил амалга оширилишига боғлиқ. Барқарор жамият ислоҳотлар жараёнининг тизимли ва босқичли амалга оширилиши натижасида ўз тараққиётига эга бўлади. Ислоҳотлар жараёни сусаяттган жамиятда эса турли қолиплар ва изинлар пайдо бўлади.

Бу ҳол жақон жамиятшунослиги тажрибаларида күп күзатылған.

Бизда шакллантирилаётган барқарор фуқаролик жамияти тадрижий асосларига эга бўлган кучли ислоҳотчиликни ҳисобга олади. Аслида мутлақо янги бўлган жамият ана шундай ислоҳот жараёни билан тараққиёт йўлига киради. Бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислоҳотчиликка асосланмаса, у янги жамият бўла олмайди. Таназзулга юз тутган эски жамият ўзининг меъёрлари, қолиплари ва изинлари билан яшовчанликка интилади. Чунки унда эски ижтимоий тузумнинг идеаллари ҳали мавжуд бўлади.

Айниқса тоталитаризмга асосланган жамиятнинг таназзули қанчалик тез рўй бермасин, барибир унинг йиллар давомида шаклланган стереотиплари асорат сифатида муайян вақт сақланиб қолади. Бироқ, ўзининг тагзаминига эга бўлган мутлақо янги жамият бу ҳолдан тез қутилиши мумкин. У ўзига эски жамиятнинг ақидавий тушунчаларини қабул қиласлиги учун янги асосларини тақозо этади, оҳорли ғояларга эҳтиёж сезади. Бунинг учун янгича тафаккур тарзи лозим бўлади.

Янгича тафаккурнинг юзага келиши учун муайян ижтимоий муҳит лозимдир. Ҳозир бизда бу муҳит мавжуд. Жамиятда эгатик туйғуси, шахс бўлишлик ҳисси шаклланади. Кишиларнинг бир пайтлар узоқ муддатларга мўлжалланган ислоҳотлардан безган кўнгиллари қайтадан уйғонди. Шахс ва жамият орасида пайдо бўлган сунъий ғоя йўқолди. Бугунги кунга, бугунги ўзгаришларга бўлган ишонч ва муносабатлар шаклланди. Эътироф этиш лозимки, мустақилликдан кейин бизга мерос қолган жамият дунё тарихида кам кузатилған. Чунки бу жамият етмиш йил мобайнида қатъий тоталитаризм воситасида шакллантирилған эди. Ақидавий фикрлаш бу жамиятнинг бутун ўзакларига сингиб кетганди. Шу маънода мустақилликнинг дастлабки йилларида эски жамиятга нисбатан инқилобчилик муносабатида бўлиш ўзини оқламас эди. Айни пайтда юзага келаётган янги жамият учун реал асосларни беришда ҳам сусткашлик қилиш кечирилмас хатога олиб келган бўлар эди. Республикамиз мана шундай мураккаб бир ҳолатдан ўта олди. Бунинг учун эски тузум ва жамиятнинг асоратли хусусиятлари тадқиқ этилди, жақон тажрибалари кузатилди.

Тадрижий жараён танланди, натижада кишиларнинг бутун онгу шуурига сингиб кетган ақидавий тушунча-

лар аниқлаб олинди. Лекин бу жуда сермеңнат ва ма-шаққатли бир иш эди. Вақт лозим эди, бироқ шароит тифиз вақтни тақозо этарди. Ўшанда баъзилар тайёр, бутунлай ўзга ижтимоий муҳитда шаклланган моделларни таклиф қилишди. Бу моделларни бутунасига қабул қилиш эскича йўл тутиш бўлур эди. Бизнинг ижтимоий ҳолатимиз бутунлай янги бир йўлни таъсис этишни тақозо қиласди.

Бу янгича йўл қуйидан юқорига қараб ҳаракат қилиш тамойилига асосланди. Чунки тоталитар жамиятнинг ўрта ва юқори ҳисобланмиш зиёли қатлами кўп ҳолларда ақидавий фикрлаб турарди. Аксинча, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш кўйи қатлами турли стереотиплардан нисбатан холи эди. Айни пайтда бу қатлам халқ донишмандлигининг руҳидан бутунлай бебаҳра эмасди. Демак ана шу қўйи қатламнинг фикрларини ҳисобга олиш муайян янгиликни юзага келтириши мумкин эди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида дабдабали шиорбозликдан воз кечилди. Бу натижа берди. Бугун мутлақо янгича тафаккур тарзини шакллантириш учун шароит пайдо бўлди.

Янгича тафаккур тарзи мавҳум ёки идрокдан ташқари бўлган тушунча эмас. У ҳар бир кишининг, ҳар бир жамоанинг ва ҳар бир даврнинг ўз дунёкараши, ўз муҳити ва ўз қадриятига асосан яшаш тарзидир. Янгича тафаккур бу янги жамиятнинг, янги замоннинг ва янги авлоднинг сийрату суратини белгилайдиган тушунчалар жамидир. Унда шахс эрки, ҳукуқи ва қарашибарининг тўла намоён бўлуви рўёбга чиқади.

Президент И. А. Каримов жамиятнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қиласдиган янгича тафаккур тарзининг шаклланиш асосларини уч омилда кўрадилар.

Биринчиси. Ҳар бир кишида, жамоада ва замонда мустақил фикрлаш тарзини шакллантириш. Бунинг учун Шўро даври тоталитар жамиятидан мерос қолган иллат — маърифий ва сиёсий стереотиплардан қутулиш лозим. Бу Шарқ ижтимоий тараққиёт тамойилларига асосан амалга оширилади. Чунки Президент фикрича: «Бизларнинг инсоний табиатимиз, иймон-эътиқодимиз, диёнатимиз... инқилобчиликни, умуман коммунистик ғояларни қабул қиласдиган табиат. Шу нуқтаи назардан бу ғоялар бизларнинг ҳаётимизга сунъий кириб келган ҳолатдир». Демак, Шарқ ижтимоий тараққиёт тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланади. Ун-

га кўра, фикрламайдиган одам ожиздир. Фикрламайдиган жамоада ташаббус бўлмайди. Шунингдек, фикрлаш тўхтайдиган замон турғунликка маҳкум бўлади. Тоталитар жамият фикрни хуш кўрмас ва «жонсиз темир одам»ни қўллаб-кувватлар эди. Шу сабабли бу жамият кишиларига, айниқса, раҳбарлик тизимида ўтирганларга ташаббус эмас, кўр-кўrona бажаришлиқ, «есть» қилишлик тамойили хос эди. Юқоридан тушган ҳар қандай кўрсатмани итоатсиз бажаришга мажбур қилинар ва ижтимоий шароитидан келиб чиқиб ҳаракат қилишга изн берилмасди. Агар бундай кўrсатма бўлмаса-чи? Кўз тикиб ўтираверар эди. Бундай стереотипни Президент 1989 йилдаёқ рад этганди: «Биз раҳбарлар масалаларни қатъият билан, билимдонолик билан ўртага қўйишимиз, уларнинг ҳал этилишига изчиллик билан эришишимиз, ҳар қандай ҳолда ҳам айбни бировларга тўнкамай ва бировларнинг орқасига яширинмай, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак». Ҳақиқатан ҳам раҳбар шахснинг мустақил фикрлаши жамиятда тезроқ янгича тафаккур тарзининг шаклланишига таъсир этади. Афсуски, бу ҳол ҳозир ҳам учраб туради. Айниқса, раҳбарлик тизимида гиларда бу асорат кўзга ташланмоқда. Биз қураётган жамият шаблон кўrсатмаларга эмас, балки ташаббус ва ижодий фаолиятга асосланади.

Бунда фикрламайдиган одам, жамоа ва замон ютказади. Бу жамият қуруқ расмиятчиликка эмас, жонли мулоқотга, мақсадли интилишларга ва виждан амри билан ҳаракат қилишга асосланади. Ҳалқимиз ва биз кўп умид қилиб турган ёшларимиз фикрламоқда. Фикрлашни ҳалқдан ўрганишни тавсия этардик. Фикрий қуллик, итоатбозлик ва виждоний сусткашлиқдан қутилиш учун ҳалқ орасига киришни маслаҳат берар эдик. Лоақал, атрофимиздаги фикрлаётган кишилардан ўрнак олишга унлар эдим. Бу ўринда ўша фикримни яна бир бор эслатиб ўтишни истайман: тоталитар жамиятнинг фикр қилмаслик ва итоатбозлик иллатлари ўзи билан бирга ёниб кетган. Ҳамон ўша ноинсоний жамиятнинг асоратлари билан яшаш, бу худди гуноҳ иш қилиб жаннатдан умидвор бўлишга ўхшайди. Ўзининг мустақил фикрига эга бўлмаган кишининг, жамоанинг ва замоннинг на ҳалқа, на жамиятга ёрдами тегади. Аксинча, ортиқча юқ бўлади. Олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнининг тезроқ мева бериши ана шу мустақил фикрлаш тарзини шакллантиришга боғлиқ.

Иккинчиси. Ҳар бир кишида юксак даражадаги онгнинг шаклланишига эришиш. Илгари бу масала ҳам бирёқлама ҳал этилган эди. Дунёқараашда фақат оқ ва қорага асосланган коммунистик тушунчалар устувор эди. Инсоний ҳақиқатлар ва реал шарт-шароитлар ҳисобга олинмасдан идрок қилишга тақдим қилинаверар эди. Кишилар онгининг даражаси инқилобни тушуниш-түшунмаслигига қараб белгиланаар эди. Натижада онгсиз онгли одамлар дунёга келтирилди. Лекин, юртбошимиз И. Каримов бундай ҳолатни рад этади. У бу борада шундай дейди: «Бизнинг вазифамиз ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний баркамол, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди... Соғлом деганда биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганмиз. Чунки ҳар томонла ма соғлом авлодга эга бўлган ҳалқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди».

Демак, юксак даражадаги онглилик бу «маънавий бой бўлиш»лиқдир. Президент бу тушунчанинг бутун авлодларга тааллуқли эканлигини уқтиради ва «маънавий бой авлодни соғлом авлод» ҳисоблайди. Афсуски, Шўро даври тоталитар жамиятидан мерос қолган онгсиз онглилик изини ҳамон мавжуд. Биргина мисол. 1997 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида мамлакат олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 150 мутахассис-олимлари малака оширишди. Улар файласуфлар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар бўлиб, 90 фоизи 15 йилдан кўп меҳнат стажига эга эдилар. Улар орасида сўров ўtkазилди ва сўровнома ҳайратли даражадаги натижани берди.

Мана сўровномадаги муайян саволларга уларнинг жавоблари: «Сиз Шўро даврининг тарихдаги ролини қандай баҳолайсиз?» деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 10 фоизи «Ижобий» деб жавоб берган. Сўров қатнашчиларининг 50 фоизи ватан тарихида КПССнинг тутган ўрнини ижобий баҳолаган. Шўро давридаги Ўзбекистон ҳалқининг ижтимоий аҳволини сўровда қатнашганларнинг 62 фоизи ўрта, 26 фоизи юқори, 12 фоизи паст эди, деб баҳолаган. Диққат қилинса, сўров қатнашчилари тоталитар жамиятнинг стереотипларидан бутунлай қутулганича йўқ. Ваҳоланки сўровда иштирок этганларнинг 90 фоизидан кўпроги фан докторлари, кандидатлари, доцент ва профессор-

лар. Бу ҳолни онгсиз онглилик деб баҳолаш мумкин, холос. Айни пайтда тоталитар жамият тарихга турли ақидавий фикрларнинг ва изинларнинг юксак чўқи-сига қўтаришган бир давр сифатида кириши маълум бўлиб қолди.

Ҳа, бугун эса инсониятнинг идрок қилиш даражасига таъсир эта оладиган савиядаги онг керак. Бугунги жамиятимизда онгсиз одам ютқазади. Онгсизлик нима ўзи? Бу ўзингнинг, жамиятингнинг ва ўзинг мансуб бўлган замонингнинг ҳолидан бехабарликдир. Онгли одам ўзини ҳам, ўзгани ҳам саодатга етаклайди. Онгсиз одам эса бунинг акси. Кўп кишиларда идрок қилиш туйғуси йўқолиб кетган. Бирор муаммо туғилса шунинг ечимини топишга интилиш йўқ. Оддийгина нарсаларни ҳам тушунмасдан қимматли вақтни исроф қилиш ҳоллари учраб турибди.

Кези келганда айтишимиз лозим: бизнинг ижтимоий фанларимизда ҳамон эскича, ақидавий нормаларни тақдим қилиш давом этиб келмоқда. Мисол учун, шу онглилик масаласи ҳам ўша даражада мавхумлаштириб юбориленган. Оддий ва тушунарли таърифлар ўрнига ҳаводан олинган ёки ўзга дунёқараашлардан экспорт қилинган фикрларга асосан ёзилган тушунчалар тақдим қилинмоқда. Онглилик бу — инсоннинг ўз қадрига этиб яшашидир, дея оддий таъриф бериш мумкин-ку! Тоталитар жамият онглиликни хуш кўрмасди, чунки у заиф ҳақиқатларга асосан барпо этилганди. Биз барпо этаётган жамият эса аксинча, онгли муносабатлар асосига қурилади. Бизга муте ва ҳар хил қолиплар асосида яшайдиган мұхит эмас, балки идрок билан тараққиётта хизмат қиласидиган барқарор мұхит керак. Онглилик ижодий мұхитни яратади. Келгуси йилда таваллудига 680 йил тўладиган ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд (1318—1389) деган эканлар: «Фаолият бошлайдиганларнинг биринчи қадами бизнинг охирги қадамимиз бўлсин. Агар шундай бўлмаса биз буни кечирмаймиз». Бу фикрда Шарқона онглилик даражаси баён қилинган. Унга кўра, онгли одам нафақат бугунни, балки эртани ҳам кўра олади. Бугунни идрок қила олмаган одам эртани тасаввур ҳам қила олмайди. Онгли одамда лоқайдлик, ташаббуссизлик ва бепарволик бўлмайди. Онгли одам жамиятни турғунликка бошламайди. Шарқнинг машҳур бир донишманди деган экан: «Идрок қилмасанг, идрок қилувчиларга қўшилиб бошингни тебрат, токи саодатга интилаётган замонга тўғаноқ бўлмагин».

Шу ўринда таъкидлашни истардим: бизда одамларнинг фикрини, онгини ва тафаккур тарзини зўравонлик билан ўзгаришига йўл қўйилмайди. Бу инқилобчиликка хос усулдир. Бизда мулоқот ва муносабат усули билан, тушунишга ёрдам қилиш йўсими билан онглиликка эришилади. Дарҳол идрок қилиб ололмаган киши айбланмайди. Балки унинг тушуниб етиши учун имкон берилади. Айни пайтда бу имкон суиистеъмол қилин-маслиги керак.

Хозир бизда онгли равишда ҳаракат қиласиган ўрта бўғин авлод шаклланмоқда. Ислоҳотларни поёнига етказиш масъулияти уларнинг зиммасида. Айни пайтда бу авлоднинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун шароит яратиш лозим. Президент онглиликни инсоннинг ўз қадрига етиб яшаши ва бутун инсониятнинг глобал муаммоларини ечишда фидоий бўлишлиқ деб уқтиради. У онглилик деганда нафақат бугунни, балки эртани ҳам кўради. Унингча, «XXI аср маънавият асри, маърифат асри, илм-фан, маданият ва ахборот асри бўлади». Хўш, биз бунга тайёрмизми? Ҳар бир киши ўз-ўзига шундай савол бергандагина онглилик сари уйғониш ва уни тушуниш келиб чиқади.

Ҳа, ҳар бир ишда, ҳар бир қадамда онгли муносабат керак. Отдан тушилса-да, эгардан тушмай туришлидан воз кечилиши лозим. Барқарор жамият, тараққий этаётган жамият фақат онгли муносабатларга асосланади.

Учинчиси. Ҳар бир кишида шаклланган ва янги замон талабларига жавоб берадиган дунёқарашни шакллантиришига эришиш. Президент бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўяди: «Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг иккни қанотидир».

Демак бизнинг таъсис этаётган жамиятимизда дунёқараш масаласи муҳим ўрин тутади. Дунёқараш бу инсоннинг жамиятдаги ўз ўрни, воқелик ва ўз-ўзига бўлган муносабати ҳақидаги тасаввурлар тизимиdir. Ўзгача айтганда, дунёқараш бу — инсоннинг дунёни маънавий-амалий ўзлаштиришининг асосий усулидир.

Шу сабабли Президент дунёқараш шаклланган кишини «маърифатли инсон» деб атайди. Бунинг замирада жiddий бир гоя фарз бўлган. Унга кўра, дунёқарashi юксак бўлган одам замин ва замоннинг, Ватан ва инсониятнинг тақдири учун масъул шахсdir.

Президент таърифича, дунёқараш «ақлий заковат ва руҳий салоҳият» унсурларини бирлаштириш билан-

гина ҳосил қилинади. Диққат қилинса, Президент Шўро даври тоталитар жамиятида удум бўлган мафку-ралаштирилган дунёқараашни рад этади. Аксинча, бундан фарқли ўлароқ Шарқ ва инсоният тажрибаларини уйғун ҳолда ўзлаштирувчи дунёқарааш назариясини илгари суради. Бу янгича тафаккур тарзини шакллантиришнинг энг ўзак масаласидир. Маълумки, тоталитар жамиятда дунёқараашни мафкуралаштиришга зўр берилди. Оқибатда ҳамма қолипли қараашларнинг қулига айланди. Лекин, биз барпо этаётган жамиятда муайян дунёқараашни ёппасига тиқиширишга интилмаслик лозим.

Бизда дунёқараашлар ранг-баранглигига ва умуминсоний масалаларда уларнинг уйғунлигига эришишга асосланилади. Баъзилар дунёқараашнинг ранг-баранг бўлишидан чўчийдилар. Бу эскича фикрлашдир. Ваҳо-ланки, дунёқараашлар ранг-баранглиги жамиятни тургун ҳолатга тушиб қолишдан сақлайди.

Мустаҳкам тизимли дунёқарааш билан мафкуралаштирилган ақидаларни фарқлаш лозим бўлади. Эътиборли дунёқарааш ўзида инсониятнинг ўтмиш ва бугунги тажрибаларини уйғунлаштирса, мафкуралаштирилган ақидалар эса фақат муайян муҳитнинг эҳтиёжларига хизмат қиласи, холос. Шу маънода тизимли ва шаклланган дунёқарааш асосида барқарор ривожланиш ва инсон фаровонлигига йўналтирилган фалсафий тушунчалар ётади.

Бизнинг узоқ муддатли ўтмиш ва истиқлолдан кейинги қисқа даврдаги тажрибаларимиз кўрсатадики, мустаҳкам дунёқарааш дарҳол ҳосил қилинмайди. У тизимли равиша, инсоният тажрибаларини уйғун тарзда қабул қилиш ва ўзлаштириш натижасида юзага келади. Бунинг учун йўналтирувчи маънавий асосларни тақдим қила бориш лозим бўлади. Ҳозир биз икки тажрибани кузатиш имкониятига эгамиз. Биринчиси, асрлар мобайнида шарқда кечган дунёқарааш тизимини кузатиш. Бу билан ҳалқимиз табиати, орзулари ва руҳияти кашф қилинади. Иккинчи, бутун инсоният тажрибасида кечган дунёқарааш тизимини кузатиш. Бу билан жаҳон тараққийчилиги аҳволидан хабардор бўлинади. Демак, бизда тажрибаларнинг илғор жиҳатларини уйғун ҳолда ўзлаштириш ва ўрганиш имконияти мавжуд. Дунёқарааш масаласида айниқса қолипли изинлардан чекилиш лозим бўлади. Дунёқараашни шакллантиришда инсоннинг маънавий дунёсини ҳисобга олиш муҳимдир.

Заминдан узилган, ҳавои қарашларнинг тизими ҳеч кимга керак эмас.

Ҳаётнинг ўзи дунёқарашдаги сохталикларни ислоҳ қила боради. Айниқса соғлом жамиятнинг ўзи ноинсоний ҳаракатларга йўналтирилган дунёқарашни дарҳол рад этади. Бу инсоният тажрибаларида кўп кузатилган. Шу маънода бизнинг жамиятимизда гуманистик ғояларни бирламчи манба сифатида қабул қилувчи дунёқараш тизими шаклана бошлади. Бу ҳол бизнинг ҳозирги саъй-ҳаракатларимизда ҳам кўриниб турибди.

Буларнинг барчаси янгича тафаккур тарзини шаклантириш учун йўналтирувчи унсурлар бўлиб хизмат қиласиди. Бунда кишининг фикрлаш, онгли ҳаракати ва мустақил дунёқарашидан жамият тараққиётiga қараб борилади. Жонли шахслар жамият соғлом жамиятни ташкил қиласиди. Инсонда яратувчанлик ҳисси бўлгандағина тараққиёт юзага келади. Шу сабабли янгича тафаккур — тараққиётнинг эҳтиёжи сифатида қабул қилинмоқда.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, бизда инсоний маданиятга асосланган тафаккур тарзи шакллантирилиши зарур. Зеро, инсон камолоти ва фаровошлигига хизмат қиласидиган ҳар қандай фикрлар тизими на зардан четда қолмаслиги лозим. Лекин ўзга ижтимоий муҳитлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган турли моделларга ошуфта бўлиш билан иш битказиб бўлмайди. Ҳар бир ҳалқнинг ўз тажрибасида тараққиётнинг турли моделлари асрлар давомида шаклланган. Бизнинг ҳалқимиз ҳам бундан бебаҳра эмас. Унинг тафаккурий меросида бугунги муаммоларни ҳал этишда асқотадиган, тажрибада синалган ҳақиқатлар кўпdir. Фақатгина уни сезиш, ўрганиш ва ўзлаштириш лозим бўлади. Ҳалқимиз табиатан ҳушёр ва зийрак ҳалқ. Шу маънода унинг овозига қулоқ солиш тафаккур бобида турли ёқларга ўтлаб кетишдан сақлайди.

Биз истиқлолдан кейинги йиллар давомида анча ишларни амалга оширишга муваффақ бўла олдик. Ҳаётнинг ўзгариши билан кишиларнинг тафаккур тарзи, муаммоларга ёндашиши ва уларга муносабати ўзгара бошлади. Президентимиз жамиятни тўғри йўналтира олди. Ўзликни англаш, турли баразли мақсадларга йўналтирилган тушунчаларни рад этиш ва ғоялар ёмғирига дучор бўлишдан сақланиш борасида анча ишларни амалга ошира олди. Бироқ қилинадиган ишлар жуда кўп. Биз ҳам эркин ва озод яшашимиз учун дунё муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўша олишимиз лозим. Миллий та-

факкур бу — мутлақ янги тушунчаларни, қарашларни қабул қила олувчи фикрлар тизимиdir. Мутелик, хўжакўрсинглик ва лоқайдлик иллатларини рад этувчи турмуш тарзи миллий тафаккур тарзига замин ҳозирлайди.

Гап янгича тафаккур тарзи хусусида борар экан, бир ҳолатни қайд этиб ўтиш лозим. XX аср инсоният тарихида руҳий, ахбор муносабатлар асри бўлиб қолди. Айниқса аср ниҳоясига етган сайн бу муносабат фаоллашиб бормоқда. Албатта мазкур муносабатларда ижобий жиҳатлар устувор. Айни пайтда муайян муҳит ва ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ифодаловчи фикрларни экспорт қилишга уриниш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Айниқса бу ҳол янги мустақил давлатларнинг ҳудудларига олиб киришга уринилмоқда. Баъзан фикрий гегемонликка интилиш ҳолатлари сезилмоқда. Эндигина янги бир жамият қуришга киришган ҳалқларнинг ўтмиши бошқа мақсадларни кўзлаб тафтиш қилишга уринилмоқда. Дунё миқёсида бундай фикрий хаосларни тарқатишга мўлжалланган турли марказларнинг ишлаб турганлиги сир эмас. Матбуот воситалари орқали ва турли адабиётларни тарқатиш билан муайян фикрий гегемонликка интилишдек салбий ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бундан ташқари, муайян ҳалқларнинг тафаккурий тажрибаларини худди бугун ўzlари кашф этган ҳақиқатлар тарзida тақдим қилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Бугун бир гуруҳ зиёлиларимизнинг XX аср ғарб фалсафаси тамойилларини мутлақ ва янги тушунчалар сифатида тақдим қилишга мойиллиги бор. Шу асосда ўнта эски диссертациядан ўн биринчиси ҳам баъзида «яратилади». Бу тарихан шаклланмаган ўз тафаккур тарзидан бехабарликдир. Чунки XX аср тафаккур тарзи кўп ҳолларда ўтмиш, айниқса Шарқ тафаккур тарзининг тажрибаларини ўз тилида баён қилиш билан шугулланди. Бундай салбий ҳолатларнинг шаклланаётган янгича тафаккур тарзига бўладиган таъсири эҳтимолдан холи эмас. Бундан сақланишдаги энг таъсиран висита тафаккурда миллий ва умуминсоний тушунчаларга асосланишдадир. Фикрий маҳдудлик ҳам, фикрий лўттибозлик қилишлик ҳам ўзини оқламайди.

Жамиятда тараққий ҳолатнинг тадрижини таъминлаш учун берилган имкон ва мавқелардан ўринли фойдаланиш лозим бўлади. Ҳар бир кишининг фаолиятини умумманфаатларга йўнатиришга эришиш шарт. Лоақал инсон нима учун яшаётганлигини ва ўзгалар учун қандай манфаат келтираётганлигини ҳис қилмас экан, тарақ-

қиёт түгрисидаги тушунчалар ва ҳаракатлар **ғоялигича** қолиб кетаверади. Тажрибаларнинг илфор жиҳатларини ўзлаштириш инсоний кайфиятларни эътибордан соқит қиласликдан бошланади. Тоталитар тузумдан кўп ҳолатлар ва тушунчалар мерос қолган. Шулардан бири сиёсий маданият тушунчасини тўгри англай олмасликдир. Оддий инсоний ахлоқдан бошланувчи бу тушунча ҳам ўз вақтида ўша даражада мафкуралаштирилган эди. Бугун эса янгича бир шакл билан ўзлаштирилиши керак бўлади. Сиёсий маданият тушунчаси энди жамиятда фаол ҳаракатда бўлишни ифодалаши керак. Бунда ахборотлар жараёнини кузатиб бориш ва уни таҳлил қила олиш катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир дунёда ахборот алмашиниш тажрибаси оммавийлашиб бормоқда. Бизнинг жамиятга ҳам ахборотлар тўлқини кириб кела бошлади. Лекин ҳамма гап уни таҳлил қила олишга боғлиқдир. Шу маънода сиёсий маданиятга эга бўлиш фикрлашга, воқелик ва ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишликка ҳамда тизимли дунёқараш ҳосил қилишга бошлайди. Бу ҳар бир кишининг мақсадли ҳаракат қилиши учун замин ҳозирлайди.

Янгича тафаккур тарзи ўша сиёсийлашиш ёки мафкуралашидан холи бўлган тушунчадир. Унинг замарида жамият аъзоларининг ҳар бирининг манфаатлари ўз аксини топган бўлмоғи керак. У жонли турмуш тарзига, кишилар орасида жонли муносабатларнинг юзага келиши учун замин ҳозирлайди. Эски тоталитар тузумнинг ҳавойи ғояларини, қолилларини байроқ қилиб олишдан сақлайди. Ҳеч ким пайғамбарона қараш билан туғилмайди. Айни пайтда барча лоқайдлик ҳислари билан ҳам дунёга кўлмайди. Киши ўз устида ишласагина, муайян мақсадларга интилсагина, Аллоҳ баракат беради.

Бирорни дарҳол тафаккурли қилиб қўйиш мушкул. Шунингдек, бирорнинг тафаккурини шаклланishiiga кўмаклашиш ҳам осон иш эмас. Шу маънода манфаатлар муштараклигига эришиш зарурий бир ишдир. Ҳар бир киши ўзини жамиятнинг бир бўлаги, аъзоси ва шу билан бирга шахс сифатида ҳис қилгандагина, янгича тафаккур тарзини мавҳум тушуниш ёки уни суистеъмол қилишдан сақланади. Бу тушунча фақат жамият ва инсон манфаатларини қониқтирувчи эҳтиёжларга айлангандагина, у тез шаклланади ва яшовчаник касб этади. Бу тушунча фақат жамият ва инсон манфаатлариға хизмат қилсагина реалликка айланади. Шунда инсон бугун ва эртани бирбутунликда кўради.

Үтган ҳавойи тушунчалар таъсиридан тез қутула боради. Бу инсониятнинг тадрижий ривожидаги асосий омилларидан биридир.

Шундай қилиб, Президент томонидан илгари суррилган, жамиятда ўзига хос янгича тафаккур ғояларида жамиятда кечётган ислоҳотлар жараёнининг ҳар бир кишига манфаат келтириши тамойили фарз бўлган. «Ислоҳот инсон учун» мазмунидаги тамойил буни янада ойдинлаштиради. Бунинг учун албатта жамиятнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қиласидан, ҳар қандай маънавий ва сиёсий стереотиплардан бутунлай холи бўлган янгича тафаккур тарзи зарурдир.

Президент томонидан ишлаб чиқилган, кишиларнинг фикрлаши, онгли ҳаракати ва мустақил дунёқарашидан жамият тараққиёти сари бошлаб борадиган янгича тафаккур тарзини шакллантириш назариясини ўрганиш ҳозирги кун заруратидир.

«Халқ сўзи» рўзномаси,
1997 йил 8 декабрь

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ВА ТАРИХ

Макс Планк «Инсон ўз эътиқодини ўзгартирмайди, у билан бирга ўлади», деган фикрни билдирган эди. Айрим замондошларимиз фаолиятини кузатар экансиз, наҳот ана шу фикр рост бўлса, наҳотки инсон аён тарихий ҳақиқатлардан кўз юмиб бўлса-да, ўз фикр эътиқодини ўзгартиролмаса, деб ўйланиб қоласиз.

Яқинда Республика олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари ўртасида ўтказилган сўровда «тарихимизда собиқ совет даври ўрнини қандай баҳолайсиз?» деган саволга сўралганларнинг 10 фоизи «ижобий» дея жавоб қайтарган.

Инсон суюклари устига қурилган собиқ совет жамияти тарихидан бехабар кишилар ҳақида гап кетганда, бу ҳолни тушуниш мумкиннадир. Бироқ гап Октябрь тўнтариши орқали ҳокимият тепасига келган большевиклар диктатураси оқибатида нафакат авлодлар, балки тутал халқлар қатагон қилинганидан, очарчилик, жазо механизмларидан миллионлаб кишилар қирғинбаротга учратилганидан анча бохабар кишилар ҳақида бормоқда. Улар 70-йиллар охиirlаридағи сохта «фаровонлик» нигина хотирга келтираётгани аянчлидир. Хўш, бундай кўр-кўроналик сабаби нимада?

Файласуфлардан бири «Биз учун марҳумлар ҳақида ҳам, тириклар ҳақида ҳам фақат ҳақиқат муҳимдир» деган эди. Айримлар ўтмиш раҳбарлар ҳақида фақат ижобий гапларни гапирганда икки хил мулоҳазага борасан киши. Аввало, Шарқда марҳумлар ҳақида фақат яхши гаплар айтиш одат тусига кирган. Буни тушуниш мумкин. Бироқ, маълум шахс ҳақида яхши гапларни гапириб, унинг фаолиятидаги бошқа хусусиятлари ҳақида гапирмаслик, ҳақиқатдан кўз юмиш унинг ҳақиқий қиёфасини соҳталаштириш эмасми? Айниқса, ўз ижтимоий мавқеига кўра бутун бир миллатнинг узоқ йиллар давомида кечган ҳаётига бевосита даҳлдор бўлган шахслар тўғрисида сўз кетгандা.

Яқинда, 1959—1983 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмига, демак, республикага бошчилик қилган Шароф Рашидов таваллудига 80 йил тўлди.

Шу муносабат билан ўтган ҳафтада мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида бир қатор чиқишлиар қилинди. Жойларда қатор тадбирлар уюстирилди. Ва, табиий равишда, Шароф Рашидов номи ёдга олинди, истиқлол шарофати билан қайта тикланган удумларимизга кўра, тиловатлар қилинди, марҳумнинг руҳига дуолар айтилди. Буларнинг бари яхши, албатта. Аммо биз шу баҳона масаланинг бошқа бир томонига диққатни қаратмоқчимиз.

Ўтган ҳафтанинг бошларида «Известия» газетасида (4 ноябрь) «Социализм қашшоқликни кафолатлади» номли мақола эълон қилинди. Унда диққатимизни тортган ва ушбу мулоҳазаларни қоғозга туширишга туртки бўлган қуйидаги маълумотлар келтирилди. 1950—1991 йилларда «иттифоқдош республикалар»да ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўн тўртинчи ўринни эгаллаган экан. Биздан қуйида, яъни охирги ўринда Тоҷикистон. Ушбу ҳужжатли далиллар, бир томондан, ҳар биримизда собиқ совет тузумига нисбатан нафрат уйғотса, иккинчи томондан, кишида бир ҳаққоний савол уйготмай қолмайди.

«Ривожланган социализм» ва баъзилар бугун истеҳзо билан эслаётган «коммунизм» замонлари бўлмиш 70—80-йилларнинг бошларида йилига 5—6 миллион тонналаб пахта, ўнлаб тонна олтин, миллиардлаб куб метр газ, минглаб қоракўл, тонналаб пилла, уран ва бошқа қазилма бойликлар етиштирган республика наҳот шундай аҳволга тушган бўлса?

Хўш нега шундай бўлди? Жавоби қийин эмас. Чунки бу бойликларнинг барчаси Москвага дарёдай оқиб турган. Ё бўлмаса, ўша йилларда Газли, Бухоро, Муборак газ конлари ишга тушганлиги ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо айтайлик, Муборак газ кони жойлашган Қашқадарё вилояти сўз кетаётган йилларда атиги 4 фоизга газ билан таъминланганини эсламаймиз. Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятларида минглаб гектар ерлар ўзлаштирилганини қандайдир ютуқ сифатида таъкидлаймиз-у, аммо буларнинг бари Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини янада чукурлаштиришга, янги ўзлаштирилган ерларда етиштирилган пахтанинг ҳақиқатан ҳам оқ олтин — валюта сифатида Москва чўнтағига тушишига хизмат қилганини айтмаймиз. Янги ерларни ўзлаштириш кезлари оддий ўзбекни, унинг оғир меҳнатини эсламаймизми?

Кизилкум чўлида Навоий, Учқудук, Зарафшон каби шаҳарлар пайдо бўлгани рост ва бор гап. Мазкур шаҳарларнинг бунёд бўлиши тўғридан-тўғри шу ҳудудда очилган қимматбаҳо қазилма бойликлар билан боғлиқлигини ҳам ёдда тутиш лозим. Бошқача айтганда, агар ушбу «қазилма бойликлар» омили бўлмагандга эди, Москва ҳеч қачон чўл-у саҳрода бутун бир шаҳарларга асос солинишига изн бермасди. Бундан ташқари, бундай саноат шаҳарлари метрополиянинг азалий руслаштириш сиёсатига ҳам хизмат қилгани сир эмас. У ердаги корхоналарда миллий вакиллар учун эшик тақа-тақ берк бўлганичи? Зилзиладан сўнг Тошкентни тиклаш жараённада ва кейинги йилларда ҳам шаҳардаги янги уй-жойларга «интернационализм» элтувчиларнинг ўрнашиб олгани-чи? Йиллар давомида рус тилининг тарғиботи-чи?

Халқимизнинг яқин ўтмишда бошдан кечирган ушбу фожиавий савдоларини келтиришдан мақсадимиз уларнинг барида Шароф Рашидовни айблаш эмас, албатта. Биз асло бундай хулоса қилмоқчи эмасмиз. Бундай ёндашувга мутлақо қаршимиз. Бизнинг мақсадимиз бошқа. Яъни ўтмишимизнинг у ёки бу босқичига, бирор бир йирик шахсга баҳо бераётганда мавзунинг ҳамма томонини қамраб олган ҳолда фикр юритиш, таҳдил қилиш. Шахсга баҳо бераётганда у яшаган даврни назарда тутмоқ лозим ва аксинча. Шу маънода Шароф Рашидов ўз замонасининг кишиси эди. Ўша замон сиёсати, мафкурасига хизмат қилган. Аксинча ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки Москва, Сиёсий бюро учун унинг мақсадига тескари хизмат қиладиганлар керак

эмас эди. Бу борада озгина шубҳа туғилса, бундай кишилар у хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ оддий «совет» кишиси, дарҳол чораси кўрилар эди. Ф. Хўжаев, А. Икромов қисматларини эслайлик. Улар миллати учун қайгуриб айтган уч-тўрт оғиз сўзлари туфайли 1937 йили қатагон бўлганлари бугун ҳаммага маълум. Чунончи, А. Икромов, Ф. Хўжаевларни суд қилиш жараёнида уларнинг 1924 йил «Совет Туркистонининг чор Туркистонидан ҳеч бир фарқи йўқ-ку», деган сўзлари айбнома ўрнида ишлатилганини бугун яхши биламиз. Ўзбекистонга кейинги ўн йилларда раҳбарлик қилган миллый етакчиларнинг ўз халқини ҳимоя қилиш борасида журъатсизлик қилганларини, бир томондан, айнан 1937 йил «сабоқлари» орқали тушунтириш мумкин деб ўйлаймиз. Шунингдек, уларнинг барчаси коммунистик мафкура, «Совет иттифоқи», «миллатларнинг ягона оиласи» ғояларига онгли равишда ишонганликларини ҳам инкор қилиб бўлмайди, бунинг учун уларни бугун айблаб ҳам бўлмайди. Ҳудди шунингдек, Шароф Рашидов икки марта «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» узвонига, Ленин мукофотига сазовор бўлганида чин юракдан хурсанд бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки ушбу мукофотларни у ҳалоллаб, партия ва совет давлати олдидаги хизматлари учун олганди. Бизнинг мазкур сўзимизда ҳеч бир киноя йўқ. Ишонаверинг. Зеро, замон шундай эди. Давр қадриятлари, тартиблари шундай эди. Тузум ҳар бир фуқарога, жумладан, раҳбарга ҳам расмий ва давлат сиёсатидан келиб чиқиб баҳо берарди. Шу билан бирга яна бир баҳо меъёри борки, у олдингисига қараганда адолатлироқ, абадийроқдир. Сўз халқ, тарих берадиган баҳо тўғрисида. Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун Шароф Рашидов номи тилга олинганда ёзувчилар Шароф Рашидовнинг ёзувчиларга, умуман олганда, ижодга муносабати, ўқитувчи эса у кишининг мактабга муносабатини ёдга олиб, илиқ сўзлар айтади. Метро қурилиши, Халқлар дўстлиги саройи хотирга олинади. Аминмизки, агар кекса пахтакордан Шароф Рашидов ҳақида сўралса, ул зот номини у албатта яхши сўзлар билан тилга олади. У ҳеч қачон «олти миллион пахта етиштириб, читга зор бўлганмиз» демайди. Чунки унинг учун ҳам ўша замонлар воқелиги табиийлик касб этганди, шунга кўниккан эди, аниқроғи, кўниқтирилганди. Шундай бўлиши керак, ҳаёт шу-да, деган дунёқараши шаклланганди.

Аммо бутун-чи, бугун? Мустақилликка эришиб, эркин жамият қураётган бир шароитда, бундан бүёнги ривожимиз замон ва цивилизацияга мос дунёқарашни талаб қилаётган бир пайтда эски давр тафаккуридан воз кечиши палласи етилмадимикин? Хусусан, ўтмишга, ундағи йирик шахсларға баҳо беришда қотиб қолған ақидаларнинг (ё бутунлай қоралаш, ё осмонга олиб чиқиб қўйиш) умри ўтмадимикин? Агар биз бугунги кунимиз қадрига етиш, эртамизни салоҳиятли тасаввур қилишга бел боғлаган эканмиз, энг аввало, ўтмишга тўғри баҳо беришга ўрганмоғимиз зарур. Бунинг учун эса дунёқарашимиз ўзгармаётгани, хусусан, ўтмишга бераётган баҳоларимизда ҳам билинади. Зоро, дунёқараш сифати турли масалалар, муаммолар, тушунчалар, қадриятларга бўлган муносабатда билинади. Ўтмишга бир томонлама баҳо беришга қодир дунёқараш бугунга нисбатан ҳам шу «касали»дан қутула олмайди. Юқорида келтирилган сўров натижалари орқали фикр қылсак, совет даври яхши эди, деган ўн фоиз ҳеч қачон мустақилликнинг қадрига ета олмайди. Агар улардан, нега шундай хулоса қиласяпсиз, деб сўралса, чунки у пайтларда нон ўн тийин, автобус эса беш тийин эди, деб жавоб беришади. Агар улардан, Шароф Рашидов ҳақида фикрингиз қандай, деб сўрасангиз, албатта, ижобий жавоб оласиз. Лекин Шароф Рашидовни гўрдан олиб, гўрга тикқан, унинг муборак номини ва шу йўл билан ўзбек халқи шаънини булғаган ўша «ўн тийин ва беш тийинлик» тузум бўлган эди-ку, саволи кўндаланг қўйилса, «тўғри, шундай эди, аммо нон барибир ўн тийин бўлган эди-да» дейишлари ҳам аниқ.

Шу ерга келганда яна бир саволни ўртага ташла-моқчимиз, балки бу·саволларнинг энг асосийсидир. Яъни «Шароф Рашидовга меҳримиз шунчалар баланд бўлган экан, ул зотнинг хизматларини қадрлай биларканмиз, нега 1986 йили бу жафокаш инсоннинг ҳимоясига отланмадик?». Ушбу ҳаққоний саволга қандай жавоб бўлишини билиш қийин эмас: «Замон шундай эди, журъатсизлик қилдик, сотқинлик қилдик» ва ҳоказо. Бироқ ана шу замонасозликни, журъатсизликни, хиёнаткорликни шакллантирган ўша советча дунёқарашимиз эмасми?

Юқорида биз Шароф Рашидов тузумга садоқат билан хизмат қилгани борасида сўз айтдик. Лекин бу, у баҳоли қудрат ўз халқини ўйламаган эди, дегани эмас.

У, албатта, миллати түғрисида қайғурган. Ва бу борадаги ҳаракатларини амалга ошираётганда доимо Москва омилини сергаклик билан ёдда тутгани ҳам аниқ. Шунинг учун ҳам, бир томондан, миллий адабиёт, санъат, бунёдкорлик соҳаларида жонбозлик қилган ҳолда, иккинчи томондан, рус тили, рус ҳалқи, «катта оға»ни улуғлаган. Замона посанғисини жойига қўймоқчи бўлган. Аммо бу посанги охир-оқибатда, барибир, Москва фойдасига ишлашини англаб етолмаган. Ҳатто, англаб етган бўлса ҳам бирдан бир тўғри йўл шу, деб ўйлаган. Ана энди бир тасаввур қиласйлик. 1991 йил биз мустақилликка эришмадик. СССР, коммунистик мафкура сақланиб қолди. Хўш, бу ҳолда бугунги аҳволимиз қандай бўлар эди? Киши ҳатто тасаввур қилишни ҳам хоҳламайди. Даҳшат!

Биз бу билан нима демоқчимиз? Ҳар қандай жамият аҳволини пировардида, унинг дунёқараси, ўзига, замонасига, инчунин ўтмишига нисбатан баҳо бериш салоҳияти белгилаб беради. Миллий етакчилар, турли даражадаги раҳбарлар, ижодкорлар ва бошқалар ана шу дунёқарашлар, баҳолар, меъёрлар мужассамлашган макон ва фазо — жамиятда етилади. Шу маънода, мингдан бир имкондан ўз вақтида фойдалана билиб, бундан олти йил бурун истиқболга эришиб, ҳозирда улкан мақсадлар сари интилаётган, жамиятимиз олдида турган қатор асррий муаммоларни ечиш йўлларини ўйлаётган эканмиз, бир тарихий ҳақиқатни англамоғимиз лозим. У ҳам бўлса, мақсадларга етишиш, муаммоларни бартараф қилиш дунёқараш омили орқали амалга ошади. Бу тараққиёт талаби, замон эҳтиёжи. Шу йўлда Шароф Рашидов «омили» орқали биз ўз камчиликларимиз ва ютуқларимизни кўра олсак, улардан тўғри хulosса чиқара олсак ва ҳаракатларимиз хоҳишларимизга мос равишда мева берса, аминмизки, ул зот руҳи ҳам шод бўлғай.

«Ҳуррият» рўзномаси,
1997 йил, декабрь.

ДЕМОКРАТИЯ – УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУАСИ

XX аср инсоният тарихида жуда катта ҳодисаларни келтириб чиқаргани билан атоҳида ўрин эгалламоқда. XX аср жаҳон сиёсатида янги даврни — юксак маъна-

виятга таянган, ақл-идрокка суюнган, энг чигал муаммolarни ҳал этишда ҳам тафаккур күч-кұдратини күрсатиш даврини бошлаб бермоқда.

Тарих нұқтаи назаридан қараганда, куни кечә мустақиллікка әришган Ўзбекистон икки аср оралиғида серташвиш ва муаммолар қуршовида қолған эски дунёға янгича тафаккур, воқеа-ходисаларга янгича ёндашиш, аниқроқ қилиб айтганда, шарқона донишмандлик ва шарқона муносабатлар устуныligини күрсатиб, ўзлиги ни намоён этмоқда.

Дарxaқиқat, тарихан ниҳоятда қисқa даврda — олти йил муддатда Ўзбекистон жaқoн ҳамжамиятида ўз ўрни va ўз нуғузигa эга бўлди. Дунё муаммоларини ҳal этишда «Ўзбек модели» вужудга келди.

Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислом Каримов эски дунёning янгидан-янги муаммоларини бутунлай янги назар билан ўрганди. Унинг ўзи шахс сифатида жaқoн сиёсий майдонида мутлақ янги ҳодиса бўлгани учун ҳam дунё можароларини янгича тафаккур билан идрок қилиш, уни янгича тушуниш, бутунлай янги йўналишларга буриб юбориш йўлини тутди. Худди шундай ёндашув Президент Ислом Каримовнинг жaқoн сиёсатидаги ўзига хос йўлини, ўзбек миллий давлатчилигининг нодир хусусиятларини, қолаверса, дунёвий муаммоларни ҳal этишда ва инсоният тақдирини белгилашда ўзбек моделининг тобора шаклланиб бораётганини күрсатади.

Демократия — сиёсий ва ҳуқуқий ҳодисагина эмас, айни пайтда у юксак маънавият, бой маданият, шахс камолоти билан боғлиқ бўлган, ҳар бир фуқaro маънавий-ахлоқий ва руҳий ҳолатини белгилайдиган олий қадрият. Президент И. Каримов ўзининг «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида демократик жараёнларни чуқурлаштириш хусусида гапирап экан, демократия эркинликларини, жамият маънавий қиёфасини ва шахс озодлигини ана шундай яхлит ҳолда, бир бутун жонли организм шаклида тасаввur этади.

Иккинчидан, демократияни чуқурлаштириш омилларидан бирига алоҳида тўхталади ва ўз фикрини аниқ, лўнда қилиб партиялар сони демократия кўламини, миқёсини, даражасини ва қадриятларини белгилай олмаслигини күрсатиб беради. Турли ижтимоий гурухлар манфаатини ҳимоя қила оладиган турли партиялар ва бошқa жамоат ташкилотлари ўз фаолият доирасидагина

ўз аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ умумий манфаат — ҳалқ, жамият, мамлакат манфаати сингари энг олий ва энг қимматли эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партияларнинг умумий йифиндисидан, турли ва хилма-хил қарапшларнинг уйғунлигидан келиб чиқади. То ана шунга эришилмас экан, демократия шунчаки русумга айланыб қолаверади. Ана шундай нуқтаи назардан, «Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриқлари, ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йифиндиси ва жамланиши орқали табиий йўл билан белгиланмои керак. Сиёсий партиялар мавжуд булишининг асосии ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий мөърини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим», — дейди Президент И. Каримов ўз асарида.

Учинчидан, мухолифат ҳақида. Муаллиф тасаввурда мухолифатнинг мавжудлиги демократик жамият учун зарурий ҳодиса ва нормал ҳолатдир. Бироқ бу шахсий манфаатлар заминидан униб чиқсан, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу қилинган амалларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози, нолинчоқ шахсларидан иборат бўлган аламзадалар «армия»си эмас, аксинча, ташкилий жиҳатдан расмийлашган, ҳукуқий мақомга эга бўлган, Конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-ҳаракати билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъул бўлган юксак дарражадаги сиёсий маданият кўригидир.

Ҳақиқий мухолифат том маънода давлат ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган, ҳукумат фаолиятининг такомиллашишига кўмаклашадиган, конструктив, иммий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган, ҳаётий жиҳатдан ҳалқ томонидан маъқулланган хulosалар билан яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Тўртингчидан, жамоатчилик фикрининг қай даражадалигини билиш, уни шакллантириш ва такомиллаштириш, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш зарур. Айниқса, ўтиш даврида, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда турли тоифа, савия ва дунё-қарапшга эга бўлган ҳалқ фикрини бир нуқтага жамлаш, уни асосий йўналишга буриб туриш ислоҳотлар тақдирини ҳал қиласидиган энг муҳим омиллардан бири-

дир. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаш, уни «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш зарурдир.

Демократияга ҳаддан ташқари ружу қўйиш, унга ортиқча эрк бериш жамиятни анархияга олиб келади. Демократик анархиянинг олдини олиш учун кучли давлат керак. Бунинг учун эса ҳокимиятнинг барча тармоқларини кучайтириш лозим. Чунончи, кучли ижро ҳокимияти, кучли суд ҳокимияти ва кучли қонунчилик ҳокимиятини йўлга қўйиш керак.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Аҳоли дунё-қарашини, унинг маънавий-руҳий эҳтиёжларини ҳамда жамият сиёсий қатлами имкониятларини ҳисобга олмасдан, демократияни зўрлаб жорий этиш демократик диктатурага олиб келади. Табиийки, демократик диктатура, демократик тоталитаризм демократик тамоийларнинг умуминсоний қадриятларга дахлдор бўлган мезонлари мазмунини пасайтиради. Унга монелик қиласди.

Агар сиёsat ҳақиқий халқчиллик, барқарорлик, миллий қадриятларга дахлдорлик касб этса, ўз-ўзидан табиий равишда демократик шакл ва мазмунга эга бўлади. Бундай сиёsat халқ тақдирини, турмуши ва келажагини кафолатлаган, унинг яшаш эрки ва бутун озодлигини таъминлаган бўлади. Зотан, унинг замирида соғ умуминсоний қадриятлар ва шахс баркамол турмуш тарзининг тўла кафолати мавжуддир.

Таниқли давлат ва сиёsat арбоби Черчель демократияни ҳокимият бошқарувининг энг яроқсиз шакли, лекин инсоният ҳозирча унинг мақбулроқ шаклини топа олганича йўқ, деб айтган эди.

Сиёsatшуносларнинг айримлари буни парадокс сифатида тушунишади. Бироқ, демократиянинг бундай черчелча талқинининг ҳам мантифи бор.

Аслида эса демократиядан келиб чиқадиган таҳдид, Президент Ислом Каримовнинг фикрича, XXI асрда демократия қандай шаклда бўлади? У XXI асрда яшайдими ёки умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб, унга сингиб кетадими? — деган саволларга жавоб излаганда аниқроқ кўзга ташланади.

Халқимизда «Қарс икки кўлдан чиқади», деган нақл бор. Ёки одатда икки ва ундан кўп гоялар мавжуд жойдагина ўзаро кураш, фикрлар хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги юз беради. Дейлик, ер юзидан социализмнинг емирилиши билан капитализм ўз қийма-

тини йўқотди. У умрини ўтаб бўлган, эски мафкурага айланиб қолди. Икки қарама-қарши томоннинг бири йўқолса, иккинчи томон ўз моҳиятини йўқотиши табиий ҳодиса. Ана шу мантиқдан келиб чиқиб ҳам айтиш мумкинки, ҳозир ҳеч қандай «изм»ларнинг қиймати қолмади.

Хўш, тоталитаризм ҳам, диктатура ҳам бутунлай барбод этилгач, инсон озодлиги ва яшаш эрки тўла таъмин этилгач, қонунлар билан кафолатланган демократияга эҳтиёж қоладими? Демократия бундай шароитда одамларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам қон-қонига сингиб кетган бўлади-ку? Ана шу хulosалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, демократия — бу умуминсоний қадриятлар тантанасининг остонасиdir!

Агар японлардан «Нимага сизларда демократия ҳақида мунозаралар йўқ! деб сўрасангиз, улар «Биз нормал яшаяпмиз. Бу демократия эмасми?», — дейишади. Чунки улар учун демократия кундалик ҳаётнинг оддий хусусиятига айланиб қолган.

АҚШда эса демократия миллий, анъанавий рамзга айланган. Бу ҳақдаги мунозалар тор илмий доиралардагина дунёning бошқа минтақалари билан қиёсий тарзда ўрганилади, холос.

Шундай ҳаётий ҳақиқат борки, фақат тоза ҳавога муҳтоҷ одамгина тоза ҳаво етишмаслигини муаммо қилиб кўтаради. Оламга жар солади. Ўзига ўхшаган одамлар орасидагина мунозаралар, асабий тортишувлар авж олади. Унга етишгач, кишини ҳайратга соловчи осойишталиқ пайдо бўлади ва у кундалик турмушнинг оддий ҳолатига айланиб қолади.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзи ҳамма вақт янгиликнинг йўлини тўсади, унга гов бўлади. Президент Ислом Каримов «Эски сарқитлардан жудо бўлиш дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани куриладиган курашлар билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда», — дейди. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ана шундай мураккаб, зиддиятли курашлари орқали янги асрга қадам қўймоқда. Бу курашлар қанчалик қийин бўлмасин, эскича тафаккурни син дириш, янгиликни қабул қилиш қанчалик машақкатли бўлмасин, айни пайтда у миллионлаб кишиларни ўзига эргаштириб, қелажакка қатъий ишонч билан қарашга унダメоқда.

*Жамиятни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтказиш-
дек туб истоҳотлар ҳеч қаҷон осон кечмаган. Ана шун-
дай тарихий жараёйларда Ўзбекистонда демократик жа-
раёйларни чуқурлаштириш ва жаҳон тажрибасини бойи-
тища янги «Ўзбек модели» вужудга келмоқда. Мазкур
асарнинг қадрияти ана шу билан ўлчанади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузу-
рилаги Давлат ва жамият қурилиши академия-
сида бўлиб ўтган Президент И. Каримовнинг
«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка
таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт ка-
фологлари» асарининг тақдимот маросимида
жилган маъруза, 1997 йил.*

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ҲАРАКАТДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти юксалиб, унинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Бу эса, давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва анъаналари ҳисобга олинган ҳолда танланган ва бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган Ўзбекистон ривожланиш моделининг нақадар тўғри ва бехато эканлигининг далолатидир.

Бугунги кунда халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва маданияти, замонавий технология, фан ва техника ютуқлари асосида мутахассис кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш мамлакат ривожланишининг муҳим шарти эканлиги кўпчиликка аён бўлиб қолди.

Келажакда шундай тизимни яратиш керакки, мазкур тизим энг аввало ўз касбини севадиган, профессионал назарий, фундаментал билимларни пухта эгаллаган ҳозирги замон мутахассисларининг янги бўғинини шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундай мутахассислар назарий билимини амалда қўллай оладиган, ўз билимини узлуксиз равишда замон талабига мос равишда тўлдириб боришга қодир, юксак маданиятли, ватанпарвар, умуминсоний хислатларга эга бўлиши шарт. Тўғри, мустақиллик йилларида мамлакати-мизда таълим тизимини ривожлантириш ва юксалтириш борасида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, кадрлар тайёрлаш жараёнидаги ижобий ўзгаришлар асосан жорий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, шахс, давлат ва жамият эҳтиёжи билан жорий профессионал тайёрлаш тизими ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қодир эмасди.

Яқин ўтмишдан мерос қолган таълим тизими, шунингдек кадрлар тайёрлаш тизими республикада амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисодиётига оид ўзгаришлар талабига жавоб бермасди.

Бу соҳада ҳам тараққий этган мамлакатлар даражасидан хийла орқадамиз.

Ривожланган демократик давлатларнинг кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳотлаштириш тажрибасини таҳлил қилиш натижасида таълим соҳасидаги ижобий ўзгаришлар асосан жорий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, шахс давлат ва жамият эҳтиёжи билан жорий профессионал тайёрлаш тизими ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қодир эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Жамиятимизда юз берётган туб ўзгаришлар туфайли тайёрланаётган мутахассис кадрлар сифатига бўлган талаблар ортиб бораётган айни пайтда яқин ўтмишдан мерос қолган таълим тизими, шунингдек мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими республикада амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисодиётига оид ўзгаришлар талабига жавоб бермаётганлиги табиий ҳолдир. Кадрларни тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг муҳим иштирокчилари бўлмиш шахс, давлат ва жамият институтлари, ишлаб чиқариш, фан зътибордан четда қолиб кетган. Бундан ташқари бу борада ўтказилаётган ислоҳотлар давлат томонидан ташкил этилмаган ва кафолатланмаган, айниқса уларнинг илмий асосланмаганлиги, қолаверса барча жабҳаларни қамраб олмаганлиги ҳам фоятда ачинарлидир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳияти ва ўзига хослиги унинг тузилмавий бирбутунлигидайдир. Қуйидагилар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг таркибий қисмига киритилган:

шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий обьекти ва субъекти, таълим хизматининг бажарувчиси ва унинг истеъмолчиси;

давлат ва жамият — кадрлар тайёрлаш ва талаб қилиш кафолатчилари, таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш фаолиятини йўлга солувчи ва назорат қилувчи;

узлуксиз таълим — юқори малакали, рақобатга бардошли кадрлар тайёрлаш асоси, таълимнинг барча турларини, давлат таълими стандартларининг тизимлари ва фаолият муҳитини ўз ичига қамраб олади;

фан — юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва истеъмолчи илғор педагогик ва информацион технологияларни ишлаб чиқарувчи;

ишлаб чиқариш — асосий буюртмачи, кадрларга бўлган эҳтиёж, уларни тайёрлаш сифати ва савиясига

баҳо бериб, белгиловчи ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техника ва молиявий таъминотида иштирок этувчи.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими ва узлуксиз таълим фаолиятини ҳаммага мансублигини ва ўзгарувчанлигини таъминлайди. Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, таълим соҳасидаги халқаро битим ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида ривожланган давлатларнинг илфор тажрибаларидан фойдаланиш Республика ривожининг омилларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий модели»нинг бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий этилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ўзгаришларнинг меъёрий-хукуқий асоси бўлиб, таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, мақсад ва вазифаларини, шунингдек истиқболларини аниқ белгилаб беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳар бир қисми ўзига хос мавқега эга. Айниқса узлуксиз таълим тизими алоҳида ўрин тутади. Ундаги туб ўзгаришлар қуидагича:

— тўқиз йиллик ўрта умумтаълим, янги, мустақил бўлган ўрта махсус таълим, икки погонали олий таълим, таълим берувчи ва мутахассисларни тайёрловчи дастурларнинг жорий этилиши;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим жараённида иштирок этувчилар фаолиятини шакллантириш, ўзаро муносабатларни белгиловчи замонавий меъёрий базани яратиш, илфор фан ва техника, технология талабларига жавоб берадиган узлуксиз таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш механизмини ташкил қилиш;

— таълим муассасаларини юқори малакали педагогик ва инженер-педагогик кадрлар билан таъминлаш, фан, маданият ва санъат арбобларини, амалиётчи мутахассисларни жалб этиш, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш ишларини (жумладан «Устоз фонди» орқали) олиб бориш;

— таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш; мунтазам фаолият кўрсатувчи тизимни жорий этиш; таълим дастурлари стандартларини ишлаб чиқарувчи институтларни ташкил қилиш;

— давлат, жамият, оила олдида ўз масъулиятини ҳис қиласидиган, таълим дастурларини онгли равища

ўзлаштирадиган, жамият ҳаётида ўз ўрнини топа оладиган, умумий ва юқори малакали маданиятга эга бўлган шахсларни шакллантириш учун ташкилий, услубий, психологик-педагогик шарт-шароитлар яратиш.

Миллий дастурнинг жорий қилиниши натижасида юқори малакали, рақобатга бардошли кадрлар тайёрлаш тизимининг ташкил этилиши шубҳасиздир. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжини қондирадиган, тараққиётини таъминлашга дунё ҳамjamиятида республиканинг сиёсий ва иқтисодий ролини мустаҳкамлашга қодир кадрлар потенциалининг пайдо бўлишига олиб келади.

Халқаро ташкилот ва эксперталари томонидан эътироф этилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури шу кунларда йирик миқёсдаги ўзаро ҳамкорликка, шунингдек чет эл инвестицияларининг Ўзбекистонга оқиб келишига сабаб бўлаётганлиги эзгу ният билан бошланган ишнинг илк натижаларидан биридир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам унинг амалда жорий этилишини таъминлашга кенг уфқулар очиб беради.

Бугунги кунда истиқдолни мустаҳкамлаш талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган, фан ва маданиятнинг халқаро андозаларига муносиб, айни пайтда юрт ва миллат учун фидойи мутахассис кадрлар тизимиши шакллантириш ва камол топтириш вазифаси ҳар биримизга жуда кескин масъулият юклайди.

Зеро истиқболимизнинг нурафшонлиги ана шу камол топаётган ёш авлодга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Олдимизда турган юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда бутун куч-ғайратимизни, билим ва имкониятларимизни мана шу ишга сафарбар этмоғимиз лозимдир. Улуғвор ишнинг масъулияти биздан шуни талаб қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқилган маъруза.

1997 йил, сентябрь.

ХУЛОСА

Президент И. А. Каримов томонидан мустақил давлат тизимини тубдан ўзгартиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Булар қўйидагилар:

1. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг конституцион асосларини амалга ошириш, уларнинг қонуний базаси ва институтларини вужудга келтириш;
2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг таъсирчан механизмини яратиш;
3. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, жамият ҳаётининг бу муҳим соҳасини давр талашибига мос келадиган босқичга қўтариш.

Бу бошқарувни демократлаштиришнинг барча погоналаридаги алоқаларни кучайтиришни, давлатнинг фуқаролик жамиятига нисбатан муҳтор, мустақил мавқеини бартараф этишни билдиради.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда республикада мажбурлаш ва зўрликка асосланган ҳокимиятни амалга оширишдан ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳокимиятни амалга оширишга ўтилмоқда. Бу нимани билдиради? Фақат давлатнинг фуқаролик жамияти эҳтиёжларига мумкин қадар кўпроқ яқинлашувигина, фақат иложи борича демократияни кучайтиришгина сиёсий тартибга солишининг кенг ижтимоий асоси билан, ихтиёрийлик ва профессионализм билан уйғунликда Ўзбекистоннинг ҳозирги сиёсий тизимини узоқ муддатга барқарорлаштира олади.

Пировардида ҳамма нарса сиёсий тизимнинг, ҳокимиятни амалга оширишнинг субъекти ва обьекти бўлган инсонга боғлиқ.

Ҳар бир ўзбекистонлик манфаатларини кўзлаган мамлакатимиз сиёсий тузуми келажаги чинакам буюк бўлган давлат ва жамият талабларига мос келади. Биз мустабидлик замонида шаклланиб қолган тафаккур тарзи таъсирида давлатни, бутун мажбурлаш ва тазийиқ ўтказиш механизmlари билан бирга, бизни бир қолипга

солиб қўядиган, турли кодексларнинг — ахлоқ, жиноят кодекслари ва стандартлар остида бараварлаштириб қўйган аллақандай баҳайбат ҳайкал сифатида тасаввур этишга одатланиб қолганимиз. Ҳокимият атамасининг ўзи ҳануз зўрлик, мажбурлаш аппарати деб тушунилиб келинмоқда. Ўлаймизки, ҳатто шаклланиб бораётган ҳокимият тузилмалари билан фуқаролик жамияти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишни тушунишда мажбурлаш ҳолларига йўл қўйилиши, бир томондан, ижтимоий назариянинг ўзини обрўсизлантириб юборади, унда соҳта кўрсатмалар ва нотўғри шарҳлар берилишига сабаб бўлади ва булар пировардила нотўғри назарий хуносаларга олиб келади. Йккинчи томондан, фуқаролик жамиятининг амалда шаклланиш жараёнининг ўзини бир чеккага суриб қўяли.

Шунинг учун, яна бир бор таъкидлаймизки, ҳокимиятнинг моҳиятини амалий жиҳатдан ҳам, концептуал жиҳатдан ҳам муайян умумий мақсадни амалга ошириш йўлида жамиятнинг барча компонетларининг (таркибий қисмларининг) биргаликда фаолият кўрсатшидир деб тушуниш биз учун ғоят зарур ва муҳимдир. Бу ўринда Ўзбекистон истиқтолини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, минтақада ҳам, бутун дунёда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлаш, республикада яшовчи барча ҳалқларнинг фарованиелиги, маънавий тикланиши ва равнақ топишига эришиш мақсадлари на зарда тутилмоқда.

Бу мақсадларни амалга ошираётган ҳокимиятнинг моҳиятини бундай тушуниш фуқаролик жамияти моҳиятига зид келмайди. Айнан шу фуқаролик жамияти давлатда барқарорликни таъминлашга қодирдир. Чунки унда устуворлик шахслар ўртасида вертикал алоқаларга эмас, балки горизонтал алоқаларга берилади. Хўш, бунинг маъноси нима?

Фуқаролик жамияти муайян ижтимоий макон ва кишилар ўртасидаги мустақил институционал муносабатлар тизими тарзида бўлиб, инсоннинг мустақиллигини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишга даъват этилган. Шу сабабли кишилар ўртасидаги соғлом алоқалар турли ҳаракатлар, уюшмалар, муассасалар билан биргаликда, энг аввало, конкрет ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишни ифодалайди. Ўзбекистон Республикасида шундай ижтимоий ўзаро алоқаларни қонуний асосда таъминлаш йўлида қатъий қадам қўйилганлиги қувончли ҳолдир. Биз фуқаролик жамиятининг аҳамия-

тини алоҳида кўрсатсак-да, лекин уни давлат фаолиятидан ажратмаймиз. Давлат қанча кучли бўлса, фуқаролик жамияти шунча мустаҳкам бўлади. Ушбу қоида алоҳида исбот талаб қилмайди. Бу гап сиёсат соҳасига ҳам таалтуқлидир. Давлат сиёсатида алоҳида ўринга қўйилган конкрет шахс манфаатлари фақат сиёсий тузумнинг ўзини қонуний деб эътироф этишини таъминлабгина қолмай, балки келажаги буюк бўлган адолатли, демократик фуқаролик жамияти вужудга келиши учун мустаҳкам асос ва шарт-шароит яратади. 1997 йилнинг инсон манфаатлари йили деб эълон қилинishi, бу манфаатлар амалга оширилишининг ўзи жамиятимиздаги барча манфаатлар тизимини уйғунлаштириш учун асос бўлиб хизмат этмоғи керак:

Президент И. Каримов мустақил давлат сиёсий тизимини қуидагича белгилайди:

1. Келажаги буюк мустақил давлат қуриш гояси Ўзбекистон сиёсий тузумини белгиловчи бош омилдир, бундай давлатда барча фуқаролик ҳукуқлари ва шахс эркинлиги, тинчлик ва фаровонлик уйғун тарзда камол топиши имконияти таъминланиши шарт;

2. Бундай давлат тараққиётининг асосий йўналиши, мақсади конкрет Инсон, унинг эҳтиёjlари ва манфаатлари, унинг фаолияти ва ҳёти, психологияси, урфодатлари, маънавий дунёси бўлиши керак;

3. Ўзбекистонда сиёсий тизимнинг амал қилишини конкрет фуқароларнинг сиёсий фаолияти белгиламоғи лозим. Фуқаро сиёсий тизим, давлат учун яшамайди, балки бу тизимлар инсонга хизмат қилиши, инсон учун яшashi керак. Faқat шундай сиёсий тизимгина қонуний, деб тан олинади, фақат шундай давлаттина чинакам мустаҳкамлар;

4. Сиёсий тизимнинг ривожланиш ва амал қилиш мақсадларини бундай тушуниш таркиб топаётган ҳаётний зарур муносабатларни англашда янгича ёндошиш имконини беради. Бундай муносабатлар республикадаги барча конструктив кучларнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва фуқаролар тутувлигини таъминлаш йўлида ҳамжиҳатликда ишлашидан бошқача тасаввур этилмаслиги керак;

5. Бу вазифани амалга оширмоқ учун ҳокимиятнинг барча шохобчалари ва поғоналари бундан буён ҳам сиёсий, иқтисодий исплоҳотларнинг барча дастурларини изчилилк билан, босқичма-босқич, оғишмай амалга ошира оладиган даражада кучли бўлмоқлари лозим;

6. Ўзбекистон сиёсий тизимини демократлаштириш барча конструктив сиёсий кучларнинг кучли давлат ҳоқимияти тизими билан ўзаро ҳамкорликда самарали иш олиб боришини тақозо этади. Бу давлатнинг яхлитлигини, барқарор амал қилиб туришини таъминлайди. Инсонларнинг, қайси миллат, дин, ирққа мансубликларидан қатъи назар, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглигини баҳолашнинг яккаю-ягона мезони вазифасини фақат Қонун бажариши керак.

Қонун барча ижтимоий муносабатларнинг норма ва принципларини белгиловчи асосий омилдир. Шу туфайли жамиятда рўй берадиган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг боришини фақат Қонун белгилаши мумкин. Қонун устуворлигини таъминлаш, унинг таъсирчан амалда тадбиқ этиш механизмини мустаҳкамлаш фақат ҳуқуқшуносларнинггина эмас, балки барча Ўзбекистон фуқароларининг муқаддас бурчидир. Давлатимиз томонидан эълон этилган улкан мақсадлар — демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти яратишни, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларини қонун устуворлигигина таъминлашга қолирдир. Профессионал жиҳатдан бу механизми яратиш, мустаҳкамлаш — олдимизда турган муҳим вазифалардан энг асосийси. Сир эмас, кўп ҳолларда қабул қилинган қонунлардаги ноаниқ моддалар, уларнинг баёний, шиорий хусусияти, мавҳумлиги ҳаётда қонунларни ҳар хил талқин этишга олиб келмоқда. Шу туфайли қабул қилинган қонунларнинг 30 фоизига аниқликлар, қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. (Шу билан бирга, қонунларга ўзгартиришлар киритиш, фикримча, тўғри тушунилиши лозим. Инсон манфаатлари, эҳтиёжлари доимий равишда ўзгариб, ривожланиб боради. Уларни абадий қонунларда акс эттириш — хомхаёл. Инсон манфаатлари, ва Қонунчилик ўртасида мавжуд бўлиши мумкин номутаносибликни бартараф қилиш қонунларга ўзгартиришлар киритишнинг асосий мақсади бўлиши керак). Баъзи ҳолларда қонун яратиш жараёнида бошқа давлатдарнинг қонунлари сал номлари ўзгартирилиб, лойиҳа сифатида тақдим этилишини ҳам кўришимиз мумкин. Мен ўйтайманки, бундай усуlda қонунлар «яратиш» самарасиз иш. Қонун ҳуқуқий нормалар, ахлоқий принциплар ва умуминсоний қадриятларни ифодалаши билан эмас, балки улар асосида ўз ҳақиқийлигини, ҳуқуқийлигини намоён этиши билан мазмунан ва шаклан яхлит бир ҳодисага, феноменга айланиши керак.

Яна бир мұхым масала, бу — бириңчидан, халқи-мизнинг қонунга бўлган талаби, эҳтиёжи; иккинчидан, қонунларнинг фуқаролар онгига етиб боришидир. Президентимиз шу йил июн ойида бўлиб ўтган кенгашда бу масалаларга алоҳида эътиборни қаратди. Ҳа, афсуски, ҳозирча, бъязи социологик сўровлар натижаларига кўра, аҳолининг 80 фоизи қабул қилинган қонунларни юзаки билади ёки умуман билмайди, бу қонунларнинг кўпич ҳалигача бевосита ижро чиларга етиб бормаяпти, 40 фоизи ҳокимиятнинг қўйи ва ўрта бўғинларида но-тўғри қўлланилаяпти ва 30 фоизи умуман амалга оширилмаяпти. Аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини ошириш, қонунга, ким бўлишидан қатъи назар, риоя қилиш, бу — ҳозирги кунда, Президентимиз таъкидлаганидек, асосий дастурий вазифаларимиздан бири бўлиши ҳам табиий. Чунки бир қўл билан қонуни ижод қилиш, иккинчиси билан эса, уни бузиш — мустақиллигимиз олдида пайдо бўлиши мумкин бўлган асосий таҳдидлардан биридир.

Фикримча, қонунчилик сиёсати, бу — қонун устуворлигига, Инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига, ҳар хил сиёсий кучлар ва ижтимоий гурӯҳларнинг муносабатлари мувозанатига, энг асосийси, Ўзбекистон миллий манфаатларига асосланган сиёсатидир.

Ўтган олти йил ичидаги Ўзбекистонда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш борасида мұхим на-тижаларга эришилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлари тарихга иқтисодий соҳада очилган кенг имкониятлар босқичларигина эмас, балки республика фуқаролари шууридаги эскича тафаккур тарзини, эски психологияни изчил равишда бартараф этиш босқичлари ҳам бўлиб киради. Ислоҳотларнинг навбатдаги поғонасида сиёсий ҳаётни демократлаштириш энг долзарб вазифага айланиши табиий. Олий Мажлиснинг VI сессиясида таъкидланганидек, сиёсий тизимни ислоҳ қилмай туриб иқтисодиётни олға қараб ривожлантириш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, муаммоларни ечишнинг объектив заруратини вужудга келтиради.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, «биз фуқаролик жамияти куришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана боргани сари бошқа рувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқа топшириш, яъни ўз-ўзини бошқариш ва ҳоказоларни талаб қиласиди». Шу туфайли сиёсий тизим мазкур ресурс

имкониятларига эга бўлган ва улардан фойдаланган, уларни ўз мақсадларини кўзлаб такомиллаштириб борган тақдирдагина бундан бўён ҳам изчилик билан фаолият кўрсата олади. Бунда инсон потенциалининг ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларидан, Ўзбекистоннинг жамики бой табиий, моддий ресурсларидан оқилона, омилкорлик билан фойдаланиш устувор аҳамиятга эгадир. Уларнинг ишга солиниши маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг кўпқиррали тизимини қўллаш, фуқаролик жамияти аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, бурчни ҳис этишлари ва ватанпарварликларига эътиборни қаратиш билан таъминланади. Бу имкониятдан қанчалик самарали ва кенг фойдаланилса, Ўзбекистоннинг мавжуд сиёсий тизимининг шаклланиб бораётган фуқаролик жамиятига боғлиқлиги шунча кучли бўлади, ҳар қандай тоталитар ҳукм ва ўзбошимчаликнинг олдини олувчи кафолатлар шунча кўп бўлади.

Айни вақтда сиёсий тизимнинг тартибга солувчи имкониятлари кенгайиб бормоқда. Бу тизим ўзининг индивидлар ва гуруҳларни бошқариш, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, мувофиқлаштириб туриш, фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиягини мумкин қадар кўпроқ рўёбга чиқара олган тақдирдагина кучли- бўла олади. Фуқаролик жамияти билан биргаликда фаолият кўрсатувчи кучли давлат қонунлар, фармонлар, меъёрий ҳужжатлар орқали бевосита таъсир кўрсатишнинг ҳам, нарх-наволарни, иш ҳақини тартибга солиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш, қарзларга фоиз миқдорини белгилаш ва солиқ солиш механизmlари орқали билвосита таъсирнинг ҳам маданий шаклларини эътибордан четда қолдира олмайди.

Хозирги замондаги ишлаб чиқаришнинг технолого-гик даражаси, илмий-техникавий жиҳатдан замонавийлаштириш эҳтиёжлари ишлаб чиқариш субъектларини тақрор ишлаб чиқаришга сифат жиҳатдан янги талаблар қўймоқда. Ўзбекистон жамиятининг муттасил ривожланиб бориши, унинг сиёсий тизимининг ишга яёқатли бўлиши учун ҳар турли мақсадли ижтимоий дастурларнинг, ижтимоий давлатнинг таълим, фан, соғлиқни сақлаш устидан самарали ҳомийлигининг (патронаж) аҳамияти ошиб бормоқда. Бунда давлат ўзининг миллий бойликни қайта тақсимлаш соҳасидаги мавқеини кучайтирмоғи лозим, акс ҳолда, фуқаролик

жамиятининг ўзлаштириш ва тақсимлаш дастакларини эгаллаб олган бюрократик қатлам, эртами-кечми, бу бойликни ўзининг аҳоли эҳтиёжлари тўғрисидаги хаёлий тасаввурларига мувофиқ тақсимлай бошлайди, ҳатто бевосита жамият ҳисобидан яшовчи текинхўрларга айланади.Faқат кучли демократик давлатгина ривожланган фуқаролик жамияти билан биргаликда фаолият кўрсатган ҳолда тақсимлаш имкониятидан самарали фойдалана олади. Бинобарин, қайта тақсимлашга эҳтиёж қанча кўп бўлса, уни амалга оширувчи сиёсий тизим шунчалик демократик бўлмоғи лозим.

Давлат билан фуқаролик жамияти баҳамжиҳат фаолиятининг қанчалик самарали бўлиши жамоатчилик нинг ҳокимиятни қай даражада қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Имкониятлар рамзи бўлган сиёсий тизимнинг аҳамияти шу билан белгиланади. Давлат ҳамиша жамоатчилик фикридан боҳабар бўлиб туришга, Ўзбекистон аҳолиси орасида ҳам, чет элларда ҳам ўзига муносиб сиёсий обрў-эътибор қозонишга интилмоқда. Бу эса, жамоатчилик фикрини тартибга солиш ва ўрганишнинг стратегик тизимларини ишлаб чиқиши, «Public relation» соҳасидаги сиёсий, фалсафий, социологик тадқиқотларни кучайтиришни талаб қиласди. Бу соҳада дастлабки амалий қадамлар қўйилди, улар тез орада ўз самарасини бериши керак. Умуман олганда Республикада шуни тушуниб етдиларки, популизм (арzon шуҳрат қозониш) фақат қисқа муддатли муваффақият келтириши мумкин, зеро пировардида ҳамма нарса сиёсий тизим эълон қилинган мақсадларни амалга оширишга қай даражада лаёқатли эканлигига боғлиқ. Шунинг учун жамиятга таклиф этилаётган мақсадлар тизими жамият тараққиётининг реал шароитига мослаштирилган, улар сиёсатчиларнинг мақсадларига ҳам, сиёсий тизим субъектлари кўпчилигининг мақсадларига ҳам мос келади. Faқат шугина сиёсий тизимнинг ҳақиқий барқарорлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, бундан сиёсий тизимни тартибга солиш имкониятининг аҳамияти ҳам равshan қўриниб турибди. Бошқача айтганда, сиёсий тизимнинг ташқи шароит ва ички ҳолатнинг ўзгаришларига аниқ муносабат билдира олиши уни чинакам барқарор, ўзини ўзи ривожлантиришга лаёқатли тизимга айлантиради. Бунда ҳозирги босқичда Ўзбекистон сиёсий тизимининг мослашув қобилиятини оширишнинг қатъий усули ўлароқ, сиёсий тизим яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда,

кичик тизимларининг — маҳаллий ҳокимият тизимлари, ўз-ўзини бошқарув органлари, сиёсий партиялар, жамият ташкилотлари, жамиятлар, ижодий уюшмалар ва шулар қабиларнинг мустақиллигини кучайтириш ҳисобидан эркинлик даражаларини босқичма-босқич, се-кин-аста ошириб бориш тақозо этилади. Сиёсий исло-ҳотларнинг нағватдаги босқичини айнан шу мақсадлар белгиламоги объектив заруратдир.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Жойлардаги давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини- ўзи бошқариш ислоҳотларининг ўзбекона тажрибаси	10
Сиёсий тизимларни демократлашириш	31
Ноҳукумат ташкилотлари: ҳалқаро тажриба ва ҳамкорлик .	50
Тараққиёт таомили	61
«Устав» — мустақилликни бой бериш эмасми?	65
Мустақиллик гояси: изчиллик ва қатъийлик	71
НАТО ва Шарқ	77
Барқарорлик — муваффақиятли алоқалар гарови	80
Афғонистон устидаги «бўрон»	85
Асеан 2020 йилларда	104
Ижтимоий сиёsat ва тараққиёт	109
Янгича фикрлаш ва тарих	120
Демократия умуминсоний қадриятлар мажмуаси	126
Таълимнинг янги тизими ҳаракатда	131
Холоса	135

«Шарк» нашриёт-матбаа консерни
Бош гахриияти
Ташкент — 1998

Наш учтун настул №. 1410000
Рассом Е. Амурене
Мухарир Э. Мирзакановна
Башниа мукхорир Ф. Башинова
Техник мукхорир Ф. Ахметова
Мустанжекир Ц. Хасанчиконова. Х. Ахметчекир

РУСТАМ ЖУМАЕВ

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ:
ДЕМОКРАТИАШИРИШ ЙҮЛИДА